Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **23** февраль, жума № **8** (2187).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **23** февраля, **2007** год, № **8** (2187).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар халқимиз томонидан асрлар давомида асраб-авайлаб келинмоқда.

Бу қутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётганини, айниқса, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек, минг-минглаб ноёб қўлёзмалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бу савобли ишга ҳисса қўшиш ва унда иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармаси таъсис этилгани маълумот учун қабул қилинсин ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Жамғарманинг мамлакатимиздаги ташкилотлар, идоралар, корхоналар, тижорат банклари ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи иловага мувофиқ эътиборга олинсин.

2. Жамғарма Ҳазрати Имом мажмуасида қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган даврда бунёдкорлик сифатида фаолият юритиши, унинг асосий вазифаси мажмуа ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашиш учун зарур маблағларни тўплаш ва уларнинг мақсадли равишда сарфланишини таъминлашдан иборат экани белгилаб қўйилсин.

3.Жамғарма нотижорат ташкилот бўлиб, унга нотижорат ташкилотлар учун қонунчиликда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилади.

4.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 15 кун муддатда Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг Низомини ўрнатилган тартибда рўйхатга олсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

6.Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ҳазрати Имом мажмуасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш, ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 февраль.

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Кучимга куч қўшар қуролим менинг

ТАНЛОВ ЯНГИ НОМЛАРНИ ОЧМОҚДА

Президент совғаси учун ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари Самарқанд вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Йил сайин такомиллашиб, қамрови кенгайиб бораётган ушбу тадбир чинакам тадбиркор ва фермерлар, қўли гул ҳунармандлар кўригига айланди.

– Танлов иштирокчилари сони ҳам йил сайин ортиб боряпти, – дейди кўрик-танловни ўтказиш бўйича вилоят ташкилий қўмитаси раиси Ф.Зоиров. – Ўтган йили танловда 624 нафар киши қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони 800 нафардан ошиб кетди. Улар орасида янги-янги фаолият турлари билан шуғулланаётган тадбиркорлар, ер билан тиллаша оладиган фермерлар бор.

Айниқса, бу йил қурилиш моллари, мебель ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлар анча кўпайди. Масалан, Самарқанд шаҳридаги "Жаҳонжон" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ва Ургут туманидаги "Яшил олтин" масъулияти чекланган жамияти бир неча турдаги қурилиш моллари ишлаб чиқараётир. Тайлоқлик тадбиркор О.Илёсов эса асаларичилик ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда. Шу боис, улар танловнинг ҳудудий босқичларида ўз йўналишлари бўйича ғолиб чиқди.

– Танловда ғолиб бўлганимдан хурсандман, – дейди Жомбой туманидаги "Жакфа-Агромир" масъулияти чекланган жамияти раиси Б.Шокиров. – Бугунги кунда корхонамизда олти хил макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида асосий йўналишлардан ташқари, "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг ёш тадбиркор", "Энг мурувватли тадбиркор", "Қишлоқда турмуш маданиятини яхшилашдаги хизматлари учун" каби қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Айни кунларда "Ташаббус"нинг вилоят босқичига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ПРИОРИТЕТЫ ГОДА: РОСТ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ И ЗАБОТА О БЛАГЕ НАРОДА

12 февраля состоялось заседание Кабинета Министров Республики Узбекистан, посвященное итогам социально-экономического развития страны в 2006 году и важнейшим приоритетам углубления экономических реформ в 2007 году. На заседании с докладом «Гарантия нашей благополучной жизни – построение демократического, правового государства, либеральной экономики и основ гражданского общества» выступил Президент страны Ислам Каримов.

Если кратко охарактеризовать итоги развития страны в прошедшем году, то можно смело сказать, что они значительны, но еще более благоприятны перспективы. В результате последовательной реализации мер по углублению социально-экономических реформ и либерализации экономики в стране прочно закрепились тенденции устойчиво высоких темпов роста экономики, последовательного снижения инфляции и неуклонного роста материального благосостояния народа. Именно в этом состоит главный политический итог прошлого года.

(Продолжение на 8-й стр.).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР САФИ ОРТМОҚДА

«Аёлга эътибор – миллатга эътибор», деган ажойиб нақл бор элимизда. Мазмунан теран бундай ҳикматли сўзлар бежиз вужудга келмайди. Ҳаёт синоатининг минг бир синовларида тобланган, асрлар оша тошу-тарозилик дунёнинг одил ҳакамлигига иймон келтириб яшаган доно халқ томонидан яралади бундай мақоллар. Чунки аёл аввало она, ҳассос қалб эгаси, зукко тарбиячидир.

Шу сабабли бўлса керак қадим-қадимдан Шарқда қиз болалар тарбиясига жуда эрта эътибор қаратилган. Улар аввало доно рафиқа, оқила уй бекаси, фарзандлар тарбиясига масъул волида сифатида эътироф топишган. Жамиятнинг ривожи эса аёллардаги билим, тафаккур, истеъдод қирраларини юзага чиқармоқдаки, улар бугунги кунда ҳар бир соҳанинг фаол иштирокчиларидир.

Халқимизга истиқлол қуёшининг насиб этгани бизнинг миллат аёлларига ҳам катта эътибор ва имкониятлар олиб келди. Айниқса давлатимиз томонидан яратилган, юртимиз гўзал қизларининг билим ва иқтидори, истеъдодини юзага чиқарувчи бир қатор шарт-шароитлар фақат ўзлигимизга хосдир. Мана, шулардан энг асосийси Юртбошимиз томонидан 1999 йил 10 июнда эълон қилинган «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармондир.

(Давоми 8-бетда).

2006 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РИВОЖИ

машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида –

25,7%

кимё ва нефть-кимё саноатида –

19,6%

озиқ-овқат соҳасида –

28%

енгил саноатда –

20%

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

МЎЪЖИЗАЛАРГА КОН ОМОНХОНА

Омонхонага йўлланма билан келганлардан кўра, зиёратга келганлар кўп. Беморлар ванналар ва душларда 12–13 градусли табиий маъданли булоқ сувида чўмилишади. Очиғи, душга тушаётиб, дастлаб совуқдан сесканиб кетдик. Айниқса, гепатит билан оғриган, тез-тез шамоллаб турадиган ўғлимни ўзим билан олиб келганман. Мўъжизани қарангки, маълум муддатдан сўнг тана бўйлаб оғриқсизлик ва қизишни сеза бошладим. Ўғлим-ку, душнинг тагидан чиққиси келмайди. «Қўяверинг, бемалол чўмилаверсин. Омонхона суви шамоллатмайди», дейишди шифокорлар. Дарҳақиқат шундай экан. Қайтанга шифобахш сув шамоллашни йўқотаркан. Очиғи, ажабландим, лол қолдим.

Бунинг сабабини мутахассислардан сўрайман. Маълум бўлишича, шифобахш булоқ суви инсон танасида қон ва лимфа суюқлиги айланишига, қолаверса, ўт йўлларидаги ўт суюқлиги ҳаракатининг тезлашишига сабаб бўларкан. Танангиз қизиши шунинг ҳисобига бўлади. Натижада организм бўйлаб модда алмашинуви мўътадил бир ҳолатга ўтаркан. Айниқса, жигар йўлида дамланиб ётган ўтдан фориғ бўларкансиз. Ана, булоқ сувининг хосияти.

Мустақилликка эришгунимизча бу масканга унчалик эътибор бўлмаган. Ҳатто қишлоқ мўйсафидларининг айтишича, мустабид тузум даврида мазкур зиёратгоҳни ёпиб қўйишга, унда даволанишни бидъатга йўйиб, тақиқлашга кўп уринишлар бўлган.

(Давоми 8-бетда).

2 СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБЛАРИДА

ИМТИҲОНЛАР ЭТМОҚДА ДАВОМ

5 ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

МАҲОРАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ОМИЛ

9 КНИЖНАЯ ПОЛКА

ИСТОРИИ ВОЙН И ВОЕННОГО ИСКУССТВА

12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ

ХАЛҚҚА МУНОСИБ ҚЎШИҚЧИ БЎЛИШ ОРЗУИМ

Сержантлар тайёрлаш мактабларида

ИМТИҲОНЛАР ЭТМОҚДА ДАВОМ



Миллий армиямиз суянчи ва таянчи. Бундай таъриф айнан кичик командирлар, яъни сержантларга нисбатан айтилишини яхши биламиз. Албатта, бу – Қуролли Кучларимизда изчил давом этаётган ислоҳотлар, сержантлар корпусига берилаётган алоҳида эътибор самарасидир. Айнан шу эътибор сабаб, бугунги кунда сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқув-тарбиявий ишлар тубдан яхшиланиб, улар замонавий техника ва жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва таълим технологиялари билан таъминланмоқда. Тўлақонли билим олиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган бўлиб, илмий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётларга бой кутубхоналар, турли анжомлар билан жиҳозланган спорт зали ҳамда жисмоний машғулотлар ўтказиш майдончалари, замонавий ошхона ва ётоқхоналар курсантлар хизматида. Айни кунларда эса Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида (СТМ) битирув имтиҳонлари давом этяпти.

Маълумки, мазкур билим даргоҳига СТМ да аввал таҳсил олган, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда камида уч йил хизмат қилган, етакчилик тажрибасига, қобилиятига эга кичик сержантлар ўқишга қабул қилинади. Махсус дастур асосида ўқитиладиган курсантларга уч ой давомида жанговар ва тактик, жисмоний, отиш тайёргарликлари билан бирга ҳарбий педагогика ва психология, иқтисод, миллий истиқлол ғояси, этика ва эстетика, Ўзбекистон тарихи, маркетинг ва менежмент, чет тиллари, тарбиявий ишлар услубияти каби йигирмадан ортиқ фанлардан машғулотлар ўтилади. Тегишли мутахассисликлар бўйича ўқиган курсантларга берилувчи сертификат эса лидерлик ва бошқарув қобилияти шаклланган СТМ битирувчисининг юқори лавозимларга тайинланиши ва уларга навбатдаги ҳарбий унвон берилишига хизмат қилади.

Энди, бевосита битирув имтиҳонларига тўхталсак.

Тарбиявий ишлар услубияти фанидан бўлаётган имтиҳонлар хусусида ҳарбий педагогика ва психология цикли ўқитувчиси офицер Исроил Собиров шундай деди:

– Курсантларнинг билим даражаси, ақлий салоҳияти ва фанларни ўзлаштириш кўрсаткичларининг юқори эканлиги кишини қувонтиради. Юрт посбонларининг илмга чанқоқлиги сабаб, улар билан машғулот ўтиш ҳам, уларни синовдан ўтказиш ҳам мароқли. Аълочилар сифатида кичик сержантлар – Ихтиёр Хидиров, Бахтиёр Раҳмонов, Абдумалик Турсунқулов, Гулом Файбуллаевларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Дарвоқе, юқорида тилга олинган шартнома бўйича хизматчи Ихтиёр Хидиров олий маълумотли юрт посбонларидан. Муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, ҳарбийлик касбига меҳр қўйган ўғлон СТМ да ўқиди ҳамда «кичик сержант» ҳарбий унвонига эга бўлди. Билим даргоҳини аъло баҳолар билан тамомлаган ва айни пайтда сержантликни кўзлаётган ҳарбий хизматчи бу сафар ҳам натижани такрорлаш ва намунали курсантлар қаторидан жой олишни олдига мақсад қилиб қўйган. Аслида, бунинг уддасидан чиқмоқда ҳам.

Муҳандислик тайёргарлиги бўйича курсантлар билимини синовдан ўтказаётган жанговар тайёргарликни ташкиллаштириш цикли ўқитувчиси офицер Тўлқинжон Эргашевнинг билдирган фикр-мулоҳазаларига кўра, курсантларнинг касбий маҳорат ва тажрибага эгалиги боис умумий натижалар талаб даражасида.

Артиллерия цикли бошлиғи офицер Равшан Аббосов, радиореле алоқаси ва қўмондон штаб машинаси тайёргарлиги бўйича имтиҳон қабул қилаётган офицерлар Иброҳим Тожибоев ва Раҳматилла Зокировларнинг фикрлари ҳам юқоридаги эътирофга монанддир.

СТМ ўқув бўлимида бизга берилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ўз мутахассисликлари бўйича топширилган имтиҳонларда қайд этилган натижаларга кўра, курсантлар – Ҳайдар Аликулов, Нарзулла Қўчқоров, Шуҳрат Саломов, Бахтиёр Раҳмонов ва Рустам Хидировлар «аълочи» битирувчи деган номни қўлга киритишга яқин турибдилар. Энг юқори кўрсаткич соҳиблари эса имтиҳонлар тугагач, аниқланади.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ПОСТОЯННО ПОВЫШАЯ БОЕВУЮ ГОТОВНОСТЬ

Подразделение, где служит офицер Джамшид Элов, по праву является одним из лучших в наших Вооруженных Силах.

Самого офицера Д.Элова можно отнести к поколению перспективных офицеров, взращенных на идеях национальной независимости. По окончании ТВВТУ в 1996 году он успешно прошел стартовый отрезок службы, о чем свидетельствует и его направление в Академию Вооруженных Сил Узбекистана. Кстати, свой дипломный проект в 2005 году офицер защитил на отлично, за что благодарит тогдашнего наставника полковника Карима Турдалиева.

Полученные в Академии знания и опыт молодой офицер умело применил в полную силу, всего за год выведя свое подразделение в передовые. Конечно, и командование вышестоящего штаба военного округа постоянно поддерживает и оказывает помощь. Однако недаром говорится: хорошо помогать тому, кто сам стремится идти вперед. Офицера Д.Элова с полным основанием можно назвать именно таким инициативным, ищущим офицером, вдохновленным доверием.

В ходе знакомства с подразделением в первую очередь обращаешь внимание на хорошо поставленную работу по организации соревнования. Здесь соперничество наполнено реальным содержанием, прозрачность и сопоставимость результатов являются тем прочным фундаментом, на котором строится «здание» постоянного и стабильного роста боевой готовности. Среди командиров взводов на позиции непререкаемого лидера закрепился капитан Джамол Холмуродов, а в состязании командиров групп лидирует старший лейтенант Сирожиддин Кулбоев. Опыт и боевые навыки лидеров соревнования здесь активно передаются молодым, традиции наставничества сильны и эффективны.

Одним из важнейших элементов успеха данного подразделения также является хорошо поставленная воспитательная работа со всеми категориями военнослужащих и служащих Вооруженных Сил. Офицеру-воспитателю капитану Уткиржону Худайбердиеву удается просто и доходчиво донести до командиров самого разного уровня простую истину о том, что вчерашний солдат срочной службы после подписания с ним контракта не становится сразу военным профессионалом, с ним нужно вести кропотливую и каждодневную воспитательную работу. Не остаются вне поля зрения воспитателей и молодые офицеры, выпускники школ подготовки сержантов. Забота об их социальных проблемах, организация активной помощи на первом этапе профессионального становления становятся той вдохновляющей силой, которая ведет к успеху.

Следует обратить внимание на такой момент: постоянной и непрерывной работе над повышением боевой готовности отнюдь не помешала и ведущаяся в части большая работа по обустройству учебно-материальной базы. Ведется возведение современных спальных помещений, недавно введена в строй новая столовая.

– Забота командования о наших социальных условиях побуждает еще более самоотверженно трудиться над повышением своего мастерства, – говорит рядовой по контракту Нуритдин Сирожиддинов, недавно пополнивший ряды этого элитного подразделения. – Поэтому нашим ответом на эту заботу становятся хорошие и отличные оценки на занятиях и полевых выходах.

Недавно рядовой Н.Сирожиддинов осваивал новые приемы рукопашного боя в паре с именитым сослуживцем рядовым по контракту Алишером Бахромовым, являющимся чемпионом Узбекистана по борьбе турон. «Мастер-класс» от чемпиона страны позволит новобранцу этого передового коллектива чувствовать себя гораздо увереннее в учебном и реальном бою.

Именно такой сплав молодости и мастерства и стал, на мой взгляд, стержнем, позволившим подразделению в нелегком соперничестве завоевать звание лучшего. Например, на недавнем десятидневном полевом выходе было успешно отработано тактико-специальное занятие с действиями в условиях, максимально приближенных к боевым. В частности, на нем сумели отличиться подчиненные старшего лейтенанта Гайрата Ботирова, показав высокую индивидуальную подготовленность, прекрасную слаженность. С опережением нормативов по времени выполнив марш-бросок в заданный район, воины умело оборудовали, замаскировали огневые позиции, да и на стрельбе также не подвели.

Интерес офицерского состава к усовершенствованию учебно-материальной базы основан и на том, что вышестоящее командование находит возможности для поощрения подобной инициативы. Так, капитан Низом Раджабов, подавший добрый пример в этом сослуживцам, недавно был повышен в должности. Конечно, не ради служебного роста все это делается, однако внимание всегда действует вдохновляющим образом. Не исключено, что и на старшего лейтенанта Фархода Ашурова пример старшего товарища оказал свое благотворное воспитательное воздействие.

К слову, вопросы поддержания высокой бдительности и боевой настороженности в данном передовом подразделении всегда на первом плане. Строго выдерживается многоступенчатая схема подготовки караульного наряда, проверки караулов со стороны вышестоящего штаба не выявляли серьезных нарушений. Впрочем, здесь не наблюдается настроений благодушия и самоуспокоенности, ведь сложная военно-политическая обстановка в нашем регионе обязывает всегда «держать порох сухим».

Пример передового подразделения, о котором идет рассказ, – яркое подтверждение успешного достижения указанных выше целей. В частности, командир секции младший сержант Иномжон Карабаев успешно выступил в республиканском туре состязания в номинации «Лучший сержант». Отличный воин был удостен Памятного знака «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил», врученного ему в торжественной обстановке.

Первые месяцы нового учебного года со всей очевидностью показывают, что победители соревнования серьезно настроены сохранить за собой лидерские позиции.

Майор Алишер НУРОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

АНДИЖОН

Вилоят фаоллар йиғилишида ўтган йилни халқ хўжалигининг турли соҳаларида муайян ютуқлар билан якунланганлиги айтиб ўтилди. Ялпи ички маҳсулот 2006 йилга нисбатан 8 фоизга ўсди. Саноат ишлаб чиқариши 25, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши 4, маиший хизмат кўрсатиш 17 фоизга ортди. 9,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. 126,5 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ ўзлаштирилди.

Маълумки, Андижон вилояти аҳолиси энг зич ҳудудлардан ҳисобланади. Бу эса меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, кам таъминланган оилаларга эътиборни кучайтириш заруратини туғдирмоқда. Шу боис, вилоят ҳокимлиги ҳукумат ёрдамига таянган ҳолда йирик саноат корхоналарини модернизациялаш дастурини ишлаб чиқди. 20-25 йил аввал ўрнатилган дастгоҳларнинг баҳридан ўтилмоқда. Уларнинг ўрнига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берадиган замонавий жиҳозлар келтирилиб ўрнатилаётир. Ўз навбатида янги-янги иш ўринлари вужудга келмоқда. Олтинкўлдаги трикотаж, Пойтуғ ва Пахтаободдаги ип-йигирув корхонлари ҳадемай юзлаб маҳаллий ёшларни ўз бағрига олади.

Шу ўринда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ва автомобилсозларга бутловчи қисмлар етказиб берувчи ўнлаб қўшма корхоналар ютуқларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маҳаллийлаштириш дастурини босқичма-босқич амалга ошираётган, жаҳондаги энг нуфузли компаниялар билан бемалол беллашаётган қўшма корхона жамоаси 2006 йилда 2005 йилдагига нисбатан 39 мингдан ортиқ автомобилни сотувга чиқарди. Жойларда юзлаб янги иш ўринлари яратилди.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 3391 бош қорамол беминнат тарқатилди. 1100 дан зиёд кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловдан қарздорлиги ҳомийлар ёрдамида ижобий ҳал этилди. Умуман олганда, ҳомийлар ва шифокорлар йили дастурига асосан давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда мурувватли тадбикорлар томонидан 11 миллиард сўм маблағ эзгу ишларга йўналтирилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Хусусан, қишлоққа саноатни олиб киришда Улуғнор, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Бўз туманларида сусткашликка йўл қўйилмоқда. 17 та корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни камайтириб юборди. «Бобур», «Семурғ», «Андижон пойабзал» сингари йирик корхоналарнинг раҳбарлари шиддатли давр талабини ҳанузгача англаб етмаётгани афсусланарлидир.

Шунингдек, мажлисда бозорларни тартибга солиш, хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, коммунал тўловларини йўлга қўйиш ва қишлоқда яшовчилар учун қатор қулайликлар яратиш ҳар бир раҳбар зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланди.

НАМАНГАН

2006 йил якунлари таҳлили ва жорий йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олиш юзасидан ўтказилган фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, ислоҳотларни ислоҳот учун эмас, инсон манфаатларини кўзлаб ўтказилаётганлиги ўз мевасини бермоқда. Масалан, саноат соҳасида мавжуд қувватлардан тўлиқроқ фойдаланиш, эскирган ускуналарда ишлаётган корхоналарни модернизация қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, экспортни кўпайтириш саъй-ҳаракатлари учун сарфланган 28,6 миллиард сўм сармоя пировардида маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 10,9 фоизга кўтариш имконини берди.

Қувончли жиҳати шундаки, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши вилоятда инвестиция муҳитининг яхшиланишига ҳамда хорижий сармояларни жалб этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижлик сармоядорлар билан мустаҳкам ҳамкорлиги натижасида ўтган йили 5 та янги қўшма корхона ташкил этилди. Ҳисобот даврида вилоятга 10,6 миллиард сўмлик хорижий инвестициялар, шу жумладан, 8,7 миллиард сўм тўғридан-тўғри чет эл сармоялари ва кредитларининг жалб этилиши «Нестле Ўзбекистон», «Марвел Джус Ко», «Аснамтекстил», «Поп Фен» сингари корхоналарда ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш имконини берди. Ташқи бозорга чиқарилаётган маҳсулотлар ортиб, вилоятнинг умумий экспорти 96,4 миллион АҚШ долларига етди ва кейинги бир йилнинг ўзида 24,1 фоиз ўсиш таъминланди.

Айтиш жоизки, вилоят иқтисодиётида аграр тармоқнинг ўзига яраша ўрни бор. Мулкка муносабат ўзгариши, деҳқонларда ерга эгалик ҳисси шаклланиши баробарида қишлоқда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган меҳнат кооперациясининг янги шакллари, янгича хўжалик юритиш муносабатлари тизими барқарор ривожланмоқда. Айни пайтда вилоятда 13 минг 712 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти.

Йиғилишда ўтган йил давомида бой берилган имкониятлар, охирига етказилиши лозим бўлган юмушлар атрофлича таҳлил қилинди. Ташвишланадиган ҳолатлар эса кам эмас. Хусусан, 8 та корхона саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2005 йилга нисбатан 5,6 миллиард сўмга камайтириб юборган. Яна 8 та корхона эса фаолиятини 6,4 миллиард сўм зарар билан якунлаган. Бир қатор акциядорлик жамиятларидаги аҳвол уларнинг истиқболи билан боғлиқ кескин чоралар кўришни тақозо этади.

Мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

ХОРАЗМ

Вилоят фаолларининг йиғилишида ўтган йили барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича кўзланган натижаларга эришилгани таъкидланди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 6 фоизни ташкил қилган бўлса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,3 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 3,9 фоизга, хизмат кўрсатиш 9,0 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 4,2 фоизга, инвестицияларни жалб этиш 58,9 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмаси эса 147,2 миллион АҚШ долларига етди.

2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, турмуш даражасини босқичма-боқич юксалтириш йўлида ҳам сезиларли қадамлар қўйилди. Аҳолининг касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шароит яратиб бериш, кам таъминланган оилаларни чорва молларини билан таъминлаш орқали 34,3 мингта иш ўрни яратилди. Касаначиликни ривожлантириш натижасида эса 2245 киши фойдали меҳнатга жалб этилди.

Аниқроғи, вилоятда катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни янада ривожлантириш учун корхоналарда бекор турган дастгоҳ ва ускуналар қўлидан иш келадиган одамларга берилди. Пировардида 2245 та оила қўшимча даромадга эга бўлди.

Шу билан бирга, назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Айни чоғда йиғилиш қатнашчилари ҳар бир ишда масъулият ва ташаббусни чуқур ҳис этиш ютуқлар омили эканини алоҳида таъкидладилар. Бундай фазилатлар етишмаган жойда ўзўзидан сусткашлик юзага келади.

Йиғилишда вилоят давлат мулкини бошқариш бошқармасининг ҳусусийлаштириш масалаларига ёндашуви талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди. Ғаи шундаки, ўтган йили хусусийлаштириш режалаштирилган 42 та объектдан атиги 31 тасигина сотилган. Бу билан режа 76 фоиз бажарилган, холос. Уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши кўнгилдагидек эмас.

Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳам ечимини кутаётган муаммолар қалашиб қолган. Бултур мавжуд 15 та қайта ишлаш корхонасида бор-йўғи 8,6 минг тонна маҳсулот қайта ишлагани шундан далолат беради.

Йиғилишда 2007 йил режалари белгилаб олинди. Унга кўра, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар изчил давом эттирилади. Мисол учун, жорий йилда вилоятда етиштириладиган 1930 тонна пилла хомашёси шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишланади. Бунинг учун 1048 та янги иш ўрни ташкил этиш, 3,2 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари Хитой технологияси асосида йилига 90 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 6 та завод ишга туширилди. Уларда эса 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 600 та янги иш ўрни очилади. Буларнинг ҳаммаси инсон манфаатлари, аҳоли даромадларини кўпайтириш йўлида хизмат қилади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, қайд этилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят мамлакатимизда энг кўп пахта, ғалла етиштиради. Республикада ишлаб чиқарилаётган нефть ва конденсатнинг 92,7 фоизи, газнинг 95,5 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Ёнилғи-энергетика ва барча тармоқларда ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётганлиги туфайли вилоятнинг иқтисодий салоҳияти тобора ортиб бормоқда. 2006 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотларнинг ўсиши 6,8 фоизни ташкил этди.

2005 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 7,9, капитал маблағларни ўзлаштириш 39,5 фоизга ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 44,3 фоизни ташкил этаяпти. Иқтисодиётнинг асосий тармоғи – қишлоқ хўжалигидан олинган соф даромад 100 миллиард сўмдан ортди.

Яхши даромад ижтимоий соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб, инсон манфаатлари олий қадриятга айланади. Шу боис, вилоятда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Муҳокама жараёнида асосий эътибор центнер, тонна, фоизларга эмас, балки турмуш фаровонлиги даражасини ифодаловчи даромадларга қаратилди. Шу жиҳатдан қаралганда айрим туман, корхона ва фермер хўжаликларида камчиликлар яққол кўзга ташланди.

Вилоят фаолларининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш соҳасидаги вазифаларга бағишланган йиғилишида бу натижалар танқидий таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга оширишнинг аниқ режалари ҳақида батафсил фикр юритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, Қ. НАЖМИДДИНОВ,
Б. НОРҚОБИЛОВ, О. РАҲИМОВ
«Халқ сўзи» мухбирлари.

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устуворликларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасини дунё оммавий ахборот воситалари ана шундай шарҳламоқда.



Эълон қилинаётган репортаж, хабар ва таҳлилий мақолаларда Ўзбекистон етакчиси ўз чиқишида мамлакат иқтисодий ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этибгина қолмасдан ечимини кутаётган энг долзарб масалаларни ҳамда иқтисодий тараққиёт йўналишларини белгилаб бергани қайд этилади.

Хитойдаги «Жэньмин Жибао» газетаси 2006 йили Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланганига эътибор қаратади. «Мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши 6,2 фоизга, пулли хизматлар 19,3 фоизга шартнома асосидаги қурилиш ишлари ҳажми 12,8 фоизга ошди. Ўтган давр мобайнида мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳажм ва кўламлари кенгайди. Товар маҳсулотлари экспорти 31,5 фоизга ошиб, ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо қарийб 2 миллиард АҚШ долларининг улуши эса 39,5 фоизга етган», деган сўзларини келтиради.

«Интерфакс» «Ўзбекистон ҳукумати иш ҳақини ошириш, хусусий мулк ҳимояси ҳамда сармоялар жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш ниятида» сарлавҳали хабарида қайд қилишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2007 йилнинг биринчи даражали вазифалари орасида иқтисодиёт ўсишининг изчил суръатларини таъминлашни, тизимли ўзгариш ва модернизациялашни рўёбга чиқариш, солиқ сиёсати либераллаштирилиши давом эттирилишини белгилаб берди. «Ислом Каримов 2007 йил бюджети параметрларини парламент тасдиқлагани, у жорий йилда ялпи ички маҳсулотни 7,7 фоизга, саноат ишлаб чиқаришини – 7,8 фоизга, қишлоқ хўжалигини –5 фоизга ошириш режалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилганини эслатди. Иқтисодиёт тармоқлари ривожлантирилишига жалб этиладиган сармоялар ҳажмини 25,5 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда, қатъий пул-кредит сиёсати шароитида пул қадрсизланиши даражаси эса 5 – 7 фоиздан ошмаслиги керак», деб ёзади Россия ахборот агентлиги.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, **Британиянинг Би-би-си агентлиги** 2006 йили Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилганини қайд этди. Бунда у жорий йили республикада мазкур жабҳани янада яхшилашга йўналтирилган қатор лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилаётганига эътибор қаратади. Мамлакат ижтимоий сиёсатидаги бу йўналишнинг муҳимлигини таъкидлар экан, Би-би-си мамлакат раҳбарининг «маърифатли ёш авлод – Ўзбекистоннинг энг катта бойлигидир» деган сўзларини келтиради.

Осиё-Тинч океани ахборот агентликлари ташкилоти Президент И.А.Каримов маърузасига бағишланган ўз ахборотида Ўзбекистонда фермерчилик тараққиёти мавзусига алоҳида эътибор қаратган. «Республикада фермерлик ҳаракати ўсувчан суръат билан ривожланиб бормоқда, деб ёзади агентлик. Унга салкам 190 минг хўжаликдаги 1,4 миллион нафар киши жалб этилган. Агар 2000 йилда мамлакатда етиштирилган пахта хом ашёсининг 21 фоизи ўзбекистонлик фермерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоизга етди. Галла етиштиришда уларнинг улуши 15 фоиздан 75 фоизга етди».

Нуфузли **«Global Insight» таҳлил компанияси** Президент Ислом Каримов 2006 йилнинг якунлари билан бир қаторда 2007 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ҳам белгилаб берганига эътибор қаратади: «Мамлакат раҳбари, жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг жадал ўсишини таъминлаш, иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқарувчи соҳаларини ривожлантириш, аҳолига тўланадиган ижтимоий тўловларнинг ҳажмини ошириш, кичик тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда хусусий сектор ҳиссасини юксалтириш, банк ва молия соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга даъват этди», – деб ёзади «Global Insight».

Президент маърузаси, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ишбилармон ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон раҳбари маърузасини шарҳлар экан, улар мазкур чиқиш нафақат Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳвол билан ҳар томонлама танишиш, балки мамлакат билан яқин бир неча йил ичидаги ҳамкорлик стратегиясини ишончли тарзда ишлаб чиқиш имконини ҳам беришини қайд этмоқда.

Голландиянинг «Van Der Ploeg International B.V.» қишлоқ хўжалик компанияси бошқарувчи директори Йохум Ван Дер Плухнинг айтишича, унинг компанияси Ўзбекистонга истиқболли ва мафтункор бозор сифатида қарамоқда.

– Мамлакат ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида хусусий сектор улушини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлари юксак баҳога сазовордир, – дейди тадбиркор. – Компаниямиз Ўзбекистон билан қорамол етказиб бериш, сутчилик ва паррандафермерларини тузиш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ва алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдордир. Президент Ислом Каримов маърузасида келтирилган далил ва статистика маълумотлари бизга ишонч бағишлаб, амалий ҳамкорликка имкон қадар тезроқ ўтиш учун жуда яхши туртки бўлиб хизмат қилади.

«Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни бир ярим йил муқаддам бошлаган ҳолда Тошкентда иккита тўқимачилик корхонасини очганмиз, – дейди **Голландиянинг «Dinana Fashion» компанияси бош директори Х.Гуллер.** – Ўтган қисқа вақт мобайнида биз Ўзбекистон раҳбариятининг тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва мамлакатда қулай сармоя муҳитини яратишга қаратаётган юксак эътиборини ўзимиз ҳис этиб улгурдик. Айнан мана шу эътибор туфайли мамлакат Президент Ислом Каримов томонидан айтиб ўтилган ривожланишнинг юқори суръатларига эришмоқда. Шу ўринда Ўзбекистонда таълим соҳасига ҳам жуда катта эътибор қаратилаётганини айтиб ўтишни истар эдим. Бу мавзу Президент маърузасида атрофлича ўз ифодасини топган ва мен бу йўлда амалга оширилаётган чоралар ўзининг ижобий натижасини бераётганини мамнуният билан қайд этишни хоҳлар эдим. Айни пайтда юртингизда ўз корхоналарини очаётган сармоядорлар малакали кадр ва мутахассислар билан боғлиқ ҳеч қандай муаммоларга эга эмас».

Жаҳон божхона ташкилоти катта ходими В.Микеладзенинг фикрича, Ўзбекистон экспортининг 31,5 фоизга ошгани мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва у секин-аста жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётганидан далолат беради.

– Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада кўпайгани эса хорижий тадбиркорларнинг Ўзбекистонга нисбатан бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётгани ва бу мафтункор бозорда ўрнашиб қолишга ҳаракат қилаётганининг ёрқин далилидир, – деди В.Микеладзе.

«Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қандай баландпарвоз сиёсий баёнотларни бераётгани йўқ, у сиёсий шовқин-сурон билан шуғулланмасдан, балки иқтисодиётни шакллантириш, давлат қурилиши билан машғул бўлмоқда, – дейди Россиядаги **«Мир говорит» газетасининг бош муҳаррири Виктор Матяшов.** – Мамлакатнинг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид маълумотлар вазиятнинг Ўзбекистон учун қулай томонга ривожланаётганидан далолат берса-да, Ислом Каримов мавжуд иқтисодий заҳираларга катта эътибор қаратиб, улардан фойдаланишнинг йўлларини белгилаб берди».

Президент И.А.Каримов маърузасини шарҳлар экан, **Россия Федерацияси сиёсий конъюнктура маркази эксперти Евгения Войко** Ўзбекистон етакчиси томонидан айтиб ўтилган иқтисодий жабҳага оид маълумотлар диққатга сазоворлиги, энг муҳими, улар муваффақият кўрсаткичлари эканлигига тўхталди.

– Ижтимоий фаолиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган тузилмавий ўзгаришлар республика раҳбариятининг мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга интилаётганидан далолат беради. Президент ҳокимиятнинг барча соҳалардаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришга қатъий интилаётганини алоҳида таъкидламоқдаки, бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камаяётгани ҳамда хусусий бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганида намоён бўлмоқда, – деб таъкидлади россиялик эксперт.

«Ўйлашимча, Президент И.А.Каримовнинг маърузаси ўтган йил натижалари лўнда ифода этилгани ва 2007 йилдаги тараққиётнинг мақсад ва устуворликлари аниқ белгилаб берилгани билан диққатга сазовордир, – дейди **Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати Шим Же-дук.** Шу ўринда халқ фаровонлигини ҳар томонлама ошириш учун мамлакат ҳукумати қаратаётган диққат-эътиборни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Мазкур йўналиш Ўзбекистон раҳбарияти учун устувор бўлган ва шундай бўлиб келмоқда. Айнан шу боис маош, нафақа ва турли ижтимоий тўловларни ошириш масалалари Президент томонидан фаолиятнинг устувор йўналишлари рўйхатига киритилган. Фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислом Каримовнинг донолиги ва етакчилик қобилиятига чуқур эҳтиром изҳор этишни хоҳлар эдим. Ўзбекистон раҳбари аниқ вазифаларни ҳал этишда доимо узоқ муддатли истиқболларни ва вазифаларни кўра олади».

Корея Республикасида инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли «The Korea Post» журнали президенти ва ноширн Ли Кёнг-сик мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқлари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

– Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг жадал ўсиши, экспортнинг сезиларли даражада юксалиши, олтин-валюта заҳираларининг ошиши, шунингдек, иқтисодиётни тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш борасидаги вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакат раҳбарияти томонидан белгиланган иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари муваффақиятли тарзда ҳал этилаётганидан далолат беради, – дейди Ли Кёнг-сик. – Жанубий кореялик ишбилармонлар Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хорижий сармоядорларга стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларни, жумладан, автомобилсозлик, электротехника, енгил ва тўқимачилик саноати корхоналарини таклиф этишга тайёр экани тўғрисидаги сўзларига алоҳида диққат билан қулоқ тутди.

Хитойнинг «Beijing Golden Harvest Trade Co., LTD» компанияси бош менежери Йао Юань Ўзбекистоннинг макроиқтисодий тараққиёти натижалари, ЯИМ ўсиши, экспорт ҳажмининг ўсиш суръати, олтин-валюта заҳирасининг ошиши ва тўлов балансининг барқарорлиги Халқаро Валюта Жамғармасидек нуфузли халқаро молия институти мутахассислари томонидан юқори баҳоланганига эътибор қаратди.

– Президент Ислом Каримов маърузасида келтириб ўтилган далил ва рақамлар ҳамда ХВЖ томонидан берилган юқори баҳо ўзбекистонлик ишбилармонлар билан алоқа ўрнатиш ниятида бўлган хорижий сармоядорлар учун ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилади, – деди Йао Юань. – Ўзбекистон Президентининг маърузасида акс этган вазиятнинг синчков таҳлили бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатдаги сармоя муҳитини яхшилаш масалалари мамлакат раҳбариятининг доимий диққат марказида турганидан далолат беради. Бу мамлакатда фаолият кўрсатаётганлар учун ҳам, бу ерга энди-гина келишни режалаштираётганлар учун ҳам яна бир қўшимча туртки бўлиши шубҳасиздир.

«Жаҳон» АА.

Изучаем поздравление Президента

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ – ВЕЛЕНИЕ ВРЕМЕНИ

Программа мер социально-экономического и политического развития страны на начало XXI века, разработанная Президентом Исламом Каримовым, охватывает все стороны жизни общества. При этом глава государства как основоположник идеологии национальной независимости и руководство республики взяли на себя ответственную миссию – они возглавили в обществе процесс формирования у наших людей сознания и мышления, достойных наших идеалов, выработки у каждого гражданина страны чувства патриотизма, любви и преданности Родине, готовности верно служить делу независимости и защищать ее как зеницу ока. Как показывает исторический 15-летний путь развития, эта многоплановая задача решается успешно.

В настоящее время наша страна и ее Вооруженные Силы вступили в новый этап своего социально-экономического и политического развития, который характеризуется усилением власти закона, углублением демократических процессов в обществе и государстве, о чем, в частности, говорит законодательная инициатива Президента страны о повышении роли политических партий, повышением организованности, ответственности и дисциплины в обществе, а в Вооруженных Силах – дальнейшим совершенствованием оснащенности войск, усилением внимания к учебно-боевой подготовке личного состава, к боевой готовности войск, их мобильности, маневренности, самодостаточности, в первую очередь контртеррористических подразделений.

Одной из важнейших задач командиров всех уровней, говорится в праздничном поздравлении Президента страны защитникам Родины, **«является дальнейшее совершенствование воспитательной работы в армии, укрепление в сознании каждого военнослужащего чувства высокой ответственности за судьбу страны, воспитание у них высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма».**

В Вооруженных Силах сложилась система воспитательной работы. Ее основу составляют общественно-политическая подготовка личного состава, единые дни общественно-политических и правовых знаний, систематическое оперативное информирование военнослужащих о важнейших событиях в стране и за рубежом, о задачах и проблемах обучения и воспитания личного состава, другие, оправдавшие себя формы и методы воспитательной работы. За годы реформирования Вооруженных Сил эта работа претерпела значительные изменения прежде всего в деле повышения ее эффективности и действенности, совершенствования форм и методов, а также внедрения современных способов информирования личного состава на базе электронных средств массовой информации.

Кардинальная военная реформа – совершенствование организационно-штатной структуры Вооруженных Сил, усиление их технической оснащенности, рост масштабов задач боевой подготовки и боевой готовности, естественно, потребовали и расширения задач воспитательной работы. Сегодня можно утверждать, что идеологическое, духовно-нравственное влияние военных кадров на процессы, происходящие в Вооруженных Силах, постоянно растет. И тот духовно-нравственный заряд, который вносят в сознание воинов воспитательные кадры, активно способствует качественному решению учебно-боевых задач, созданию здорового морального климата в воинских коллективах, политической сплоченности воинов и формированию их духовной зрелости.

Благодаря усилиям командиров, органов воспитательной работы сегодня военнослужащий в полной мере осознает себя защитником независимой Родины, воином-патриотом, верным Отчизне, народу и Президенту. Действенность воспитательной работы доказана и 15-летним ходом развития и совершенствования Вооруженных Сил – напряженной боевой учебой, качественным выполнением задач боевой готовности, высоким патриотизмом военнослужащих, достойно представлявшим страну за рубежом в совместных, миротворческих и антитеррористических учениях. Она доказана кровью лучших сынов Отечества в борьбе против международного терроризма и экстремизма. Действенность воспитательной работы воплощается и в том, что **сегодня мы имеем современные, мобильные, достаточно вооруженные и качественно подготовленные Вооруженные Силы, способные отстоять независимость, суверенитет страны, ее территориальную целостность, неприкосновенность наших границ, стабильность страны, мир и спокойствие народа.**

Мы вступили в новый ответственный период развития страны и Вооруженных Сил, который связан с целым комплексом ближайших и перспективных задач, с нашими надеждами и устремлениями. **«Воплощение всех этих надежд и устремлений в наступающем году, – говорил глава нашего государства в Новогоднем поздравлении народу Узбекистана, – учитывая сложную и неспокойную обстановку в нашем регионе и мире в целом, в первую очередь требует от нас мобилизации всех сил и возможностей для того, чтобы обеспечить безопасность страны, ее границ, защитить от любых угроз мирную жизнь и спокойствие наших людей».**

Вытекающая из этой установки Верховного Главнокомандующего масштабность и ответственность задач, стоящих перед Вооруженными Силами, настоятельно **требует усиления воспитательной работы, дальнейшего повышения ее эффективности и действенности, ясности и четкости ее приоритетов,** отвечающих требованиям сегодняшнего дня и в целом времени, в котором мы живем. Каковы эти приоритеты и на чем необходимо сосредоточить внимание военных кадров?

Первый приоритет. Это формирование у военнослужащих чувства патриотизма, любви и преданности Родине. Этот приоритет должен пронизывать всю нашу армейскую действительность, всю боевую, общественно-политическую подготовку, все формы воспитательной работы. В этой работе надо шире и основательнее опираться на несметные богатства нашего края, достижения страны за годы независимости, на щедрость неповторимой и благодатной земли и ее трудолюбивый народ, на национальную идею, благородство программ и целей и на нашу идеологию национальной независимости.

Второй приоритет. Формирование у военнослужащих высоких морально-боевых и психологических качеств, необходимых в современном бою. Эта работа должна быть постоянной и в полной мере отражающей потребности современных способов вооруженной борьбы с вероятным противником. Готовя нашего высокобоеспособного солдата, мы должны учитывать, что в мире и регионе возникли новые реалии: структура международных отношений стала необычайно подвижной, непосредственные выходы на применение силы – непредсказуемы. Нам надо добиваться того, чтобы во всей системе боевой, командирской, оперативной и общественно-политической подготовки готовить офицеров, сержантов и солдат подлинными воинами-профессионалами, способными мыслить творчески, проявлять инициативу, умеющими находить неординарные решения в самой сложной обстановке, способных уверенно идти вперед и добиваться успеха.

Третий приоритет. Воспитание военнослужащих на заветах великих предков, традициях героев-фронтовиков и боевых традициях наших Вооруженных Сил. Не раскрывая полностью этого вопроса, следует особо подчеркнуть, что для воинов-узбекистанцев неоценимое значение имели юбилеи Сахибкирана Амира Темура и бесстрашного патриота нашей Родины Джалолиддина Мангуберди. Они вооружили нас бессмертными военными заветами, боевыми традициями, они помогли нам глубже понять и осмыслить нашу историю и лучше осознать настоящее.

Четвертый приоритет. Всеми формами воспитательной работы развивать у военнослужащих стремление постоянно приобретать и совершенствовать свои военные профессиональные знания, боевое мастерство. Приоритет здесь принадлежит офицеру и сержанту. К этому надо прибавить высокую ответственность и понимание того, что в современных условиях сложнейшая боевая техника, оружие, аппаратура, радиоэлектроника или компьютерные информационные технологии послушны лишь умелым рукам.

Пятый приоритет. Это особое, пристальное внимание к общественно-политической подготовке личного состава. Речь идет не об умалении других форм и методов воспитательной работы, а об усилении внимания к этой основной, важнейшей форме воспитания личного состава. И вот почему. Только в системе общественно-политической подготовки можно решить основные задачи воспитания воина-гражданина, беспредельно преданного своей независимой Родине, народу и Президенту.

Мы должны добиться, чтобы общественно-политическая подготовка была интересной, глубокой по содержанию, чтобы она была востребована военнослужащим и отвечала его духовно-нравственным запросам. Неизменным законом или нравственным девизом руководителя занятия должно быть: ни один военнослужащий не должен остаться вне политического и духовно-нравственного влияния.

Шестой приоритет. Постоянное и неослабное внимание к укреплению воинской дисциплины, организованности и уставного порядка. Дисциплинированность базируется на строжайшем соблюдении требований воинских уставов. А значит, в основе укрепления воинской дисциплины должно быть глубокое изучение уставов и формирование у каждого военнослужащего уважительного отношения к их требованиям. Дисциплинированность – основа успехов воина в боевой учебе. Именно дисциплинированность, исполнительность, организованность рождают непревзойденные образцы мужества, стойкости и героизма. Важно также формировать у воинов такие жизненно необходимые в военной службе качества, как беспрекословное повиновение, инициатива, решительность и находчивость, самостоятельность, чувство войскового товарищества, незнание страха в борьбе.

Всеми формами воспитательной работы мы должны сформировать воина-патриота, у которого высокая духовность стала бы определяющей чертой его морального облика. Духовность удвоит и утроит силы воина в решении задач по защите родного Отечества. Только на основе высокой духовности нам сегодня удается решать задачу государственной важности – формировать не просто исполнительного солдата, а инициативную, мыслящую, интеллектуально развитую и профессионально подготовленную личность, способную решать самые сложные и ответственные задачи, стоящие перед Вооруженными Силами, надежно стоять на защите нашей независимости.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ – МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Ҳар қандай давлат, миллат ва халқ муайян тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади. Бунда ўз мақсадларини амалга оширувчи маълум бир ғояга асосланади, таянади.

Миллий давлатчилик анъаналаримизни асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ғояларга қарши иммунитет шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиш бизнинг миллий ғоямизнинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ғоя ва миллий ғоя ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало ушбу тушунчалар ифодаси, моҳияти хусусида фикр билдириш ўринлидир.

Ўзбекистон халқи давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида 1991 йилда миллий мустақиллигини қўлга киритгач, асрлар мобайнида эл орзуси бўлган эзгу ғояларни амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимиз Президенти мустақиллигимизнинг илк давридаёқ, миллий истиқлол ғоясини илгари суриб, қуйидагиларни таъкидладилар:

1. Ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

2. Жамиятда ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз лозим. Шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонида бизга бегона, орзу интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллаши шубҳасиз.

3. Миллий ғоя олдига қўйиладиган асосий талаблар – халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дини ва руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Бугунги кунда мамлакатимизда илгари сурилган миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-ўйларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол ғоясининг бош ғояси – Ўзбекистонни буюк давлат даражасига кўтариш. Бунинг моҳияти нимада?

Биринчидан, жамиятда ҳамма нарса инсон ва инсон бахт саодати учун. Мамлакатда ҳар бир оила ва фуқаронинг муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаёт қуриш – энг олий мақсад ҳисобланади. Инсон қачонки билим олиш, меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш, ўз фикрини эркин айтиш ҳуқуқига ҳамда ижтимоий муҳофаза ва кафолатларга эга бўлса, ўзини жамиятнинг тўлақонли вакили деб билади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча фуқароларга меҳнат қилиш ва касб танлашга (37-модда), мулкдор бўлишга (36-модда) кафолат берди. Аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояси давлат томонидан кафолатланди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллиги шароитида миллий ғоя ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган ҳолда жамиятни бирлаштириш, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришдаги асосий омил бўлиб майдонга чиқмоқда.

Миллий истиқлол ғоясининг яна бир асосий йўналиши – юрт тинчлигидир. Миллий давлатчилигимизга асос солинган биринчи кунларданоқ, Ватанимизни, табиат ином этган ва меҳнаткаш халқимиз томонидан бунёд этилган моддий ва маънавий бойликларни ҳимоя қилиш масаласи олдинги ўринда турди ва давлат сиёсатининг бош масалаларидан бири сифатида қаралди. Миллий истиқлол ғоясининг миллий армиямизни шакллантириш соҳасидаги асосий йўналишлари:

1. Қуролли Кучлар техникавий жиҳатдан яхши таъминланган ҳамда бошқарувнинг ишончли воситасига эга бўлиши лозим. Армия соҳасидаги ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни пухта ташкил этилган, тезкор ва ҳаракатчан, яхши таъминланган, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга бўлган, маҳорати баланд, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳаракат қила оладиган армияни шакллантиришдан иборат.

2. Қуролли Кучларни ислоҳ қилишда жаҳон ва давлатимиз ҳарбий ютуқлари, ҳарбий қурилишнинг илғор тажрибалари ва фанидан фойдаланилди. Қуролли жангнинг янги усул ва шакллари пайдо бўлган шароитларда жанговар вазифаларни ҳал қилишнинг янада самарали имкониятларини излаш борасида фаол иш олиб борилди. Бунда, албатта, экстремизм ва халқаро терроризм фаолиятининг фаоллашуви каби янги факторларга қарши кураш ҳам назарда тутилди.

3. Қуролли Кучларнинг ҳар томонлама етук шахсий таркибга эга бўлиши. Ҳарбий ислоҳотларда ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, улар профессионал тайёргарлигини ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишнинг кўзда тутилиши ҳамда ислоҳотларнинг жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тоблаш, профессионализм ва аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга йўналтирилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида жанговар қобилиятни вужудга келтиришнинг асосий омилларини белгилаб бердилар:

– шахсий таркибнинг миқдори ва сифати (бу сифат шахсий таркибнинг профессионал даражаси, ахлоқий-руҳий қатъияти, жисмоний тайёргарлиги ва интизоми билан белгиланади);

– Қуролли Кучлар ҳарбий қудратининг муҳим қисми бўлган қурол-яроғлар ва ҳарбий техниканинг миқдори ва сифати;

– ҳарбий инфраструктура;

– лозим бўлганда саноатни тезда қайта қуриш ва сафарбарлик учун замин ҳозирлаш.

Миллий армиямизни шакллантириш ва такомиллаштириш ғоялари асосида олиб борилган ишлар натижасида қисм ва бўлинмаларда босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб таълим тизими ташкил этилди. Ўқув жараёнининг моддий ўқув базаси яратилди. Тарбиявий жараёнда ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий жиҳатдан тайёргарлигини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Миллий ғоя – ватанпарварлик асоси. Ватанпарвар инсон ўз киндик қони тўкилган табаррук заминни эъзозлаши, унинг камол топишига, равнақига ҳисса қўшиши, она Ватан ҳимоясига мудом тайёр туриши, буюк аждодлари анъаналари ҳамда миллий истиқлол ғоясини муқаддас билиши, мустақил Ватаннинг асл ватанпарвари бўлиши лозим. Зеро, инсон учун Ватандан улуғ, Ватандан азиз ҳеч нарса йўқ. Бугунги Ватан ҳимоячиси учун жанговар ва жисмоний тайёргарликнинг ўзи камлик қилади. Унинг интеллектуал салоҳияти, ватанпарварлик туйғуси, халқи ва Президентига, ҳарбий бурчга садоқати юксак даражада бўлиши керак.

Ўзбекистон жангчиси она Ватанни чин қалбдан севиб ардоқлаш билан бирга, уни ҳар қандай ғанимдан ҳар қандай шароитда ишончли ҳимоя қила билишни ҳам уддалаши шарт. Бунинг учун у ҳарб илмини пухта эгаллаши, жанговар техника ва қурол-яроғлардан моҳирона фойдалана олиши, тартиб-интизом, ахлоқ-одоб, ўзаро кўмакдошлик сингари кўплаб сифатларни ўзида мужассамлантирган бўлиши, энг муҳими, она юрти ҳимоясида, ҳарбий жамоасида алоҳида ўрни бор эканлигини чуқур идрок этиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқлол ғоясини чуқур идрок этган, маънавий-ахлоқий ва руҳий жиҳатдан етук, ватанпарвар инсон ўз Ватани ва халқи тинчлиги ҳимояси йўлида охирги нафасигача курашишга ҳамиша тайёр бўлади.

ЭСЛАТМА: Машғулот ва семинар (мунозара) пайтида «Истиқлолнинг буюк йўли», «Табаррук замин», «Халқ сўзи – ҳақ сўз» ва бошқа мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар намойиш этилади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДАГИ ХАЛҚ ОЗОДЛИК КУРАШЛАРИ, ДЕМОКРАТИК ҲАРАКАТЛАР

Тарихдан яхши маълум, ўзбек халқи асрлар мобайнида ўз мустақиллигига эришиш учун курашиб келди. Бундай ҳаракатларга ватанпарвар улуғ аждодларимиз раҳбарлик қилишди.

XIX асрнинг охири ва XX аср Россияда 1905–1907 ва 1917 йилларда рўй берган воқеалар таъсирида Туркистонда демократик ҳаракат бошига жадидлар (арабча жадид сўзи – «янги» маъносини англатади) чиқди.

Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат намояндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар, деб аташган. Ўша даврнинг илғор тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етгандилар.

Жадидчилик моҳият-эътибори билан аввало, сиёсий ҳаракат эди. Унинг шаклланиш ва мағлубиятга учраш даврлари бўлиб, уларни шартли равишда тўртга бўлиш мумкин. Туркистон, Бухоро ва Хива ҳудудида бу даврлар 1895–1905, 1906–1916, 1917–1920, 1921–1929 йилларни ўз ичига олади.

Биринчи даврда Туркистонда чор Россиясининг мустаҳкам ўрнашиб олиши кузатилади. Рус подшоси ўз сиёсий агентлари (вакиллари) ёрдамида маҳаллий хон ва амирлар ваколатларини чеклабгина қолмай, уларни қўғирчоққа айлантириб, рус ва ғарб сармоядорларининг ишлаши ва яшаши учун шароит яратади, турли компаниялар, акциядорлик жамиятлари манфаатини кўзлайди. Айни чоғда маҳаллий аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари назарга олинмай қўйилди, диний эътиқодлари, урф-одатлари билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимаслик кучайди.

Ҳаётий, илмий савияси юқори бўлган қозилар тажрибасиз кишилар билан алмаштирилди, порахўрлик, ижтимоий-сиёсий адолатсизлик авж олди. Мадраса ва мактаблар фаолиятини чеклаш, маҳаллий жой номларини русча атамалар билан алмаштиришлар сингари бедодликларга миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар бефарқ қараб туришмади.

Зиёлилар дастлаб чоризмга қарши курашни халқни асрий қолоқликдан уйғотиш – сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилик ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди.

Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кўришни орзу қилдилар, шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди:

– янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш;

– қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш;

– турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш;

– газета ва журналлар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш орқали Туркистонда миллий демократик давлат қуриш.

Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди. Жадидларнинг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлган:

– Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш;

– Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш;

– Бухоро ва Хивада конституциявий монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш;

– барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш.

Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан жадидчилик ҳаракати шаклланди.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатини вужудга келтирувчиларнинг олдинги сафида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулқодир Шукур (Шакурий), Саидаҳмад Сиддиий-Ажзий (Самарқанд), Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев), Тошпўлатбек Норбўтабеков (Тошкент), Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдулвоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний, Абдулқодир Муҳиддинов (Бухоро), Обиджон Маҳмудов, Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода (Фарғона водийси), Полвонниёз Ҳожиюсупов, Бобоохун Салимов (Хоразм) турарди.

1904 – 1905 йиллардаги рус-япон уруши, 1905 – 1907 йилларда бўлган биринчи рус инқилоби, 1905 – 1911 йиллардаги Эрон инқилоби, 1905 йили Туркияда бўлган Ёш турклар инқилоби жадидлар дунёқарашига кучли таъсир кўрсатди. Жадидлар ўз газета ва журналлари, янги усул мактаблари, турли кутубхона ва қироатхоналар, ҳаваскорлар театри труппалари теварагида тўпланишган. Уларнинг кўпчилиги шу даврнинг кўзга кўринган ижодкорлари – шоиру ёзувчилар эди.

Жадидларнинг аксар вакиллари ёшларга даставвал диний таълим билан бир қаторда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кун тартибига қўйдилар. Улар мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, янгича усулдаги мактабларни очдилар. Беҳбудий, Мунавваркори, А.Бурҳонов, А.Авлоний ва бошқалар янги усул мактаблари учун дарсликлар ёзиб, нашр этишган. Жадидчилик ҳаракати давомида уларнинг ўз матбуоти шаклланди.

1909 йилда Тошкент ёш зиёлилари томонидан «Жамияти хайрия» ташкил этилди. Маҳаллий ёшлардан давлат маҳкамаларида, саноат, тижорат соҳасида ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш, камбағал мусулмонларга маданий-маънавий ёрдам кўрсатиш масаласи қўйилди. Бу – миллатнинг бошқа халқлар ичига сингиб кетмаслиги йўлида кўрилган тадбирлар эди.

Бу даврда жадидлар ижтимоий-сиёсий куч сифатида кўриндилар. Халқ уларда ўз ҳимоячиларини ҳис этди. Сирдарё вилоятидан Петербургда ўтадиган Давлат думасига аъзоликка сайланган Абдувоҳидқори Абдурауфқориевга Тошкент, Чимкент ва бошқа жойларнинг аҳолисидан 12 моддадан иборат талабномани Давлат думасига топшириш юкланди. Бу ҳужжатда кўпгина ижтимоий талаблар кўрсатилган эди.

Абдувоҳидқори Петербургда Садри Мақсудий (1879 – 1957 й.й.), Мусо Жориллоҳ, Алимардон Тўпчибошев каби мусулмон зиёлилари билан танишиб, мусулмон фракциясининг раиси Бигловга Туркистон халқи дардини етказади. Бироқ Абдувоҳидқори орадан кўп ўтмай, қамоққа олинди ва Тулага сургун қилинди.

Шу тарзда жадидчилик ҳаракати 1906 – 1916 йилларда ўзининг асосий йўлини белгилаб олди. Жадидларнинг нашрлари халқни янги давр бошлангани билан таништирар экан, ўзлигини англаб, уюшишга чақирди. Ўлка моддий-маънавий бойликларининг талаънаётганини ошкор қилди. Чўлпон шеър ва мақолаларида мустамлакачиларнинг асл қиёфаларини очиб ташлади.

Жадид матбуоти ўз вакилларининг фикрларини эълон қилар экан, халқни «ҳар вақт ғафлат уйқусидан уйғотувчи, миллат онгининг очқичи» эканлигини намоён этиш билан бирга Туркистон халқини ҳур фикрлашга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди. Бу даврда «Эрк», «Турон», «Ўқитувчилар жамияти» каби уюшмалар пайдо бўлди.

Жадидлар бу даврда «Озодлик, тенглик ва адолат» шиори остида ҳаракат қилдилар. Уларнинг 1916 йил мардикорликка олиш воқеасига муносабати ғоятда эътиборга моликдир. Жадидларнинг мардикорларни қайтаришга уринишлари 1917 йил февраль инқилоби бошланиши билан тўла амалга ошди.

1918 йил февралда Туркистон мухторияти большевиклар томонидан қонга ботирилгач, жадидчилик ҳаракати кучли ўзгаришга учради. Совет режими билан мурosa қилишни хоҳламаган Туркистон жадидларининг катта қисми истиқлолчилик ҳаракати сафларида ва яширин миллий ташкилотларда фаолият кўрсатган бўлса, айримлари совет ҳукумати идораларида иш бошлашга мажбур бўлдилар.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида аҳвол сал бошқачароқ кечди. 1920 йилда қизил армия ҳар икки давлат ҳудудига бостириб кирди. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилиб, жадидлар ҳокимият тепасига келишди. Шу йўсинда, 1920 йилдан жадидлар ҳаракати ўз тараққиётининг янги босқичига, яъни советлар билан мурosa йўлига қадам қўйди.

Жадидлар ҳаракатининг сўнгги йиллари фаол сиёсий қарашлар билан ажралиб турмайди. Бу даврда совет режими турли сиёсий ишлар тузиб, миллий зиёлиларни оммавий қатағон қилишга киришди. Жадидчилик ҳаракатининг барча таниқли намояндалари (С.Айнийдан ташқари) 30-йилларда совет мустабид режими томонидан амалга оширилган қирғин натижасида ҳалок бўлди. Жадидчилик ҳаракатига совет даврида «миллатчилик», пантуркизм, панисламизм тамғалари босилиб, ноҳақ қораланди. Жадид адабиётини ўқиш тақиқланди. Миллий озодлик ҳаракати бошида турган зиёлилар қатағон этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари номига ёпиштирилган тавқи лаънат ва соҳта ёрлиқлар олиб ташланиб, уларнинг асл номлари қайта тикланди.

ЭСЛАТМА: Машғулот ва семинар(мунозара) пайтида «Табаррук замин», "Истиқлолнинг буюк йўли", "Истиқлол фидойилари", «Абдулла Авлоний», «Чўлпон», «Фитрат», «Абдулла Қодирий» ва бошқа мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар, Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан тайёрланган "Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги миллий озодлик курашлари ва демократик ҳаракатлар. Жадидчилик ҳаракати" номли видеомаъруза намойиш этилади.

Бизнинг тақвим

МАРТ ОЙИДАГИ МУҲИМ САНАЛАР

1 март
Ўзбекистон Республикасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ очилди.

2 март
Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган кун (1992 йил).

4 март
Ўзбекистон Республикасининг дастлабки ордени – «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинган кун (1993 йил).

8 март
Халқаро хотин-қизлар куни.

15 март
Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни.

18 март
Ўзбекистон футболи куни.

21 март
Наврўз байрами. Умумхалқ сайли куни.

22 март
Бутунжаҳон сув куни (1992 йил).

23 март
Бутунжаҳон метрология куни (1959 йил).

24 март
Бутунжаҳон сил касаллигига қарши кураш куни.

25 март
Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ташкил этилган кун (1992 йил).

27 март
Халқаро театр куни (1961 йил).

Ҳарбий қисм ва муассасалар командир (бошлиқ)ларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларига эслатма:

Жорий йил март ойи учун шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар олиб бориш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режасига юқорида кўрсатилган умумхалқ байрамлари ва бошқа муҳим саналарга бағишлаб, ижодий кечалар, давра суҳбатлари сингари тадбирларни киритиш, 8 март ва Наврўз байрамлари учун алоҳида режалар ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Ўтказиладиган тадбирларга олимлар, тарихчилар, адабиёт ва санъат намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

«АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР»

Аёл – Аллоҳ яратган буюк мўъжизадир. Аёл – оила чароғбони, гўзаллик тимсоли, фарзандлар тарбиячиси, хонадон файзидир.

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш шарқона, ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Аёлларсиз ҳаётни, жамиятни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир ва уддабурон мураббийлари, тадбиркор, олим, шифокор, меҳрибон оила тарбиячиларидир. Президентимиз Ислом Каримов аёллар ҳақида фикр юритиб: «Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз», деб юксак баҳо бердилар.

Ўзбек оилаларида аёл уйнинг файзи, оиланинг негизидир. Аёлнинг камтарлиги, эр ва фарзандларига меҳрибонлиги, ҳатто итоатгўйлиги оила барқарорлиги ва ширин турмушнинг асоси бўлиб келган. Итоатгўйлик эрга ишонч ва ҳурматнинг ифодаси бўлган. Шунингдек, итоатгўйлик андишанинг, шарму ҳаёнинг белгиси ҳамдир. Албатта аёл ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган бўлмоғи ва ўз қадр-қимматини туширмаслиги ҳам керак. Оиладаги тенглик эр ва хотиннинг ўзаро ҳуқуқ талашишидан иборат эмас, балки уларнинг ҳар бири ўз бурчини виждонан бажаришидадир. Мустаҳкам оила қарор топишининг муҳим шартларидан бири аёлни ҳимоя қилиш, уларни жамиятдаги обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир. Аёлнинг қадри улуғ бўлган жамиятдагина мустаҳкам оила қарор топади, болалар олижаноб, ахлоқий фазилатларнинг соҳиби сифатида вояга етадилар.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам кўплаб аёллар хизмат қилиб келишмоқда. «Халқаро хотин қизлар куни» байрамини ўтказишда маданий-маърифий ишларнинг барча усул ва шаклларидан фойдаланилган ҳолда ҳарбий қисмларда аёлларга бағишланган оммавий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш мумкин. Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган шоир ва ёзувчилар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар кенгаши вакиллари, дин арбоблари, педагоглар, шифокорларни ҳамда санъаткорларни жалб этиш лозим.

Ҳарбий қисмларда ўтказиладиган тадбирларни шундай номлаш мумкин: туркуми: «Аёл борки, олам мунаввар», «Ўзбегим гўзаллари», «Аёл дунёни тебратар», «Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Ҳаётимиз чироғи, умримиз мазмуни аёллар», «Дунё гўзаллиги аёл билан мужассам», «Она – муқаддас зот».

Қуйида ҳарбий қисм ва муассасаларда ташкилотчи ходимлар томонидан маданий-маърифий ишларнинг услубларидан бири бўлган «Балли, қизлар» беллашувини ўтказиш лойиҳасини таърифлаб ўтамиз.

Тадбирни «Аёл борки, олам мунаввар» мавзусида ташкил этиш мумкин.

Аввал беллашувни қандай ўтказиш лозимлиги ҳақида ташкилий ишлар белгилаб олинади, иштирок этувчилар аниқланиб уларга тайёргарлик кўришлари учун беллашув шартлари берилади. Беллашувни баҳолаб бориш учун олдиндан ҳакамлар ҳайъати тайинланади. Иштирокчиларда берилган шартлар юзасидан саволлар бўлса, ташкилотчилар ва кутубхона ходимлари томонидан тушунтирилади ҳамда керакли адабиётлар билан таъминланадилар.

Беллашувни ўтказиш учун жой танланиб, мавзуга бағишланган панно ва шиорлар билан безатилади, саҳнанинг чап ва ўнг томонларида иштирокчи жамоаларнинг кўргазмали воситалари ўрнатилади.

«Балли, қизлар» беллашувида 5 ёки 7 та иштирокчи қатнашиши мумкин. Беллашув давомида иштирокчилар ўз билимлари, интеллектуал салоҳиятлари ҳамда бадиий ҳаваскорлик ва ижрочилик маҳоратларини кўрсата билишлари лозим.

«Балли, қизлар» беллашуви қуйидаги шартлар бўйича ташкиллаштирилиши мумкин:

1-шарт. Саломлашув.

Иштирокчилар ўзларининг қандай фазилатларга эга эканликларини шеър, мақоллардан фойдаланган ҳолда таништирадилар. Вақт чегараланган бўлиши лозим.

2-шарт. Ўзбек миллий урф-одатлари.

Ушбу шартда иштирокчиларга белгиланган вақт мобайнида тикиш, тўқиш ёки уй рўзғори учун лозим бўлган бирор бир жиҳозни тайёрлаш ишларини топшириш мумкин.

3-шарт. Пазандачилик маҳорати.

Иштирокчилар белгиланган вақт мобайнида уларга берилган масаллиқлардан таом (ёки салат)ни тайёрлаб беришлари лозим.

4-шарт. Дубляж кўриги ёки таърифлаш шарти.

Бу шартда иштирокчилар белгиланган вақт ичида ўзлари тайёрлаб келган бирор бир видео лавҳага (бадиий ёки мультфильм, саҳна кўриниши, ҳажвия ёки бошқа телелавҳага) қўшимча иштирокчиларни қўшган ҳолда овоз беришлари ёки бирор бир либосга тўлиқ таъриф беришлари мумкин.

5- шарт. Эркин мавзу.

Бу шартда иштирокчилар қўшиқ айтишлари ёки рақсга тушишлари мумкин.

Шунингдек, беллашувда бадиий асарлардан кўринишлар ижро этиш, бадиий асар қаҳрамонларини таърифлаш, кўрпа ва кўрпачаларни йиғиш, либослар кўриги каби шартлардан фойдаланиш ҳам мумкин.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ.

«ВАТАНПАРВАР» – БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ!

Ҳурматли муштарийлар!

Республикадаги ягона рангли нашр бўлган севимли «Ватанпарвар» газетаси учун обуна давом этмоқда.

Мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий меросларидан намуналар, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар ва бошқа қизиқарли мавзулар ушбу газетадан жой олган.

«Ватанпарвар» орқали ҳаёт мактаби, йигитлик мактаби дея эътироф этиладиган миллий армиямиз ҳақида кўпдан-кўп маълумотлар оласиз.

Газета саҳифалари орқали машҳур спортчилар билан танишиб, армия спортига оид мақолалар ёрдамида янада баркамол, соғлом бўлиш сирларини ўрганасиз.

Бой маънавиятимизни, тарихимизни ўрганишга, олим бўлишга бел боғлаганмисиз? «Ватанпарвар» ни ўқинг.

Орзулар ҳақида жиддий ўйлаб кўришга фурсат етди. «Ватанпарвар» — орзуларингиз рўёбидир.

«Ватанпарвар» газетасида камалак жилоси мужассам. Бу орзуларингиз камалаги бўлиши ўзингизга боғлиқ.

«Ватанпарвар» газетаси билан дўст тутинишни истасангиз, обунани бугун ҳам расмийлаштиришингиз мумкин. Биз сизнинг имкониятингизни ҳисобга олганмиз.

Обуна бўлганлардан, таҳририятдан газета сўраб юргандан кўра, «Ватанпарвар» ҳафтаномасига обуна бўлсангиз ҳар ҳафтада бир марта газета сизнинг қўлингизда бўлади.

Нашр кўрсаткичи — 114.

ТАҲРИРИЯТ.

АМАЛИЙ СЕМИНАР

ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ ТАРБИЯСИДАГИ УСТУВОРЛИКЛАР

Бугун шуни қувонч билан, баралла айта оламизки, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўлами ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишларни амалга оширдик. Аммо бу хотиржамликка берилишимизга асос бўла олмайди. Биламиз, ғоят мураккаб ва нотинч замонда яшамоқдамиз. Минтақамизда ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, бутун дунёда давом этаётган турлича низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам бошлаган эзгу ишларимизни босқичма-босқич давом эттиришимиз, янгидан-янги довонларни забт этишимиз лозим. Хўш, миллий армиямизни янада шакллантиришда, Қуролли Кучларимиздаги изчил ислоҳотларни собитқадамлик билан давом эттиришимизда олдимизда қандайин вазифалар бор? Бунга жавобни Президентимиз Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан – муҳим дастуриламал ҳужжатдан топишимиз мумкин.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, айни пайтда жойларда Президентимиз йўллаган табрикда кўзда тутилган устувор вазифаларни бажариш, табрикнинг мазмунмоҳиятини посбонларимиз онгу шуурига янада чуқурроқ сингдириш борасида турлича тадбирлар, анжуманлар ўтказилмоқда. Булардан кўзланган асосий мақсад Ватан ҳимоячиларининг жанговар шайлигини, касбий маҳоратини, она юртга садоқатини янада шакллантириш, демакки, миллий армиямиз куч-қудратини оширишга қаратилган.

Яқинда Офицерлар марказий саройида Республика Мудофаа вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги – чақириққача бўлган ёшлар ҳамда ҳарбий хизматчилар маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштириш, профессионал малакасини ошириш дастури» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

– Президентимиз Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганларидек, бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди. Қуролли Кучларимизга муддатли ҳарбий хизматчиларни қабул қилиш танлов асосида амалга оширилаётгани улкан самара бермоқда. Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камолга етишяпти. Ҳарбий хизматчилар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар тизими тубдан яхшиланиб, она юрт посбонлари онгу тафаккурига миллий истиқлол ғоялари янада чуқур сингдирилмоқда. Эътироф этиш лозимки, маънавий тарбия борасидаги муҳим вазифаларни бажаришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан қилаётган ҳамкорликларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда.

> МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ МАВҚЕИ УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ФАРЗАНДЛАРГА, ЁШЛАРИМИЗГА БОҒЛИҚ.

Шунингдек, у ўз сўзида Ватан ҳимоячиларининг интеллектуал салоҳиятини оширишда, чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга саралаб олишда эришилаётган ютуқларга ҳам алоҳида тўхталди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълим марказининг Маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор Абдуғаффор Қирғизбоев тизимда ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларни таъкидлади.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси полковник Абдулазиз Абдуқаххоров ёшларнинг, айниқса, чақириққача бўлган йигитларнинг маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик тарбиясини шакллантиришдаги муаммоларга тўхталиб, уларни ҳал этишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида ўз таклифларини айтди. Жумладан, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини янада такомиллаштириш, умумтаълим мактабларида турли тўгараклар, секциялар фаолиятини жонлантириш, ватанпарварлик руҳидаги фильмларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш тўғрисида берган таклифларини семинар қатнашчилари илиқ қаршилашди.

Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Илҳомжон Ўтанов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлим бошлиғи Тўхтасин Арслоновлар ҳам семинарда маъруза қилишиб, ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштириш борасидаги устувор вазифаларни санаб ўтишди.

Таълим масканларида ҳарбий спорт клублари ташкил этилаётгани, ёшларимизнинг, бўлғуси Ватан ҳимоячиларининг уларда ҳар томонлама чиниқишаётгани билан боғлиқ эзгу иш эътиборни тортди. Айнан пойтахтимизда шундайин клублардан 4 таси фаолият кўрсатаётганлиги семинарда таъкидланди. Менимча, бундайин клубларнинг тажрибалари билан яқиндан танишиб, уларнинг илғор жиҳатларини оммалаштириб, умумтаълим мактабларига кенг жорий этилса, фойдадан холи бўлмасди.

Бир сўз билан айтганда, семинар амалий таклифлар, фикрлар, мулоҳазаларга бой тарзда кечди.

Шу ўринда айрим хулосаларни эътиборингизга ҳавола этсак. Биламиз, барча бўғиндаги командирлар армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга энг муҳим вазифа сифатида қарашади: Аммо йигит ҳаёт мактаби ҳисобланадиган армиягача ҳам жисмонан, маънан чиниқишига тегишли давлат, жамоат ташкилотлари масъул. Ҳадемай Қуролли Кучларимиз сафларига навбатдаги чақирув бошланади. Демак, профессионал асосда шаклланаётган, нуфузи тобора ошиб бораётган миллий армиямизга ўғлонларимиз қай даражада тайёр, деган саволни ўзўзимизга бермоғимиз керак.

Курраи замин халқаро терроризм, диний экстремизм ва бошқа офатлар сабаб чайқалиб турган бир пайтда ёшларимиз онгини ёт ғоялар «забт» этишига йўл қўймаслигимиз лозим. Негаки, тилга олинаётган бу офатлар кўпроқ дунёқараши, мафкуравий иммунитети шаклланмаган, оқу қоранинг фарқига бормайдиган ёшларимизни ўзига жалб қилмоқда. Биламиз, мамлакатимизнинг буюк келажаги, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи униб-ўсиб келаётган фарзандларга, ёшларимизга боғлиқ. Демак, мустақил тараққиёт йўлимизни, эзгу орзу-мақсадларимизни кўролмайдиганлар аввало суяги қотиб улгурмаган, дунёқараши шаклланмаган ёшларимизнинг онгини, қалбини заҳарлашга уринишади. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан келиб чиқиб, ёшлар маънавияти, ёшлар тарбияси билан боғлиқ ишларимизни, режаларимизни янада самарали усул-услублар билан бойитишни замон биздан талаб қилмоқда.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

МАҲОРАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ОМИЛ

Ислоҳотлардан шундайин устувор мақсадни кўзладик: тинчлигимиз, хавфсизлигимизнинг, сарҳадларимизнинг метин қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қуроляроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантиришни.

Маълумки, армияни, жанговар қудратимизни, ҳарбий маҳоратимизни юксалтирадиган куч унинг сафларида хизмат қилаётган фидойи инсонлар – ҳарбийларимиздир. Демак, уларнинг маҳорати ошса, Қуролли Кучларимиз жанговар қудрати янада шаклланган бўлади. Ана шу омилни ҳисобга олган ҳолда ҳарбий маҳоратни оширишнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлини танладик. Хўш, бу нималарда акс этади?

Замонавий, профессионал асосдаги миллий армияни шакллантирар эканмиз, табиийки, қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар турлари, хиллари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни, шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини сифатли ўзлаштиришларини, соғлом рақобатни таъминлашни давр биздан талаб қилди. Посбонларимизга замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳани ишониб топширдик. Моддий-ўқув базамизни замон талаблари асосида шакллантирдик. Ҳар қандай тактик ҳолатда энг мураккаб вазифаларни ҳал қила олиш, сон жиҳатдан катта бўлмаган, тезкор ва ихчам бўлинмаларни шакллантиришга эътибор қаратдик. Таъкидланаётган бу устувор вазифаларни бажариш учун маҳорат керак эди, миллий армиямиз посбонларига. Аниқроғи, маҳоратни замон талаблари, қурилаётган профессионал армия талаблари асосида шакллантириш лозим эди.

Яхши биламизки, замонавий армияда турникда тортилиш, нишонга бехато отиш ёки тўсиқлардан ошиб ўтиш ва шунга ўхшаш тайёргарликларнинг ўзи камлик қилади. Маҳорат шаклланиши деганда, бугуннинг посбонида нафақат жисмоний баркамоллик, балки юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳиятни тушунамиз. Маҳорат шаклланиши деганда, бугуннинг посбони садоқатда, ватанпарварликда тенгсиз бўлишини тушунамиз. Негаки, Ватани-муқаддас тупроғини кўз қорачиғидек асраш, истиқлолни ҳимоялаш, сарҳадларни дахлсиз сақлашдек масъулиятли, шарафли вазифалар унинг зиммасида.

Таъкидлаш лозимки, буларнинг баридан кўзлаган мақсадларимиз – юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдек ниятларимиз ўз самарасини бермоқда. Буларни ҳарбий хизмат нуфузининг кун сайин, йил сайин янада ошиб бораётганида, Ватанга, танланган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналар шаклланаётганида кўриш мумкин.

Миллий армиямиз посбонларининг маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, демакки, замонавий техника, технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллашлари, юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳиятда, Ватанига, халқига садоқатда ажралиб туришлари йўлида изчил ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Буни яқинда Мудофаа вазирининг буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига кўкрак нишонлари бериш тартиби тўғрисидаги Низом мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Хўш, ҳарбий хизматчиларга кўкрак нишонлари беришдан мақсад нима? Таъкидлаш жоизки, бундан ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, қўшинларда Ватанга, танланган касбга муҳаббатга йўғрилган замонавий ҳарбий анъаналарни жорий этиш ва шакллантириш, жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, қўшинлар жанговар шайлигини, шахсий таркибнинг ҳарбий интизомини юксак даражада сақлаш, посбонлар ўртасида юксак маънавий-жанговар руҳга асосланган муҳитни, ўзаро мусобақадошликни, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурини самарали ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларини яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий ўсишларини, ҳарбий билимларни такомиллаштиришга, интеллектуал қобилиятларини шакллантиришга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш каби устувор мақсадлар кўзланган.

Келинг, шу ўринда ҳарбий хизматчилар учун қандайин кўкрак нишонлари жорий этилгани ва уларни бериш тартиби борасида қисқача маълумот бериб ўтайлик.

«УЧУВЧИ» кўкрак нишонини мавжуд йўриқномага мувофиқ Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони топширади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

«ШТУРМАН» кўкрак нишонини ҳам мавжуд йўриқномага мувофиқ Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони топширади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

«ҚАҲРАМОНЛИК, ЖАСОРАТ, ШОН-ШАРАФ» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғига кўра жанговар ҳаракатларда ёки террорчилик ташкилотларининг қуролланган бўлинмаларини бартараф этишдаги жанговар вазифаларни бажаришда қатнашган барча ҳарбий хизматчиларга берилади.

«МАҲОРАТ» кўкрак нишони малака тоифасини олиш бўйича белгиланган синовларни топширган шартнома бўйича хизмат қилаётган офицер, сержант ва оддий аскарлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларга Мудофаа вазирининг 2006 йил 27 сентябридаги буйруғига мувофиқ берилади.

«ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК АЪЛОЧИСИ» кўкрак нишони ўқув йили назорат-синов машғулотлари натижаларига кўра, бунда 90 фоиз баҳо ижобий, шундан камида 50 фоизи «аъло» баҳолар бўлиши кўзда тутилади, бўлинманинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва оддий аскар ҳамда сержантлар таркибида шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларига қўшилма командирлари томонидан топширилади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

«ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК АЪЛОЧИСИ» кўкрак нишони якуний синов машғулотлари натижаларига кўра, бунда 90 фоиз баҳо ижобий, шундан камида 50 фоизи «аъло» баҳолар бўлиши кўзда тутилади, бўлинманинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва оддий аскар ҳамда сержантлар таркибида шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларига қўшилма командири томонидан топширилади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

«ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК АЪЛОЧИСИ» кўкрак нишони якуний синов машғулотлари натижаларига кўра, бунда 90 фоиз баҳо ижобий, шундан камида 50 фоизи «аъло» баҳолар бўлиши кўзда тутилади, бўлинманинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва оддий аскар ҳамда сержантлар таркибида шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларига қўшилма командирлари томонидан топширилади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

«АЪЛОЧИ МУТАХАССИС» кўкрак нишони якуний синов машғулотлари натижаларига кўра, бунда 90 фоиз баҳо ижобий, шундан камида 50 фоизи «аъло» баҳолар бўлиши кўзда тутилади, бўлинманинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва оддий аскар ҳамда сержантлар таркибида шартнома бўйича хизмат қилаётган мутахассис ҳарбий хизматчиларига қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан топширилади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

«ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК АЪЛОЧИСИ» кўкрак нишони ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда аъло натижаларга эришган, бошқа фанлардан ҳам «яхши» дан кам баҳо олмаган, ўқув дастурини чуқур ўзлаштирган, мажбуриятларини виждонан бажарадиган, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий низомлари, командир ва бошлиқлар буйруқлари талабларига қатъий амал қиладиган, ҳарбий интизомни бузмаган ҳарбий хизматчиларга бирлашма командирлари, марказга бўйсунувчи қўшилма ва қисмларда Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби марказий аппаратининг бош бошқармалари, бўлим ва хизматларининг тегишли бошлиқлари томонидан топширилади.

«ҲАРБИЙ АЛЬПИНИСТ» кўкрак нишони иккита жанговар-ўқув синов юриши, иккита довоннинг биринчи ва иккинчи тонфадаги тўсиқларини забт этиши натижаларига кўра тоғ-ўқчи бўлинмалари, тоғ тайёргарлиги кафедраси (цикл) нинг барча ҳарбий хизматчиларига қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан топширилади.

«ИНСТРУКТОР-ПАРАШЮТЧИ» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига кўра 50 ва ундан кўп марта парашют билан сакраган, шунингдек, ҳаво-десант тайёргарлигидан синовларни «аъло» га топширган ҳарбий хизматчиларга берилиб, қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан топширилади.

«ҲАРБИЙ СПОРТЧИ» кўкрак нишони тегишли балларни тўплаб, белгиланган меъёрни ва оммавий спорт ишлари кўриги натижалари бўйича ҳарбий спорт мажмуига кирувчи талабларни бажарган барча ҳарбий хизматчиларига қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан топширилади.

«ПАРАШЮТЧИ» кўкрак нишони парашют билан биринчи бора сакраган барча ҳарбий хизматчиларига қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан топширилади.

«ИНСТРУКТОР-ПАРАШЮТЧИ» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига кўра 50 ва ундан кўп марта парашют билан сакраган, шунингдек, ҳаво-десант тайёргарлигидан синовларни «аъло» га топширган ҳарбий хизматчиларга берилиб, қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан топширилади.

Майор Алижон САФАРОВ.

АҲИЛ ЖАМОАНИНГ ЮТУҒИ

Маълумки, 2004 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг озиқ-овқат таъминотини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинган эди. Таъминотнинг янги нормаларини яратиш устида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва таъминот хизматининг етакчи мутахассислари, Гигиена ва овқатланиш институтининг илмий ходимлари ҳамкорликда олиб борган изланишлар натижасида илгари уч минг тўққиз юз килокалорияни ташкил этган умумқўшин таъминоти қуввати тўрт минг тўрт юзгача оширилди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар овқатланиш рационига сут, Шарқ табиби, наъматак дамламаси сингари шифобахш гиёҳлардан тайёрланган табиий ичимликлар ва мевалар киритилди, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, мол ёғлари миқдори оширилди. Табиийки, юрт посбонларининг хизмат ва яшаш шароитларини яхшилаш баробарида овқатланиш жойлари – ҳарбий қисм ошхоналари, аскарлар чойхоналарига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги турли танловлар эса тамаддихоналарнинг гигиена ва соғлиқни сақлаш талабларига жавоб бериши ҳамда зарур жиҳозлар, мебель билан таъминланишига эришиш, таомлар ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, қолаверса, соҳа мутахассислари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратишга, ошхона биноларининг таъмирланиши ва талаб даражасига келтирилишига хизмат қилаяпти. 2005 йилдан эътиборан Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасалар ўртасида икки босқичдан иборат «Энг яхши ҳарбий ошхона» кўриктанлови ўтказилаётганидан хабардорсиз, албатта. Якунланган ўқув йили натижаларига кўра, олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари орасида мазкур танлов ғолиби деб топилган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ошхонаси ҳақида эса шундай дейиш мумкин.

Овқатланиш хоналари ёруғ ва шинам, файзли, таом тайёрлаш, озиқ-овқатларга ишлов бериш ва тақсимлаш, идиш-товоқларни тозалаш ва сақлаш жойлари озода ва ораста… Ошхонани кўздан кечириб, нафақат тайёрланаётган таомнинг димоққа урувчи ёқимли ҳидидан, балки юқоридаги манзарадан дилингиз яйрайди ва сўзсиз иштаҳангиз очилади. (Дарвоқе, соҳа мутахассисларининг эътироф қилишича, инсон истеъмол қилаётган маҳсулотнинг организмда яхши ҳазм бўлишига кўплаб омиллар қатори овқатланиш жойи ва ҳолати ҳам бевосита таъсир этади).

– Фаолиятимиз юқори баҳоланиб, ғолиб деб топилганимиздан жуда хурсандмиз, – дейди ошхона бошлиғи шартнома бўйича хизмат сержанти Аброр Рўзиқулов. – Албатта, бу аҳил жамоамиз ҳар бир вакилининг ютуғи ва муваффақиятидир. Ишонч билан айта оламанки, вазифаси қандайлигидан қатъи назар ошхонамиз ходимлари ўз ишининг устаси, фидойиси ва жонкуярларидир. Демак, таом тайёрлаш ва уни дастурхонга етказиш, ҳарбийларга хизмат кўрсатиш, хуллас, кундалик фаолиятнинг ҳар босқичида юқори сифат ва тартиб-интизомга алоҳида эътибор берилади.

Ошпазлар – З.Бекмуродова, И.Олтибоев, Б.Зарипов ва М.Насимовалар бир-биридан ширин ҳамда мазали таомлар билан олий ҳарбий билим юрти шахсий таркибини хушнуд этса, нон кесувчи Л.Мелибоева ва М.Қаюмовалар, овқатланиш залида хизмат кўрсатувчи Ф.Маслова, М.Раҳимова, С.Собирова, М.Ибрагимова, З.Мирзаева ва Ф.Маҳмудоваларнинг хизматларидан барча мамнун.

Айтганча, Қуролли Кучларимизга малакали офицер кадрларни етиштириб берувчи билим масканига қарашли ҳарбий хўжаликда иш тўғри йўлга қўйилгани сабаб, турли сабзавот ва мевалар доим ҳарбийлар дастурхонини безаб туради. Ошхона ходимлари улар ҳақида айниқса «ўзимизники», «ўзимизнинг боғдан», дея таъриф беришни хуш кўрадилар.

Ҳа, фаол жисмоний ва ақлий меҳнат учун зарур тўйимли таомлар, ҳар хил витамин ва минераллар билан бойитилган шифобахш ичимликлар, мева-ю сабзавот Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртидаги сингари ошхонада истеъмол қилувчи бугуннинг ҳарбийси бақувват, қувватли бўлиши табиий. Шубҳасизки, у бор куч ва билими, ғайратини Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини оширишга сафарбар этади.

Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.

Қонун ва ижро

САБОҚ ОЛАР АСКАРЛАРИМИЗ

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида «Ҳарбий қисмлар кун тартибига, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлар режаси ва дастурларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бунда ҳарбий хизматчиларни танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртларига киришлари учун ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилсин» дейилган.



Биз мотоўқчилар ҳарбий қисмида бўлганимизда, бу борада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдик. Ҳарбий қисмда посбонларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Замонавий ва илмий-бадиий адабиётларга, дарсликларга бой кутубхона, компьютер ва дарс хоналари улар ихтиёрида. Аскарларга малакали ҳамда кўп йиллик тажрибага эга бўлган фан ўқитувчилари сабоқ беришмоқда.

– Қишки ўқув мавсуми бошланишидан олдин машғулотлар режаси ва дастури қайта кўриб чиқилди ҳамда посбонларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича қўшимча машғулотларни ҳам киритдик, – дейди офицер Зокир Ҳомидов. – Дарсларда ўзимиз қатнашиб, посбонларга юртимиз тарихи, маънавият-маърифат дарғалари ҳақида керакли маълумотларни беришга ҳаракат қиламиз. Ундан ташқари барча фанлар бўйича умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини жалб қилганмиз.

Машғулотларни кузатиб, келажакда олий билим юртларига кириш учун ўқиб-ўрганаётган посбонларнинг фаоллигини кўриб, қувондик. Ҳукуматимиз Қарори ва эътиборидан руҳланган ўғлонлар ўз билимларини янада оширишга астойдил ҳаракат қилаётганларига бевосита гувоҳ бўлдик.

Машғулотдан сўнг эса улар билан суҳбатлашамиз.

– Ёшлигимдан спортга қизиқаман, – дейди Самарқанд вилоятидан хизматга чақирилган оддий аскар Феруз Ҳасанов. – Шунинг учун келажакда Жисмоний тарбия институтига ҳужжат топшириб, шу билим юртининг талабаси бўлишни мақсад қилиб қўйганман.

– Мен эса тарих факультетига ўқишга кириш ниятидаман, – дейди қашқадарёлик оддий аскар Нодир Тўрақулов. – Ҳарбий қисмда етарли билим олишимиз учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, кутубхонада бизга керакли адабиётларнинг мавжудлиги, билимимизга янада билим қўшмоқда.

Шунингдек, оддий аскарлар – Мавлон Юнусов Тошкент Ахборот технологиялари университетига, Содирбек Эшматов Урганч давлат университетига, Отабек Наврўзов эсаБухоро техника институтига ўқишга кириш учун билимларини бойитиб, қизғин тайёргарлик кўришаётганликларини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

Ҳа, бундай юксак эътибор, шарт-шароитлар аскарлар қалбида ўқишга кириш иштиёқини янада ошираётгани, шубҳасиз албатта. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлимлари билан ўтказилаётган учрашувлар ҳам посбонлар ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Ташкилот вакиллари ёшлар билан турли билим масканларида тадбирлар ўтказиб, аскар ва талабаларнинг ўзаро фикр алмашишига, бугунги талабаларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишишга кўмак бериб келишмоқда. Бу кенг қамровли ишлар эса ҳукуматимиз Қарорларининг амалда ижро этилаётганига ёрқин далилдир.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

Яхшилар ёди

МАЗМУНЛИ ВА ИБРАТЛИ УМР

Бу фоний дунёда ўтаётган ҳар сония, дақиқа… умр ғанимат эканлигини яхши биламиз. Тақдир тақозоси билан кечагина, яқиндагина ҳамсуҳбат бўлган, дийдорлашган кишимиз айни пайтда сафимизда бўлмаслиги мумкин.

Абдураҳмон Абдураззоқовни ўзи туғилиб ўсган Бекобод шаҳридагина эмас, республикамизнинг турли гўшаларида ҳам яхши танишади. Тўғри, у оламшумул кашфиётлар ва лойиҳалар муаллифи эмас. У оддийгина ишчи, пўлат қуювчи касбининг фидойиларидан бири эди. Халқимиз қўлга киритган мустақилликнинг мурғаклигидан суяги қотгунча ўтган ўн беш йиллик оёққа туриш йилларида Абдураҳмон аканинг муносиб ҳиссаси борлигидан унга 2003 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланган.

Президентимиз қўлидан юксак мукофотни олаётган Абдураҳмон ака ўша онларда ортда қолган эллик йиллик умр йўлини бир неча сонияда сарҳисоб этган бўлса, не ажаб?! Урушдан кейинги тикланиш йиллари (1952 йилда) таваллуд топган ёш йигит ўн етти ёшидаёқ келгусидаги умрини она шаҳри – Бекоободдаги «Ўзбекистон Металлургия заводи» билан боғлади. Ҳарбий хизматдан қайтганидан сўнг ҳам унинг олдида битта мақсад – жонажон корхонасида меҳнат фаолиятини давом эттириш турарди. Ушбу корхонада ўтган йиллар мобайнида катта ўзгаришлар, янги цехлар бунёд бўлганидек, оддий ишчи ўғлоннинг ҳам шахсий ҳаётида қувончли воқеалар рўй берди: уйланиш, фарзандли бўлиш, ота-она қаноти остидан корхона ажратган шинам хонадонга кўчиб ўтиш, янги маҳалла ва қўни-қўшнилар.

У кишининг кейинги йигирма йиллик ҳаётлари бизнинг Собир Раҳимов номли маҳалла аҳли билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Абдураҳмон акани маҳалланинг диёнатли, фаол вакили сифатида таниб келдик. Нафақат ўзининг, балки қўни-қўшнилар фарзандларининг тарбияси, ахлоқига бефарқ эмас эди. Маҳалламиздаги ташкилотчилик ишлари, оммавий ҳашарларда, умумхалқ сайиллари ўтказишда у кишининг ҳам ҳиссалари катта бўлган. Мана шундай инсоний фазилатларга эгалиги боис, Халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳар Кенгашларига депутат сифатида сайланишида маҳалладошлари биринчилар қатори Абдураҳмон аканинг номзодини қўйишга ва унга овоз беришга шошилдилар.

Эллик уч ёшларида оғир хасталикдан сўнг бандаликни бажо келтирган Абдураҳмон Абдураззоқов сингари инсонларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, қилган ишлари ва фидокорона фаолияти барчамиз, айниқса ёшлар учун намуна ва ибратдир.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ,
шоир, Усмон НОСИР номидаги мукофот совриндори,
Ринат ЯФАРОВ, маҳалла фуқароси.

Ҳарбий қисм кутубхонасида

КИТОБЛА КАМОЛОТГА ИНТИЛИБ

Қуролли Кучларимиз таркибидаги ҳарбий қисмларда аскарларнинг жанговар тайёргарлиги, жисмоний етуклиги ва саломатлиги билан бир қаторда, уларнинг ақлий салоҳиятига ҳам катта эътибор берилади.

– Кутубхонамиз йилдан-йилга илмий ва бадиий, ҳарбий соҳага доир адабиётлар билан бойитилмоқда, – дейди илғор қисм кутубхона мудираси Фотимахон Раҳматуллаева. – Аммо ўзбек тилида чоп этилаётган ҳарбий мавзуга тегишли адабиётларга ҳали-ҳануз эҳтиёж сезилмоқда. Кутубхонамизда офицерлар, сержантлар ва аскарлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитларни яратишга интилмоқдамиз.

Ҳарбий қисмда аскарлар ўртасида турли маданий, маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Жумладан, «Энг яхши китобхон», «Балли аскарлар» каби танловлар аскарларнинг қанчалик билимга, истеъдодга эга эканликларини кўрсатиб бермоқда.

– «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, – дейди офицер Ш.Исмоилов. – Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн беш йиллиги, 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, 8 декабрь – Конституция қабул қилинганининг ўн тўрт йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб қатор тадбирлар, беллашувлар ўтказдик. Посбонларимиз ушбу танловларда фаол қатнашиб, ўз билим ва иқтидорларини муносиб намоён этдилар.

– Бу ҳарбий қисм билан доимий алоқани йўлга қўйганмиз, – дейди Фарғона шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Мастурахон Орипова. – Турли мавзуларда тадбирлар, таниқли инсонлар билан учрашувлар ўтказиб бораяпмиз. Ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан барча шароитлар яратиб берилган.

Жумладан, ҳарбий қисмда ўтказилган «Энг яхши китобхон» танловида оддий аскар Дилшод Жалилов ўзининг китобга, илмга бўлган чанқоқлигини намойиш этиб, танлов ғолиби бўлди.

– Ёшлигимдан бадиий китобларни ўқишни севардим, – дейди оддий аскар Д.Жалилов. – Ҳарбий хизматга келган илк кунларимданоқ кутубхонага аъзо бўлганман. Бу ердаги ўзбек тилидаги илмий ва бадиий адабиётлар, журналлар, рисолаларни ўқиб, бўш вақтларимда ҳамда дам олиш кунлари кутубхонадан унумли фойдаланяпман.

Кутубхона билимлар макони бўлса, китоб инсоннинг энг яқин дўсти ҳисобланади. Кутубхона мудираси Фотимахон Раҳматуллаеванинг айтишича, аскарлар орасида китоб ўқишга қизиқмайдигани йўқ. Оддий аскарлар – Ойбек Раҳимов, Бекзод Ғуломов, Рустам Ҳайитов, Зокир Тоштемировлар эса энг фаол китобхонлардир.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.





САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

ТУТУНЛИ ЭПИДЕМИЯДАН САҚЛАНИНГ

Одатдаги иш кунларининг бирида хонамга ёшгина талаба қиз кириб келди ва қўлимга ўзи ёзган шеърий намунани тутқазди. Унинг нигоҳлари кишини ўзига тортадиган, узун киприклари ва феруза кўзлари, қалин қора қошлари шарқ қизларининг ажиб чиройи ва жозибасини акс эттириб турарди. Исми ҳам жисмига монанд – Мафтуна экан. Мен унга шеърий машқларининг кам-кўстини тушунтирдим. Қиз эшикдан чиқиб кетатуриб мен билан илиқ хайрлашди ва табассум қилди. Мафтун қилган ўша қиз ташқарига чиқиб кетгач мен ҳам тоза ҳаво симириш мақсадида хонадан чиқдим. Не тонгки, мени ўзига ром этган қиз эшик ортида сигарета тутатиб турарди. Ҳуснига маҳлиё бўлганим эсимга тушиб ғалати бўлиб кетдим. Қиз эса менинг чиққанимни кўриб ҳам пинагини бузмади. Аксинча, нозик лабларига сигаретани қистириб олганича уни ҳузур билан симирар ва оғзидан тутун чиқарарди. Негадир шу тобда эндигина ҳамсуҳбатим бўлган ва мени мафтункорлиги билан ром этган қизнинг чекиб турганини кўриб кайфиятим тушиб кетди…

Кашандалик дунёдаги энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Бу эпидемияни тўхтатиб қолувчи куч борми? Шу ва бошқа саволларга мутахассисларимиз ҳанузгача жавоб излашади.

Ҳалокатли оқибатларга қарамасдан, дунёда кашандалар тобора кўпайиб боряпти. Кейинги йиллардаги кузатишларга қараганда, чекувчилар ёши катталар ўртасида Россияда 40 фоиз, Бельгия, Финляндия ва Швецияда 25 фоизни ташкил этар экан. Ўсмирларнинг 36 фоизи, юқори синфда ўқийдиган қизларнинг 17 фоизи чекар экан.

Афсуски, бизнинг ёшларимиз орасида ҳам чекувчилар кўпроқ учрай бошлади. Нафақат йигитлар, ҳатто қизларнинг чекаётгани ҳам одатий ҳолга айланди.

– Нима учун чекасиз, деган саволга кашандалар турли жавоблар беришади: асабийлашганда ўзимни тинчлантириш учун чекаман, ўзимни руҳан рағбатлантириш, иш қобилиятимни ошириш учун ва ҳоказолар.

– Тамаки тутуни сўрилгандан кейин 5 дақиқа ичида мия нервларига етиб боради. Мия қон томирлари бироз кенгайиб, янги куч пайдо бўлгандек таассурот туғдиради. Лекин бу ҳолат жуда қисқа давом этиб, томирлар кескин торайиши натижасида чарчаш рўй беради. Кашанданинг “стаж”и ошган сайин, бу кайфиятни олиш учун сигарет миқдорини кўпайтириб бориш зарур бўлади. Ёш қизларнинг қомати расо бўлиши учун чекаман, деган гапида нотўғри бўлса ҳам озгина асос бор, чекиш модда алмашинувига таъсир қилиб, иштаҳани камайтириб, озишга ёрдам беради,– дейди аллерголог шифокор Баҳринисо Ғуломова. – Аммо бу таъсир киши организмининг ўзига хослигига қараб бир ой, икки ой, узоғи билан бир йил давом этади. Вақт ўтиши билан бу таъсир сезилмайди. Чекишни ташласам семириб кетаман, деган фикр ҳам нотўғри, вақтинчалик ҳолатдир. Чекишни қоматни расо қилиш воситаси деб билган қизлар, бир неча йиллардан кейин бўладиган ушбу оқибатларни билиб қўйсалар фойдадан холи бўлмайди: тирноқлар ва тишлар сарғайиб кетади, бутун танадан сигаретанинг бадбўй ҳиди уфуриб туради...

Чекишни шунчаки бошлаш мумкин, аммо шунчаки ташлаб бўлмайди. Мутахассислар олиб борган тадқиқотлардан бирида 173 кашандага чекишдан воз кечиш, бунда ўзлари ёққан усул, жумладан, чекиладиган сигаретлар сонини кундан-кунга камайтириб бориш, дўстлари билан биргаликда чекишни ташлаш, никотин ўрнини босувчи сақич ва конфетлардан фойдаланиш, чекишдан бир зумда воз кечиш, гипноздан фойдаланиш таклиф этилди. Чекишни ташлашга қарор қилганларнинг 46,2 фоизи ўз мақсадига эришди.

Европача кийинишни одат қилган ёшларимиз сигарета чекишни ҳам ўша маданиятнинг бир белгиси сифатида қабул қилиб, унга риоя этишни бошладилар. Аммо ғарб бу одатдан воз кеча бошлади. Жаҳон саломатлик ташкилотининг мана бу маълумотлари, балки чекаётган ёшларимизни ўйлаб кўришга даъват этар: 1993–2003 йиллар, яъни ўн йил давомида ривожланган мамлакатларда сигарета чекиш 6 фоизга камайган. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 13 фоизга ошган. Ўтган аср охирларига келиб, дунё бўйича 1,1 миллиард кашанда бўлса, шундан 300 миллиони ривожланган, 800 миллиони эса ривожланаётган мамлакатларга тўғри келди.

Чекишни бас қилиш саратон ва саратон туридаги бошқа касалликлар, инфаркт, мияга қон қуюлиши ва доимий ўпка касали хавфининг олдини олади.

Аёллар ҳомиладор бўлгунга қадар ёки ҳомиланинг дастлабки учинчи –тўртинчи ойларига қадар чекишни ташлашса, боланинг нуқсонлар билан туғилиш хавфини бартараф этган бўладилар.

Чекишни тўхтатиш вазнинг ўртача бир ярим килограммгача ортишига ва ортиқча ташвишларсиз хотиржам яшашга, яъни соғлом турмуш тарзига эришишга олиб келади.

Индаллосини олганда, чекишнинг зарари жуда кўп. Айниқса, ёшларимизнинг кашандаликка бевақт ружу қўйиб, бу чоҳдан чиқолмаётганликлари фожиадир. Шунингсиз ҳам экологик муаммолар авж олган бир паллада чекиб, саломатликка хавф солиш онгли кишининг танлаган йўли эмас, албатта.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

СКАНВОРД



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

26 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Осмонўпар бинолар».
«Болалар сайёраси»:
9.50 «Сув париси». Мультсериал.
10.30 ТВ-анонс.
10.35 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 1-қисм.
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «Мақом оқшоми».
11.40 «Одами эрсанг».
12.00 «Кампир топайми дадажон». М. Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг спектакль премьераси.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Наврўз оҳанглари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Инсон ва саломатлик».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хоразмнинг нақшинкор кулолчилиги».
17.40 «Ватан туйғуси».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Ўзбекистон аёли».
18.30 «Ошин». Телесериал.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал премьераси (Ҳиндистон).
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 «Анжелика». Сериал.
18.30 Кўклам наволари.
18.45 UzEX.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал премьераси (Хитой).
20.10 UzEX.
20.15 Олис манзиллар.
20.30 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Матонат».
20.45 «Ибратли умр».
21.00 Анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Наво-SMS.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу». Документальный фильм.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Анонс».
22.50 «Копи царя Соломона». Приключенский фильм. 1-қисм.
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.35 «Детективы».
9.10 «Малахов+».
10.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
Ўзбекистон чемпионатларида:
10.30 Эркин кураш.
11.00 Каратэ.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.20 «Новый русский романс». Сериал.
21.05 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50. СПОРТИВНЫЙ КИНОЗАЛ: «УИМБЛДОН». ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ФИЛЬМ.
23.20 ПрофРИНГ.
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

27 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Сув париси».
10.10 «Эзгулик».
10.30 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 2-қисм.
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
11.55 Самарқанд-2750.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Олтин бешик».
12.45 «Ўзбек аёли» туркумидан: Зулфия. 1-қисм.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Дил таронаси».
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Заковат».
16.10 «Ватан туйғуси».
«Болалар сайёраси»:
16.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.50 Бахтли болалик қўшиқлари.
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.40 «Ақл ва идрок».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Рангин дунё».
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-қисм.
24.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
00.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 «Анжелика». Сериал.
18.30 Кўклам наволари.
18.45 ТВ-банк.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 JOKER телелотереяси.
20.15 KINOMANIYA.
20.45 Наво-SMS.
21.00 Анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Наво-SMS.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Аёл қалби».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.50 «Саломат бўлинг».
11.00 «Интервью».
11.15 «Копи царя Соломона».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Премьера».
22.50 «Копи царя Соломона».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
10.50 Теннис.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Сам себе режиссёр».
19.35 Чемпионлар лигаси кундалиги.
20.00 «Вести».
20.20 «Новый русский романс». Сериал.
21.10 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 ДЕТЕКТИВНОЕ КИНО: «ТЫСЯЧА МИЛЛИАРДОВ ДОЛЛАРОВ». (1-я серия).
23.10 Еврофутбол.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

28 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Ажойиб қўнғироқча».
10.05 ИИВ хабарлари.
10.20 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 3-қисм.
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.05 «Одамлардан бири».
12.25 «Ягона оилада».
12.45 «Ўзбек аёли» туркумидан: Зулфия. 2-қисм.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Наврўз оҳанглари».
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «50х50». Ток-шоу.
16.10 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Эркин иқтисодиёт».
17.50 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Умр мазмуни».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Шарқдан нур». Тошкент — ислом маданияти пойтахти-2007.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.00 «Ўнта негр боласи».
24.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
00.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастур очилиши.
7.00 ЯНГИ ТОНГ.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Шум болалар.
9.25 Ёшлар адабиёти.
9.45 ТВ-банк.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 Тараққиёт сари.
10.40 Дуторчи қизлар.
11.00 KINOMANIYA.
11.30 «Аёл — муқаддас!»
11.35 Ёшлик наволари.
11.50 Анонс.
11.55 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Мурувват».
15.40 Ғазал мулки.
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.15 Тафаккур нури.
16.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.00 Ватанпарвар.
18.00 «Анжелика». Сериал.
18.30 Кўклам наволари.
18.45 Каталог.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Автопатруль.
20.35 Наво-SMS.
21.00 Анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Наво-SMS.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Ҳимоя».
9.55 «Премьера».
10.35 «Репортаж».
10.45 «Шунақа гаплар».
11.10 «Копи царя Соломона».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Одержимые полеты».
22.50 «Холостой выстрел».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Мониторинг».
10.40 «Кучли бешлик».
16.00 Футбол. Олимпиада ўйинларининг саралаш учрашуви. Ўзбекистон-БАА. (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
17.50 «Беллашув». O'zbektelefilm. Документальный фильм.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Вокруг света».
19.35 «Мир авиации».
20.00 «Вести».
20.25 «Тет-а-тет».
20.35 «Новый русский романс». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 ДЕТЕКТИВНОЕ КИНО: «ТЫСЯЧА МИЛЛИАРДОВ ДОЛЛАРОВ». (2-я серия).
23.00 Еврофутбол.
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1 МАРТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 «Қувноқ стартлар».
9.50 «Баҳор». «O'zbektelefilm».
10.00 «Табаррук замин».
10.30 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 4-қисм.
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Самарқанд-2750.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Назм ва наво».
12.45 «Ўзбек аёли» туркумидан: Зулфия. 3-қисм.
13.00 ТВ-анонс.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Ватанпарвар».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Имконият».
17.30 «Шифокор қабулида».
17.55 ТВ-анонс.
18.00 «Сиёсат оламида».
18.20 «Одамлардан бири».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 ЯНГИ ТОНГ.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Полапон.
9.30 Болалар табассуми.
9.35 Автопатруль.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 Тасвир ва таассурот.
10.40 Ватанпарвар.
11.40 Мурувват.
11.50 Олис манзиллар.
12.05 Ёшлик наволари.
12.30 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 «Аёл — муқаддас!»
13.35 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили.
14.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 Солиқ хизмати.
15.40 Ғазал мулки.
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.15 Тафаккур нури.
16.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.00 Қишлоқдаги тенгдошим.
17.15 Чемпион сирлари.
17.35 Менинг маҳаллам.
17.50 Истиқбол тимсоллари.
18.00 «Анжелика». Сериал.
18.30 Кўклам наволари.
18.45 ТВ-дорихона.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 ДаврА.
20.40 Наво-SMS.
21.00 Анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Наво-SMS.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Муқаддас қадамжолар».
10.20 «Интервью».
10.35 «Холостой выстрел».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Одержимые полеты».
22.50 «Вам письмо». Фильм.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.40 «Обитатели бездны». Документальный фильм.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 «Тақдир чизгилари».
11.10 Цирк Массимо.
12.00 Эркин ва юнон рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» олтин Гран-при турнири.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «АВТОграф».
19.10 «Шарқ яккакурашлари».
19.30 «Кўп яшанг».
20.00 «Вести».
20.20 «Новый русский романс». Сериал.
21.10 Футбол мундиал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Беллашув». Дам олиш дастури.
22.50 Эркин ва юнон рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» Гран-при турнири.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

2 МАРТ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
10.05 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 5-6-қисмлар.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Самарқанд-2750.
12.00 «Дил таронаси».
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табиати». Премьера.
12.20 «Ҳажвия бисотидан».
12.40 «Рангин дунё».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Зилол». Наврўз қўшиқлари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури.
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Меҳр кўзда».
16.00 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.20 «Тарих кўзгуси».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик» дастури.
17.35 «Яхшилар ёди».
17.55 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Ижтимоий ҳимоя».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Хонадон».
22.05 «Икки тақдир». Телесериал.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 ЯНГИ ТОНГ.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Меҳмонхона.
9.35 Чемпион сирлари.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 Мўйқалам сеҳри.
10.40 Интерфутбол.
12.10 Ёшлик наволари.
12.25 Анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Таълим ва тараққиёт.
13.45 Солиқ хизмати.
13.55 Анонс.
14.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 Нафосат олами.
15.40 Ғазал мулки.
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.15 Тафаккур нури.
16.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.00 «Тақдир». Ток-шоу.
17.35 Қўшқулоқ.
18.00 «Анжелика». Сериал.
18.30 Кўклам наволари.
18.45 Сифат белгиси.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Дунё таомлари.
20.45 Наво-SMS.
21.00 Анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Наво-SMS.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
10.05 «Иқтисод-ревю».
10.20 «Вам письмо».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 «Правда о Чарли». Детектив.
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар олами».
8.50 Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 «Ринг».
11.20 Эркин ва юнон рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» олтин Гран-при турнири.
12.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Насаф».
16.00 Футбол Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» — «Тўполанг». (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
17.50 «Тренер». O'zbektelefilm. Документальный фильм.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Чимган». Документальный фильм.
19.00 «Поле чудес».
19.50 «Тет-а-тет».
20.00 «Вести».
20.20 «Новый русский романс». Сериал.
21.10 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Аптека слушает».
22.35 МЕЛОДРАМА «ГОРДОСТЬ И ПРЕДУБЕЖДЕНИЕ».

3 МАРТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
9.25 «Шифокор қабулида».
9.50 ТВ-анонс.
9.55 «Ҳидоят сари».
10.15 1. «Чинсен». 2. «Маврид».
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Янги оҳанглар».
12.15 «Интеллектуал ринг».
13.00 ТВ-анонс.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Бекат».
14.45 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.
16.00 «Оҳанглар оғушида».
16.05 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.
«Болалар сайёраси»:
17.10 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.05 «Саломатлик сирлари».
18.25 ТВ-анонс.
18.30 «Дам бу дамдир».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.05 «КиноТеатр».
22.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.40 «Аёл тароватри».
Бадиий фильм. 1-қисм.
24.00 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастур очилиши.
7.00 ЯНГИ ТОНГ.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Бола тилидан.
9.45 ТВ-дорихона.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 Телетеатр: «Тўй».
11.30 Қилни қирқ ёриб.
12.15 Ёшлик наволари.
12.25 Анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Болалар табассуми.
13.40 Менинг маҳаллам.
13.55 Анонс.
14.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 Истиқбол тимсоллари.
15.40 Ғазал мулки.
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.15 Тафаккур нури.
16.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.00 ДаврА.
17.30 Каталог.
17.40 «Аёл — муқаддас!»
17.45 Тасвир ва таассурот.
18.00 «Анжелика». Сериал.
18.30 Эрта сўнган юлдузлар.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ер сайёраси». 1-қисм.
20.20 Наво-SMS.
20.40 Анонс ва эълонлар.
20.50 «Куз эртаги». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 Наво-SMS.
22.45 Жаҳон киноси: «Ҳасад».
00.35 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Дилкаш наволар».
10.10 «Маърифат фидойилари».
10.25 «Саломат бўлинг».
10.35 «Осмондаги болалар».
12.40 «Репортаж».
12.50 «Правда о Чарли».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Гвадалупе». Телесериал.
19.45 «ИИВ хабарлари».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.50 «Ограбление по-итальянски».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
8.40 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Спорт — менинг ҳаётим».
10.15 «Смак».
10.50 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» олтин Гран-при турнири.
11.55 «Халқ ўйинлари».
12.15 «Властелин горы».
13.20 «Зверинец».
14.00 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар олами».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Военное дело».
19.10 «Фоторевю».
19.25 «Файзли ошхона».
19.50 «Суперлото».
20.00 «Вести».
20.20 «Звездный матч».
20.40 «Стиль».
20.55 «Турнир хитов».
21.10 «Среда обитания».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 ЖЕРАР ДЕПАРДЬЕ, НАСТАСЬЯ КИНСКИ В ПРИКЛЮЧЕНЧЕСКОМ ФИЛЬМЕ «МАДЕМУАЗЕЛЬ МУШКЕТЁР». 1-я серия.
23.15 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» олтин Гран-при турнири.

4 МАРТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Иним айиқ». Мультфильм премьераси.
9.55 ТВ-анонс.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир маслаҳат».
10.40 «Ҳамон ёдимда». 1-қисм.
11.00 ТВ-анонс.
11.05 «Ҳамон ёдимда». 2-қисм.
11.25 «Оила ришталари». Телесериал.
12.00 ТВ-анонс.
12.05 «Янги оҳанглар».
12.25 «CINEMA.UZ».
12.50 «Бурч ва муҳаббат». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.50 ТВ-анонс.
13.55 «Бурч ва муҳаббат». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.55 «Наврўз оҳанглари».
15.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
15.55 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
16.35 «Одами эрсанг».
16.55 ТВ-анонс.
17.00 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
17.30 «Шахсий фикр».
18.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «50х50». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Кўҳна оҳанглар».
22.00 «Заковат».
23.00 «Аёл тароватри».
Бадиий фильм. 2-қисм.
00.20 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастур очилиши.
7.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
9.30 Болалар давраси.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 Қўшқулоқ.
11.45 Матонат.
12.00 Дунё таомлари.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
15.00 Ёшлик наволари.
15.15 «Ов мавсуми». Мультфильм.
16.35 «Аёл — муқаддас!»
16.40 Ринг қироллари.
17.30 Чемпион сирлари.
17.50 Мафтункор ва бетакрор.
18.00 «Муқаддас замин».
18.30 Кўклам наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 «Ер сайёраси». 2-қисм.
20.20 KINOMANIYA.
20.50 «Куз эртаги». Сериал.
22.00 Жаҳон киноси: «Бетховен асарларини кўчириб».
23.45 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.45 «ИИВ хабарлари».
10.00 «Интервью».
10.25 «Истеъдод».
10.45 «Осмондаги болалар-2».
12.35 Мультфильм.
13.50 «Дорихона эшитади».
14.40 «Телекурьер-маркет».
15.00 «Жозиба».
15.20 «Саргузаштлар ороли».
15.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
16.20 «Телекурьер-маркет».
16.45 «Ришта». 1-2 қисмлар.
19.35 «Нима учун?»
20.15 «CINEMA BOLLIWOD».
20.35 «Дилкаш наволар»: Нодирабегим Жавоқова.
21.05 «Изгой».
23.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Қувноқ стартлар».
8.30 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Бардам бўлинг».
10.00 «Улыбка».
10.10 «Непутёвые заметки».
10.30 «Пока все дома».
11.20 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.45 «Файзли ошхона».
12.10 «До-ми-соль». Шоу-программа для детей.
13.00 Футбол. «Машъал» — «Навбаҳор».
13.50, 23.25 Эркин ва юнон рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» олтин Гран-при турнири.
14.50 «Проф-РИНГ».
18.00 «Детский мир».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Розыгрыш».
21.30 «Талқин».
22.00 ЖЕРАР ДЕПАРДЬЕ, НАСТАСЬЯ КИНСКИ В ПРИКЛЮЧЕНЧЕСКОМ ФИЛЬМЕ «МАДЕМУАЗЕЛЬ МУШКЕТЁР». 2-я серия.

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН На вас сосредоточится внимание окружающих. Ваши профессионализм и организаторские способности будут оценены по достоинству. Вам придется решать жизненно важные вопросы. Удачными окажутся поездки.

ТЕЛЕЦ Спокойствие и рассудительность — вот слагаемые вашей удачи и успеха. Лучше прислушивайтесь к совету взрослых. Сконцентрируйтесь на самом важном. К концу недели возрастет физическая активность.

БЛИЗНЕЦЫ Постарайтесь быть спокойнее и уравновешеннее. Неделя будет напряженной из-за увеличения объема работы. Будьте внимательны. Вас ожидает интересная информация. В выходные удачными окажутся прогулки с семьей.

РАК Проявите дружеские чувства к окружающим. Важно отделить главное от второстепенного. Вероятен конструктивный разговор с начальством, позволяющий вам обрести новые полномочия.

ЛЕВ Неделя благоприятна для карьерного роста и достижения намеченных целей. Отличное время для людей творческих профессий. Постарайтесь быть пунктуальнее и соблюдать взятые на себя обязательства.

ДЕВА Стоит проявить активность, но не раскрывать планы до конца. Ваши близкие будут ждать от вас внимания и теплоты. Наступило время для реализации и воплощения идей. Выходные пройдут в кругу гостей.

ВЕСЫ Желательно посвятить время завершению накопившихся дел. Подведите промежуточный итог проделанной работы. Стоит посвятить достаточно времени построению планов на ближайшее будущее.

СКОРПИОН Лучше завершить старые дела и приготовиться к неожиданностям. Возможны проверки, которые могут даже застать вас врасплох. Пустите в ход ваше обаяние. Близкие люди потребуют к себе пристального внимания.

СТРЕЛЕЦ Многие планы, связанные с работой, удастся воплотить в жизнь. К концу недели желательно быть осторожнее с перегрузками. Помимо новых знакомых на горизонте объявятся и старые друзья.

КОЗЕРОГ Неделя будет весьма удачной. Высок ваш творческий потенциал. Постарайтесь не связывать себя никакими обещаниями. Вам необходимо быть осмотрительнее. Посвятите себе больше времени, организуйте поход.

ВОДОЛЕЙ Желательно заниматься привычной, хорошо налаженной работой. Все неприятности могут произойти от случайных знакомых. Вам стоит максимально использовать благоприятное время для общения и переговоров.

РЫБЫ Возможно, вы получите необходимую информацию для окончательного решения. Неделю лучше посвятить отдыху или заняться любимым делом. Желательно не предпринимать никаких действий.

ПРИОРИТЕТЫ ГОДА: РОСТ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ И ЗАБОТА О БЛАГЕ НАРОДА

(Продолжение. Начало на 1-й стр.).

«2006 год, – говорится в докладе главы государства, – стал годом реализации глубоких рыночных и демократических реформ, годом высоких темпов роста экономики и позитивных перемен в повышении уровня и качества жизни населения, что, в свою очередь, создает необходимую базу для нашего уверенного поступательного продвижения по пути дальнейшего обновления и устойчивого развития».

Доклад Президента Ислама Каримова – это документ, который несет в себе глубоко содержательный программный характер, он ориентирует руководящие кадры страны на самые прогрессивные и эффективные формы хозяйствования.

Так, в 2006 году валовой внутренний продукт вырос на 7,3 процента, объем промышленного производства – на 10,8 процента, потребительских товаров – на 20,6 процента, производство сельскохозяйственной продукции – на 6,2 процента, платных услуг – на 19,3 процента, подрядных строительных работ – на 12,8 процента. Золотовалютные резервы страны возросли в 1,6 раза. Государственный бюджет исполнен с профицитом в 0,5 процента к ВВП, уровень инфляции снизился до 6,8 процента. Возросли масштабы привлечения иностранных инвестиций, прежде всего прямых, которые увеличились на 25,4 процента.

Большие качественные изменения в экономике произошли не за счет традиционных сырьевых отраслей, не за счет благоприятной конъюнктуры и высоких цен на мировом рынке на материалы и отдельные виды сырья, **а в первую очередь за счет серьезных структурных сдвигов и интенсификации производства, опережающего развитие отраслей, ориентированных на производство готовой конкурентоспособной продукции и оказание современных услуг.**

В 2006 году введены в действие Кунградский содовый завод, Тупалангская ГЭС, налажено производство рулонной полосы из меди и ее сплавов на АПО «Узметкомбинат», введена первая очередь утилизации газа на СП «Кокдумалак», завершено строительство газофракционной установки на Ферганском НПЗ, газопровода Газли – Сарымай, завершены 11 инвестиционных проектов в текстильной промышленности, продолжается реализация таких крупных проектов, как строительство железной дороги Ташгузар – Байсун – Кумкурган, модернизация Ташкентской ТЭС, реконструкция аэропорта в г.Навои, электрифицирован участок железной дороги Арысь – Узбекистан. Открыты новые скоростные линии пассажирских поездов. Реконструировано 130 км автомобильных дорог, входящих в международные транспортные коридоры, отремонтировано 2400 км дорог общего пользования, построено 34 моста.

Глубокие изменения произошли и в сельском хозяйстве. Сегодня его лицо определяют **фермерские хозяйства, которые стали основной формой сельскохозяйственного производства.** В стране функционируют 190 тысяч фермерских хозяйств, которые дают свыше 86 процентов производства хлопка-сырца и 75 процентов зерна. В прошлом году за счет реорганизации более 600 ширкатных хозяйств было создано 74 тысячи фермерских хозяйств, более половины которых плодоовощеводческого направления.

Важной особенностью прошедшего года стало ускоренное развитие экспортного потенциала, укрепление конкурентоспособности национальной экономики. Объем экспортной продукции возрос на 31,5 процента. Положительное сальдо внешнеторгового оборота выросло за год почти до 2 млрд. долларов США.

За 2006 год сделаны заметные шаги в области занятости населения, при этом важную роль сыграло опережающее развитие сферы услуг, внедрение надомного труда и создание рабочих мест на новых и реконструированных предприятиях. Большая работа проведена в рамках Национальной программы по подготовке кадров и по осуществлению Программы «Год благотворительства и медицинских работников».

Определяя перспективы и приоритеты развития нашей страны на 2007 год, руководство республики исходило прежде всего из необходимости дальнейшего углубления начатых масштабных реформ по модернизации и демократическому обновлению страны, либерализации общества и дальнейшему повышению уровня жизни населения.

Каким приоритетам подчинена экономическая программа 2007 года?

Кратко их можно изложить таким образом:

– обеспечение устойчивых и сбалансированных темпов роста, структуризации и модернизации экономики, технического и технологического обновления важнейших ее отраслей, дальнейшей либерализации налоговой политики. Заметим, что Олий Мажлисом утверждены основные параметры развития экономики на 2007 год, согласно которым намечено обеспечить рост ВВП на 7,7 процента;

– создание максимума благоприятных условий для частного, а также малого бизнеса и частного предпринимательства;

– всемерное усиление работы по привлечению иностранных инвестиций, в первую очередь прямых инвестиций;

– обеспечение последовательного повышения оплаты труда и качества жизни населения;

– дальнейшее углубление и расширение масштабов реформ в банковско-финансовой сфере;

– дальнейшее углубление экономических реформ в коммунальном хозяйстве.

Сегодня мы ориентируемся на научно обоснованный и утвержденный Олий Мажлисом показатель **7,7 процента** роста ВВП. Почему стал возможным такой высокий прогнозный показатель? Потому что наша экономика прочна, ей сегодня по силам и более высокие показатели.

Обратимся к проблемам сельского хозяйства. Вот один из тезисов доклада главы государства: **«Особое внимание обратить на повышение доходов и качество жизни сельского населения за счет строительства на селе мобильных, оснащенных современной технологией предприятий, ускорения развития малого бизнеса и предпринимательства, различных форм надомного труда».**

В нем – ключ к повышению жизненного уровня сельчан, их занятости и благополучия. Или возьмем другую сторону этого вопроса – Программу по социальной защите малообеспеченных семей на селе. В этом году предусматривается **бесплатно** выделить в первую очередь **дойных коров не менее 60 тысячам семей.**

Обратимся к проблемам приватизации. Вчитываясь в строки доклада, сразу убеждаешься в том, что в дальнейшем решении этой проблемы нам необходим не вал, не всевозрастающие цифры приватизированных предприятий, **а их полезность для общества и государства.** На основе глубокого анализа этой сферы в докладе указан новый подход к решению стоящих задач. **«Думаю, решением этой проблемы может стать формирование на их базе (речь идет об акционерных обществах) частных предприятий и компаний, где владельцами становятся частное лицо или ограниченное число собственников, которые могут взять на себя среднесрочные и долгосрочные инвестиционные обязательства, направленные на безусловное повышение эффективности производства и выпуск конкурентоспособной продукции».** Вот вам новизна, вот конкретный путь решения проблемы. И так по каждому приоритету, по каждой сфере нашей общественной экономической жизни.

Доклад Президента страны Ислама Каримова вызвал пристальное внимание и глубокий интерес как в стране, так и в различных политических кругах за рубежом. В нем отчетливо прослеживаются не только итоги и благоприятные перспективы, но и твердая уверенность в поступательном развитии страны, в успешном строительстве правового, демократического государства, гражданского общества и повседневная забота о человеке. Он дает мощный заряд энергии, патриотических устремлений и укрепляет во всем нашем народе уверенность в завтрашнем дне, в торжестве идеалов независимости.

Нельзя не сказать и о том, как важен доклад главы государства для военных кадров. В нем содержится немало практических советов и рекомендаций, которые послужат военнослужащим верным компасом в решении практических задач на текущий год. Прежде всего речь идет о четкости и требовательности, заботе о людях. Он учит умению видеть большое в малом, не довольствоваться достигнутым, а постоянно идти вперед, опираясь на поиск, творчество. Новым подходам, соответствующим реалиям сегодняшнего и завтрашнего дней. Он учит государственному отношению к делу. А дело наше особое, военное и в высшей степени ответственное: **быть бдительным и быть всегда в боевой готовности, всегда начеку!** Именно в этом наш долг и святая обязанность.

А.КУРГАНОВ.

Учебно-методический сбор

ЗНАНИЯ – КАЖДОМУ СЛУШАТЕЛЮ

В Центральном музее Вооруженных Сил прошел учебно-методический сбор. Участникам сбора – офицерам-воспитателям Ташкентского военного округа – были даны рекомендации по организации изучения доклада Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Абдуганиевича Каримова на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан «Гарантия нашей благополучной жизни – построение демократического, правового государства, либеральной экономики и основ гражданского общества» в системе общественно-политической подготовки.

Ведущий прошедшего сбора генерал-майор Александр Камбаров во вступительном слове отметил важность детального изучения данного документа всеми категориями военнослужащих, рабочих и служащих. Ведь результаты социально-экономического развития Узбекистана в прошедшем году напрямую связаны и с деятельностью воинских коллективов. Успешное развитие экономики, мир и стабильность в нашем государстве – это ежедневный ратный труд каждого защитника Родины, надежно охраняющего наш суверенитет, неприкосновенность священных границ.

С рекомендациями о том, как должно проводиться оперативное информирование по данной теме в подразделениях, собравшимся рассказал подполковник Анастас Амбарцумян. Его выступление вызвало большой интерес. Докладчик в простой форме, с многочисленными экскурсами в историю экономического развития независимого Узбекистана, показал динамику роста основных макроэкономических показателей в 2006г. и рассказал о важнейших приоритетах экономических реформ в 2007 г. Во время доклада для наглядности были использованы современные технические средства информации: слайды, диаграммы, текстовое сопровождение на специальном экране.

Полковник Рашид Абдуллаев довел до аудитории методику занятия по общественно-политической подготовке. В своем докладе он остановился на основных параметрах методической разработки темы предстоящего занятия с различными группами слушателей, составления плана лекции, подбора соответствующего материала для наиболее полного раскрытия каждого вопроса. Майор Бобур Нематов в своем выступлении остановился на вопросах, касающихся наиболее полного раскрытия содержания темы.

Во время подведения итогов сбора было отмечено, что успех каждого занятия зависит от всесторонней подготовленности самих руководителей групп ОПП, их плодотворной работы в часы самостоятельного, вдумчивого изучения важного государственного документа. При этом подчеркивалось, что целенаправленная подготовка каждого офицера-воспитателя обязательно даст хорошие результаты, повысит уровень знаний слушателей.

Соб. инф.

МЎЪЖИЗАЛАРГА КОН ОМОНХОНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

1994 йилда «Бойсун» қоракўлчилик жамоа хўжалиги базасида Омонхона шифохона-санаторийси ташкил этилди. Туман ҳокими саъй-ҳаракати билан шифобахш булоқ яқинида йигирма беш ўринли меҳмонхона қад ростлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, замонавий тиббиётда жигар қотиши, цирроз билан боғлиқ хасталикни даволашнинг иложи йўқ. Аммо Омонхона булоғи сувини ичиб, бундайин дарддан халос бўлганлар кўп экан. Мақоламиз аввалида бир ҳамқишлоғим мисолида бунга тўхталгандик. Энди Омонхона бош шифокори Нусрат ака Худойқуловнинг бу ҳақдаги фикрларига қулоқ тутайлик:

– 1995 йилнинг апрелида Абдураим Тўраев, май ойида Адолат Абдуллаева, июль ойида Ойша Эшмуродова каби беморлар жигар циррози ташхиси билан келган эдилар. Оромгоҳ шифохонамизда бир курс даволанганларидан кейин жойлардаги лабораторияларда ва махсус кузатувлардан ўтганларида ниҳоятда ижобий ўзгаришлар бўлганлигини беморларнинг ўзлари келиб маълум қилдилар ва иккинчи бор даволаниб қайтдилар.

Бош шифокор шифобахш булоқ сувида чўмилган киши танасида модда алмашинуви яхшиланишини таъкидлар экан, жигарда янги тўқималар пайдо бўла бошлашини айтди. Шунинг учун ҳам бемор бир-икки бора ванна, айланма душ муолажаларини қабул қилгандан кейин умумий аҳволи яхшилана бошларкан. Маълумки, жигар хасталикларида, айниқса гепатитда одатда махсус парҳез буюрилади. Шифокорнинг таъкидлашича, Омонхона сувининг дастлабки куниданоқ беморлар ҳатто хоҳишига қараб палов, қўй гўштидан тайёрланган турли таомлар, тандир кабоб ва шунга ўхшаш таомларни чекланмаган миқдорда истеъмол қилиши мумкин экан. Тўғриси, бу ҳолатга ажабландик.

Мақоламизни «Мўъжизаларга кон Омонхона» дея бежиз номламадик. Сабаби бу маскан ҳақиқатан ҳам мўъжизаларга бой. Тўғри, энг катта мўъжизаси таъкидлаётганимиз – шифобахш булоғи. Аммо ҳавосида ҳам гап кўп. Синчиклаб назар ташлар эканман, беморларнинг, зиёратга келганларнинг аксарияти кун бўйи Омонхона атрофида сайр қилиб юришини ёки кроватларда ўтириб олиб, суҳбат қуришини кўраман. Айниқса, булоқ суви яқинидаги Ёппакамарда. Дарвоқе, Ёппакамар борасида сўзлашни унутибмиз-ку. Камари Азиз қадамжосининг шундоққина остида улкан жарлик бор. Жарлик ичига тушиб бораверсангиз, ҳар иккала томонда улкан камарни кўрасиз. Эни тахминан йигирма-йигирма беш, узунлиги юз метрча келади-ёв. Ёппакамарнинг тагига қаторлаштирилиб кроватлар қўйилган. Бу ерда ҳатто кечаси ҳам тунаб қолишга имкон бор. Таъкидлаш жоизки, бу ернинг нафақат суви, балки ҳавоси ҳам шифобахш экан. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Ёппакамар ҳавоси илмий асосда ўрганилиб чиқилганда, ҳавосининг ионлашув даражаси 1800 ни ташкил этган. Бу нима дегани? Илмий нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳаводаги ионлашув даражаси 400 бўлганда ўша масканга санаторий, шифохона қуришга рухсат бериларкан. Демак, арифметика тили билан айтганда, баҳаволиги муайян андозадан ҳам тўрт ярим баравар юқори. Буни мўъжиза демасдан илож-имиз йўқ-да.

Омонхонанинг мўъжизакор сувидан, ҳавосидан баҳраманд бўлиш билан бирга Ҳазрат Султон Валий Балогардон ва унинг фарзанди бўлмиш Камари Азизнинг қабрларини зиёрат қилдик. Тўғриси, бу зиёратдан сўнг ҳам руҳан, ҳам жисман енгиллашгандек сездик, ўзимизни. Омонхоналикларнинг таъкидлашича, бу зиёратгоҳлар туман ҳокими ташаббуси билан хоразмлик усталар томонидан қайта таъмирланиб, янада обод этилган. Ҳа, бунёдкорлик, ободончилик ўзбегимнинг қонида бор-да.

Карманалик Омон ака Нурматов билан танишдик. Роса шинаванда киши экан. Омонхонага илгари ҳам келгани учун унинг кўп мўъжизаларини биларкан. «Сизга Омонхона ғорини кўрсатаман», деди зиёратимизнинг иккинчи кунида.

Ғор Ёппакамардаги ўша машҳур шифобахш булоқдан тахминан беш метрлар баландликда экан. Томошаталаб, мўъжизаталабларнинг бари эрталабдан ғорнинг ёнига келишган. Кимдир суратга тушади, яна кимдир ғорнинг ичига тушишга уринади. Ғорнинг оғзи анчайин тор экан. Тубигача элтувчи тик йўлак тахминан 3 метрлар келади. Ғорнинг туби анча кенг зал кўринишида бўлиб, майдони тахминан 50-60 квадрат метрлар келади. Ажабланарлиси шундаки, ғорнинг ичи ёз ойларида анча паст ҳароратда, аниқроғи –5, -6 градус ҳароратда сақланиб тураркан. Қиш ойларида эса ҳарорат кўтарилиб, 20 градус иссиқликкача етаркан. Демак, ташқарида ҳарорат қанчалар юқори бўлса, ғорнинг ичида шунчалар паст, ташқарида ҳарорат қанча паст бўлса, Омонхона ғорида юқори бўлади. Сабабини сўрасам, ҳеч ким изоҳлаб беролмайди. «Мўъжиза бу, мўъжиза, биродар», дейишади холос. Қизиғи шундаки, омонхоналиклар бир неча асрдан бери бу ғордан музхона ўрнида фойдаланишаркан. Яъни иссиқда тез бузиладиган маҳсулотлар унга қўйилган. Бу табиий музлаткичдан нафақат омонхоналиклар, балки атрофдаги қўшни қишлоқ одамлари ҳам унумли фойдаланишган. Шуни таъкидлаш лозимки, музхонадан фойдаланишнинг ўзига хос қонунияти бўлган. Ғорга фақат шу ерлик аҳоли томонидан сайлаб қўйиладиган эътиборли, ишончли кишигина кириб чиққан. Шу ерлик аҳолининг айтишича, ўтган аср бошидан ҳозиргача ғор-музлаткичга бор-йўғи беш киши – Остонақулибой, Худойқулбой, Ҳайдарбой, Норбой ва 1994 йилдан эътиборан Ҳайдарбойнинг ўғли Ҳамро кириб-чиққан. Яъни, номлари тилга олинганлар устига исм-фамилияси, қишлоғининг номи ёзилган қорин ёғларини ғорга киритиб, зарур бўлганда эгаларига олиб беришган. Ёғнинг сифати умуман бузилмай, асл сақланган.

«Омонхона мўъжизалари» китобида шундай дейилади: «Энг ажабланарли томони шундаки, Омонхона ғорига ўғри тушмайди. Мушук ёки тулки кирмаслиги учун ғор оғзига оғирроқ тош бостириб қўйишади. Ғордан рухсатсиз бирор дона қорин ёғини ўзга киши олиб чиқиши қатъиян ман этилган. Ҳатто ўзига тааллуқли қорин ёғини олиб чиққан киши ҳам ўғри саналган. Ғордан ёғ ўғирлаган ҳар қандай кишининг пес касаллигига чалинганига омонхоналикларнинг ота-боболари гувоҳ бўлишган». Бу тилсимот олдида ҳам лол қолишдан бошқа иложимиз бўлмади.

Майор Шерзод АЛИЕВ.

(Давоми бор).

ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат мукофотига Ватанимизнинг иқтидорли ижодкор қизлари эга бўлиб келишмоқда. Бу мукофот мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бир тимсоли сифатида юртимиз қизларининг орзу-интилишлари, эзгу умидлари ва келажак режаларига ижобий таъсир ўтказиши билан қадрлидир. Шунингдек, мукофот интилувчан, яратувчан, ноёб истеъдодга эга бўлган қизларимизнинг ижтимоий ҳаётида улкан ҳодиса, бурилиш ясади, десак хато бўлмайди. Иқтидорли, билимдон фарзандларимизнинг юзага чиқиши, уларга яратилаётган катта имкониятлар эса юртимиз фан ва маданияти, адабиёти, санъати ва таълими тараққиётига қўшилажак катта ҳиссадир. Шу билан бирга ёшларга имтиёз ва кенг имкон берувчи бундай мукофот бошқа давлатларда жорий этилмаганлигини ҳисобга олсак, буни мустақиллик берган нодир имконият десак арзийди. Айни дамда қизларимизнинг қай бири Зулфия мукофотига эга бўлиб, олий ўқув юртларига имтиёзли тарзда қабул қилинишини истамайди дейсиз. Айниқса мамлакатимиз олис қишлоқларида яшовчи истеъдод соҳибалари ушбу мукофот сабаб эътибор топишмоқда, олийгоҳларда таҳсил олишмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мукофот нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида кенг миқёсда тарғибот ишлари олиб борилаётганлигига гувоҳмиз. Мукофот моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб этиш юқори самара бераяпти, дейишга ҳақлимиз. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2004 йилда 5 мингта яқин қизлар мукофотга даъвогарлик қилган бўлсалар, 2005 йилда бу кўрсаткич 10 мингдан ошиб кетганини кузатиш мумкин. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда «2006 йилда Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида Зулфия номидаги давлат мукофотига бўлиб ўтадиган танловлар самарадорлигини ошириш ва мукофот тизимини такомиллаштириш мақсадида Ҳамкорлик Дастури»ни ишлаб чиқди ва бугунги кунда бу дастурга асосан самарали иш олиб борилмоқда. Бунинг натижасига тўхталсак, 2006–2007 йилги танловларда шу кунга қадар 2 миллионга яқин қизлар даъвогарлик қилишди.

– Рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги жуда кўплаб иқтидорли қизларимиз бу танлов иштирокчиларидир, – дейди Республика Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси Гулжамол Асқарова. – Албатта муҳими сон эмас, сифат. Бироқ иқтидорли қиз кўплар ичидан сараланса мақсадга мувофиқ бўлади. Қолаверса, ушбу танловлардан кўзланган мақсад, нафақат Зулфия мукофотига номзодларни топиш ва саралаш, балки шу танлов қатнашчилари таркиби асосида истеъдодли қизлар захирасини ташкил этишдан иборат эди ва бунга эришилди. Шунингдек, бу танлов юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган истеъдодли қизларимиз, мактабларда таълим олаётган, бироқ ўз иқтидорини кўрсатишга етарли шароит бўлмаган ёшларимизни ҳам қамраб олиш учун яхши имконият бўлди, десак арзийди. Энди мамлакатимиздаги ҳар бир қизни танловда иштирок этишига имконияти бор. Бу нодир имкониятдан унумли фойдаланиш эса уларнинг салоҳиятига боғлиқ. Тилагим миллат адабиёти, маданияти, санъати, фани ҳамда таълимини жаҳонга танитишда халқимизга камарбаста бўлишга интилаётган ғайратли, зукко қизларимизга ушбу улуғ мукофот насиб этаверсин.

Жойларда олиб борилган тарғибот ишларида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2006 йил 2 февралда эълон қилинган Президентимиз Фармонига кўра ушбу мукофотни 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган қизларга бериш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу ўринда ҳаётда ўз ўрни бўлишга, мустақил юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган шиоатли қизларимизни танловда иштирок этишга ҳаракат қилишлари табиий ҳол. Шуни инобатга олиб танловда номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтишга қарор қилдик. Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олаётган, корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда хизмат қилаётган аъло хулқли, олижаноб инсоний фазилатларга эга, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ёрқин истеъдодини намойиш қилиш билан бирга истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган 22 ёшгача бўлган қизларга адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳаларида эришган катта ютуқлари учун берилади. Талабгорлар ўзининг ватанпарварлиги, ижтимоий-сиёсий ва маънавий етуклиги, Ватанимиз тарихи, буюк алломаларимиз ва жаҳон маданияти меросини яхши эгаллаган бўлиши лозим.

Номзодларнинг асарларига қўйиладиган умумий талаблар эса илмий-ижодий ишлар ўзининг янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, бадиий қиммати билан алоҳида ажралиб тураши, халқимиз маънавиятини юксалтириш, мустақиллик ғояларини амалга ошириш, жамиятимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий ислоҳотлар моҳиятини очиш, мамлакатимиздаги ижтимоий ва маданий ҳаётни янада яхшилаш масалаларини ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим.

Тавсия этилаётган ишларни баҳолашда уларнинг Ватанимиз ёки чет мамлакатларда чоп этиланлиги, етакчи мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги, жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги инобатга олинади.

Танлов уч босқичдан иборат бўлиб, дастлабки босқичда номзодларнинг ишлари мактаб, лицей ва коллеж, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари, корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда, яъни танлов иштирокчиси қаерда таълим олса ёки ишласа ўша ернинг ўзида кўриб чиқилиб, вилоят бошқармаларига топширилади.

Иккинчи босқичда эса вилоят халқ таълими бўлими, лицей ва коллеж бошқармалари, олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот муассасалари илмий кенгашлари ва вилоят бошқармалари тавсиялари асосида номзодларнинг ишлари вилоят комиссиясида кўриб чиқилади. Ҳар бир йўналиш бўйича биттадан жами уч номзод танлаб олиниб, Республика комиссиясига тақдим этилади.

Учинчи – сўнгги босқичда Республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тақдим этилган ишларни кўриб чиқади ва биттадан номзодни танлаб Вазирлар Маҳкамасига тавсия этади.

Кўриб турганингиздек Зулфия мукофотига лойиқ бўлиш учун қизларимиз астойдил тер тўкишларига тўғри келади. Номзодларнинг ишларини комиссия аъзолари томонидан ҳар томонлама ўрганиб чиқиш жараёни эса адолат тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Етти йил давомида ушбу мукофотни қўлга киритган 98 нафар иқтидорли қизларимизнинг кейинги фаолиятлари ҳам беэътибор қолган эмас. 2006 йилнинг ноябрь ойида муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида ўтказилган «Истиқболимиз тимсоллари» мавзуидаги Республика анжуманига Зулфия мукофоти соҳибалари ташриф буюрдилар. Йиғин давомида дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланиб, ўз касбларига бўлган муҳаббат, мукофотга бўлган масъулият ҳисси янада ортганлиги аниқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлатимиз томонидан ёшларимизга қаратилаётган ҳар томонлама эътибор мустақил Ватанимиз келажаги янада ёрқинлигидан далолатдир. Буни бугунги кунда жаҳоннинг энг иқтидорли қизлари билан тенглашишга шай турган Зулфияхоним қизлари исботлаб турибди.

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

Книжная полка

ИСТОРИИ ВОЙН И ВОЕННОГО ИСКУССТВА – В УЧЕБНИКЕ

Как уже сообщалось, в Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан состоялась презентация учебника «История войн и военного искусства», разработанного авторским коллективом в составе генерал-майора Ф. Усманова, полковника М. Курганбекова и доцента Ч. Угай. Публикация вызвала широкий читательский интерес. В своих письмах многие из вас подчеркивают актуальность книги, своевременность ее выхода, воспитательное значение в деле привития молодежи любви к Родине и гордости за военную профессию. Одновременно вас интересуют вопросы: как создавался учебник, как шла работа по накоплению фактического материала, что было главным в работе над этим трудом и многие другие. Поэтому сегодня мы предлагаем высказывания авторов, должностных лиц, тех, кто непосредственно участвовал в опубликовании и подготовке учебника к выходу в свет.

Генерал-майор Ф. УСМАНОВ, руководитель авторского коллектива учебника:

– Уникальность учебника состоит в том, что он разработан в Узбекистане впервые. Предназначен для изучения истории войн и военного искусства слушателями Академии и курсантами военно-образовательных учреждений Министерства обороны, других силовых ведомств.

Главным принципом, заложенным в основу создания данного учебного пособия, является объективность изложения исторических фактов, их хронологическая последовательность, а также изучение вопросов военной истории в тесной взаимосвязи с тактикой, оперативным искусством и стратегией на примерах разных стран и народов.

При разработке учебника мы использовали более ста источников на государственном, русском и других языках. Например, труды по истории войн и военного искусства таких всемирно известных военачальников и военных специалистов, как Сунь-Цзы, Ксенофонт, Вегеций, Макиавелли, Наполеон Бонапарт, К. Клаузевиц, Г. Дельбрюк, Б. Лиддель Гарт, Е. Разин и другие.

Несомненным отличием данного учебника от учебников еще советского периода является то, что значительное место уделено изучению военного искусства народов Востока, в особенности Средней Азии.

История войн и военного искусства народов Средней Азии рассматривается нами во взаимодействии с развитием мировой истории. Например, военное дело древних народов Средней Азии раскрыто на фоне исторических событий борьбы древних саков, массагетов, согдийцев, хорезмийцев и ферганцев против иранских, греко-македонских и китайских завоевателей.

Военное искусство народов Средней Азии изучалось по следующим источникам: «Уложения Темура», «Зафарнама» Шарафутдина Али Язди, «История Султана Джалал ад-Дина Мангуберди», «Абдулланама», древние источники по истории Средней Азии, работы греческих, арабских и других авторов.

Мы выражаем свою признательность ученым-историкам Института истории Академии наук Республики Узбекистан, оказавшим нам помощь в научном редактировании и давшим рецензию на изданный учебник.

Полковник М. КУРГАНБЕКОВ, член авторского коллектива:

– При составлении книги мы отбирали наиболее важные исторические моменты в развитии военного искусства. Например, из учебника каждый читатель сможет узнать об истории появления огнестрельного оружия, основных критериях выбора направления главного удара, тактике окружения, колонной тактике, выделении резерва как средства достижения победы, о переходе к линейной тактике, применении рассыпного строя, развитии оперативного искусства.

Центральное место в данном учебнике занимают вопросы военной истории и развития военного искусства народов Узбекистана, в том числе сведения о выдающихся полководцах – Джалал ад-Дине Мангуберди, Амире Темуре, Захириддине Мухаммаде Бабуре – наших прадедах, боровшихся с иноземными захватчиками за создание централизованного государства.

Подполковник Д. РАМАТОВ, начальник Управления военного образования Министерства обороны:

– Значение данной книги неоценимо в деле подготовки слушателей Академии и курсантов военно-образовательных учреждений. Хочется поздравить авторский коллектив с проделанной работой, пожелать еще больших творческих успехов.

Не скрою, сегодня такие учебники очень нужны обучающимся в высших и военно-образовательных учреждениях. Потому проводится большая работа по их обеспечению специальной литературой, отвечающей современным требованиям подготовки военных кадров.

В. ТЕН, доктор исторических наук, профессор:

– Одним из авторов учебника был кандидат исторических наук, заслуженный деятель народного образования Республики Узбекистан доцент Черсик Демьянович Угай. Он не участвовал в презентации этого огромного труда, в успех которого вложил свои знания, опыт и талант. К сожалению, он ушел из жизни. Но память о себе оставил на многие десятилетия. Долгие годы он был преподавателем военной истории в Чирчикском высшем танковом командно-инженерном училище. Многие поколения учеников помнят его лекции и интересные рассказы о том, как развивалась военно-историческая наука. Вот и учебник «История войн и военного искусства» – его достойный вклад в дело подготовки высококвалифицированных военных кадров нашей республики.

Но главная оценка еще впереди. Ведь ее поставит читатель. Уверен, она будет самой высокой.

Соб. инф.

Ўқув-услубий йиғин

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида тиббиёт ходимларининг икки кунлик ўқув-услубий йиғини бўлиб ўтди. «Терапевтик касалликлар диагностикаси, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусида бўлиб ўтган мазкур тадбирда ҳарбий округ, гарнизон ва қисмларда хизмат қилаётган ҳарбий терапевт-шифокорлар иштирок этишди. Йиғиннинг илк куни госпиталнинг «Терапия» бўлимида бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Мудофаа вазирлиги Тиббиёт бошқармаси даволаш профилактика бўлими бошлиғи тиббий хизмат полковниги Абдураим Раҳимов сўзга чиқиб, «Мудофаа вазирлиги тиббиёт муассасаларида терапевтик касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш борасида қилинган ишлар таҳлили» мавзусида маъруза қилди. Маърузада 2007 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар, ҳарбий шифокорлар олдига қўйилган талаблар ва уларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга эканлиги, ҳарбий хизматчиларнинг соғлигини тиклаш ва назорат қилиш мамлакат мудофаа салоҳиятини янада юксалтиришга улкан ҳисса қўшиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Маърузадан сўнг эса 2006 йилда госпиталларда тиббий хизмат кўрсатишда эришилган ютуқ ва камчиликлар юзасидан йиллик ҳисобот эълон қилинди. Ҳисоботда келтирилишича, ўтган 2006 йилда барча гарнизонларда тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг 2004–2005 йилга нисбатан анча ўсиши кузатилган. Бу эса Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган ҳарбий соҳа вакилларининг саломатлигига эътибор йилдан-йилга яхшиланаётганидан далолат беради.

Сўнгра ҳарбий терапевт-шифокорлар тиббий хизмат полковниги В. Исанов, подполковниклар – Б. Муҳитдинов ва З.Қўзибоевларнинг «Юрак қон томир касалликлари ва уларнинг олдини олиш ҳамда даволаш чора-тадбирлари», «Юқори нафас йўллари касалликлари клиникаси ва диагностикаси», «Ошқозон-ичак касалликларининг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш» деб номланган маърузалари тингланди. Тадбирнинг иккинчи кунида суд тиббий-экспертиза хизмати ва ҳарбий тиббий комиссия ходимлари, рентгенолог, фтизиатр, эндоскопист, трансфузиологлар ҳам иштирок этишди. Унда асосан беморларни госпиталга олиб келиш ва жойлаштириш тартиби, касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш усуллари, зарур тиббий текширувни амалга оширишда бехато ҳаракатланиш, ушбу туркумдаги текширувларни ўтказишда замонавий имкониятлардан фойдаланиш каби муҳим масалалар юзасидан мутахассислар батафсил маълумот бердилар. Шу билан бирга тиббиётнинг соҳавий йўналишлари бўйича ишни ташкил этиш самарадорлигини ошириш борасида йўл-йўриқлар кўрсатилди ва барча ҳарбий округ, гарнизон ва қисмларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш усуллари ҳақида тушунтиришлар берилди. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир мавзудан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштирилган амалий машғулотлар ва маърузалардан кейинги савол-жавоблар йиғин қатнашчиларининг олган билимларини янада мустаҳкамлади.

– Ҳарбий хизматчилар ва аскарларнинг соғлиқларини сақлаш, улар орасида ҳар хил касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун тегишли режа асосида ҳар йили мана шундай йиғин ўтказиб келамиз. Бу йиғин замирида ҳарбий жамоаларда хизмат қилаётган шифокорларнинг касбий малакасини ошириш ва ҳарбийлар соҳа вакилларига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада юксалтиришдек устувор вазифа мужассам, – дейди тиббий хизмат полковниги Абдураим Раҳимов, – Шифокорлар учун бу йиғин ниҳоятда муҳим. Чунки тиббиёт ходимлари касбий фаолиятлари мобайнида ўзаро ҳамкорликда иш олиб борадилар. Демак, мазкур йиғиндаги фикр ва тажриба алмашинуви шифокорларнинг зарур билим ва кўникмага эга бўлиб, билим доираларининг ўсишига замин яратади. Ҳарбийларимиз саломатлигини асраш бизнинг қўшинлар жанговар шайлигига қўшган ҳиссамиз дейиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, бу йилги йиғинимиз биз кутганимиздан ҳам аъло даражада ўтди. Йиғин қатнашчиларининг мавзу бўйича етарлича билим ва кўникмага эга эканлиги айниқса аҳамиятлидир. Бу эса Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг соғлиқлари доимий назорат остида бўлишига хизмат қилади.

Дарвоқе, ҳарбий тиббиёт мутахассисларининг ўқув-услубий йиғинлари давом этади. Ушбу йиғинларда госпиталь бошлиқларининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари, жарроҳлар, инфексионистларнинг иштирок этиши ҳам режалаштирилган.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Марказий офицерлар саройида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли аъзолари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда майор Комолиддин Раҳматов ҳамда суҳандон, бадиий сўз устаси шартнома бўйича хизмат сержанти Баҳром Маҳмудовларнинг ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Юрт посбонларининг онла аъзолари, курсантлар ва аскарлар иштирок этган ушбу тадбир давомида қатнашчилар севимли санъаткорлари ҳаёти ва ижоди, оиласи, келгусидаги режалари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ҳарбий санъаткорлар репертуаридан ўрин олган энг сара номерлар ижроси, қўшиқ ва дилтортар куй-наволар, саҳна кўринишлари томошабинларга чексиз қувонч, ижодий учрашувга эса янада файз бағишлади. Тадбир сўнгида Марказий офицерлар саройи бошлиғи ўринбосари офицер Содиқжон Ортиқов узоқ йиллардан бери Ватан ҳимоячилари, халқимиз хизматида бўлиб келаётган ҳарбий санъаткорларга самимий, қизиқарли суҳбатлари, ижодий чиқишлари учун миннатдорчилик билдириб, уларга тантанали равишда Мудофаа вазирлигининг махсус диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Таъкидлаш жоизки, ҳафтанинг дам олиш кунлари ўтказилувчи юқоридаги сингари кўнгилочар тадбирлар томошабинларга жуда манзур бўлиб, уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари ва маънавий озуқа олишларига хизмат қилмоқда.

Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

«ВАТАННИНГ СОДИҚ ЎҒЛОНЛАРИ»

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Ана шундай тадбирлардан бири вилоят хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда амалга оширилди.

«Ватаннинг содиқ ўғлонлари» деб номланган мазкур тадбирда билим юрти бошлиғи полковник Д.Мамажонов, офицерлар Ш.Юсупов, А.Эргашев, вилоят хотин-қизлар кенгашидан Р.Ҳабибова, Г.Ибрагимова, «Соғлом авлод» жамғармасидан Г.Ҳусанновалар маъруза қилдилар.

Тадбирда У.Шодиев етакчилигидаги гарнизон офицерлар уйининг ҳаваскор хонандалари иштирок этиб, ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан кечага файз киритдилар. Курсантлар ва билим юрти жамоаси номидан ушбу қизиқарли кечани ташкил этишда фаол ҳамкорлик қилганликлари учун вилоят хотин-қизлар кенгашига миннатдорчилик билдирилди.

Акбар ДАМИНОВ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Используется самодельное химоружие

Грузовик, перевозящий хлор, взорвался в западной части Багдада, в результате чего три человека погибли и, по крайней мере, 25 получили ранения. Это была вторая подобная атака за два минувших дня, сообщил представитель МВД Ирака. Генерал Садун Абдул Карим заявил, что несколько человек, отравившихся парами хлора, были отправлены в больницы. Ранее в Багдаде был взорван такой же грузовик с хлором, что повлекло гибель 5 человек. Ранения получили 55.

Чавес обвиняет США

Президент Венесуэлы Уго Чавес обвинил США в попытках расколоть единство южноамериканских стран. «Путешественники с Севера потерпят провал в попытках разделить нас», – заявил он, касаясь предстоящей в марте поездки Джорджа Буша по ряду стран Латинской Америки. Чавес предложил президенту Аргентины приступить к созданию «Единого южноамериканского национального проекта».

Предупреждение о дополнительных санкциях

Истек срок, отведенный мировым сообществом Ирану для оценки того, насколько успешно тот в ответ на санкции ООН сворачивает свою подозрительную ядерную программу. Официально в Совбезе ООН все ждут доклада МАГАТЭ, но администрация Джорджа Буша заявила, что Иран не выполняет условия, выдвинутые членами Совета Безопасности, и предупреждает о возможности введения новых жестких санкций.

Шесть часов в открытом космосе

Экипаж 14-й длительной экспедиции на МКС проведет завершающий, пятый выход в открытый космос. Об этом сообщил официальный представитель подмосковного Центра управления полетами Валерий Лындин. Главная задача шестичасового выхода – освободить антенну грузового корабля «Прогресс М-58», которая не закрылась при стыковке корабля со станцией и зацепилась за поручень на внешней поверхности.

Еще одна потеря

Военное командование США заявило, что совершивший в Ираке в районе города Таджи вынужденную «жесткую посадку» военный вертолет UH-60 «Black Hawk» был сбит огнем с земли. Это уже 8-й вертолет американской армии, сбитый в Ираке с 20 января. В авиакрушениях погибли 28 гражданских и военных лиц.

Заявление об окончании перемирия

Представитель военизированного крыла «Хамаса» «Бригады Иззадин аль-Кассам» Абу Убейда заявил, что «перемирие с сионистским врагом, с нашей точки зрения, закончено». Это заявление было сделано в связи с ликвидацией «полевого командира» террористической организации «Исламский джихад» Махмуда Ибрагима Касама Абида Абу аль-Джахима, организовавшего теракт на тель-авивском центральном автовокзале, который был предотвращен израильскими спецслужбами, сообщает NEWSru Israel.

О бренде «iPhone»

В обмен на бренд «iPhone» компания «Apple» откроет «Cisco» свои фирменные секреты. Спор по поводу бренда улажен. «Apple» получила право называть свой мобильный телефон «iPhone». В обмен на это «Cisco» получит от «Apple» техническую информацию, необходимую для создания совместимых с продукцией «Apple» программ и оборудования.

Детям у компьютера опасно

Билл Гейтс запретил своим детям пользоваться компьютером без сильной надобности. Недавно на одном из деловых совещаний в Оттаве он рассказал, что его детям полагается не более 45 минут «экранного времени» в будни и час в выходные, правда, не считая того времени, которое им требуется на выполнение домашних заданий.

(www.NEWSru.com).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Ҳарбий оилаларда

ҚАНОАТ ҚАТИДА УНГАН БАХТ

Саҳархез қушларнинг вижир-вижири авжига чиққан бир паллада Ўлмасхон ҳовлини чиннидек супуриб даҳлизга кирди. Ётоқхона эшиги очиқ, демак, Парда ака уйғонибди. Ҳарбийларга хос одат бу. Сергаклик ва ҳушёрлик уларнинг фазилатига айланиши табиий. Бирпасдан сўнг оила бир дастурхон атрофида жамулжам бўлиб, нонуштага ўтиришди. Гарчи қишнинг қировли кунлари бўлса-да, атроф-жавонибда қор кўринмайди. Кеча Тошкентга хизмат сафари билан бориб келган қўшниси пойтахтда қор кўплигини айтганди. Жанубда эса қор кам, худди кеч куз ёки эрта баҳор ҳавосига монанд ажойиб иқлим.

Сурхондарёнинг Шеробод туманида вояга етган Ўлмасхоннинг асли касби ҳамширалик эди. Аммо ҳарбий йигит Парда Хўжамуродов билан турмуш қургач, тақдир йўриғига юриб, ҳарбий қисмларда хотин-қизлар кенгаши раисаси, кутубхоначи вазифаларида ҳам ишлашига тўғри келди. Унга қаерда, қандай вазифани бажаришга тўғри келмасин, барчасини сидқидилдан адо этишга интилди. Чунки ҳарбийнинг аёли қисматида оила мустаҳкамлиги учун курашмоқ бор экан, у ҳам тўрт нафар фарзанди бахт-саодати учун машаққатларни енгиб яшаши керак. Чинакам бахт калити сабр-тоқат ва қаноатда эканлигини Ўлмасхонга онаизори кўп маротаба уқтирган. Турмуш ўртоғи ҳам табиатан оғир-вазмин, мулоҳазали инсон. Етти ўлчаб бир кесадиган, ўта масъулиятли ва виждонли бўлгани учун хизматда ҳам, оилада ҳам барча муаммоларни бафуржа ҳал қилади. Унинг ўз касбига меҳру садоқатини ҳукуматимиз юксак қадрлади. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли қисмлардан бирида масъулиятли вазифада ишлаётган майор Парда Хўжамуродов сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, юртимиз осойишталигини кўз қорачиғидек асраётганлиги ва фидокорона хизматлари учун «Жасорат» медали билан тақдирланди.

– Фарзандларингизнинг ҳам ҳарбий бўлишларини истармидингиз? – сўрайман Парда ака билан Ўлмасхондан.

– Албатта. Лекин ўғилларимиз кўпроқ замонавий технологияларга қизиқишади. Қизалоғимиз ҳали ёш. Аксарият фарзандлар ота-оналарининг касб-корларини танлашади. Биз бундан ғурурланган бўлардик, албатта, – дейишди улар бараварига.

Ҳарбийнинг аёли бўлиш машаққатлигини кўп гапирамиз. Аслида ҳам шундай. Ана шу машаққатни сабр-қаноат билан енгиб келаётган танти ва мардона аёлларимиз қиёфасини Ўлмасхон сиймосида ҳам кўрдик. Ҳарбийнинг ҳаёти сабр-бардош, жасорат ва матонат эвазига қурилади. Унинг оиласига ҳам бу хислатлар эшдир. Сув келса симириб, тош келса кемириш, деган иборани уларга нисбатан ишлатиш мумкин.

– Ўлмасхон зиммасига қандай иш юклатилмасин, ҳамиша янгиликка интилувчан, тиришқоқ эканлигини кўрсатди. Парда ака эса хизматда пешқадам, сафдошларига намуна, – дейди офицер Баҳодир Азимов. – Хўжамуродовлар оиласи қисмимизнинг кўзгусига айланган. Навқирон умрини ҳарбийликка бахшида этиб келаётган бу инсонларни ҳақли равишда ўз касбининг фидойилари деб атасак янглишмаймиз.

Биз ҳам қаҳрамон танлашда адашмадик чоғи. Кундалик турмуш тарзини ўз ихтиёри билан турли ҳою ҳавасларга солишдан ўзини тийиб, уни қолипга солишга кўникқан, умрини, куч-қувватини Ватан ободлиги, юрт осойишталиги учун сарфлаб яшашни ҳаёт мазмуни деб билган Хўжамуродовлар оиласи бу шарафли йўлнинг паст-баландига, оғир-енгилига чидаб келишаётир. Суҳбат чоғида муҳими, Ватанга хизмат қилаётганликларидан мамнун эканликларини билдиришганида, юртимизнинг ана шундай мард ва танти, аҳил ва иноқ ҳарбий оилалари кўплигидан кўксимиз ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошди. Ҳа, қаноат қатида унган бахтнинг таъми бағоят тотлидир. Унинг қадри ҳам доим баланд бўлади.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА.

«Энг намунали оила» кўрик-танлови

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН

Яқинда Шарқий ҳарбий округда «Энг намунали оила» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган ва ғолиблар танловнинг навбатдаги босқичига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар.

– Бу танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, – дейди округ хотин-қизлар кенгаши раиси Одина Мухторова, – ҳарбий хизматчиларимизнинг оилаларини янада мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва тиббий маданиятларини ошириш, оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг кўнгилли маданий дам олишларини ташкиллаштириш, қолаверса, улар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантиришдан иборатдир.

Танлов Фарғона гарнизони офицерлар уйида кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда округ гарнизонларидан ғолибликни қўлга киритган ҳарбийларнинг оилалари иштирок этишиб бешта шарт бўйича баҳс олиб боришди.

Кўрик-танловда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашишди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими, Фарғона вилояти ҳокимлиги вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона шаҳар кенгаши мутасадди ходимлари, вилоят «Маҳалла» ва «Нуроний» хайрия жамғармаси фаоллари ҳамда вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ўзини, оиласини таништириш шартида иштирокчилар ўзларининг қандай танишганликларини, оилавий шароитлари ва фарзандлари тўғрисида батафсил маълумот беришди. Таништириш жараёнида лирик чекинишлардан ҳам фойдаланишиб, шартни чиройли ва мукаммал бажаришга ҳаракат қилишди.

Иккинчи шартда иштирокчилар турли мавзулар бўйича берилган саволларга жавоб беришиб, ўз ақлий салоҳиятларини намойиш қилишиб юқори баллни қўлга киритишди.

– Ушбу танловда қатнашишни хоҳлаган ҳарбий оилалар кўпчиликни ташкил қилди, – дейди ҳарбий қисм хотин-қизлар кенгаши раиси Омина Дўсматова. – Бу танловимиз охиргиси бўлиб қолмайди, албатта. Анъана тусига кириб бораётган танловимиз, ҳали кўп ҳарбий оилаларимизнинг чиройли ва ширин ҳаётларини намойиш этишларига имкон яратади, деган умиддамиз.

Учинчи «Гуллардан гулдаста ясаш» шартида ҳарбий хизматчиларнинг аёллари турли хил гуллардан фойдаланган ҳолда бир-биридан гўзал, нафис гулдасталар тайёрлашди. Ясаган гулдасталарига шеърлар орқали

таъриф беришиб, ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди.

Тўртинчи «Меҳмон кутиш» шартида иштирокчилар пазандачилик қобилиятларини кўрсатиб, тўрт кишига мўлжалланган дастурхонни ўз дидлари бўйича безашди ва ҳар бир қилинган ишга таъриф беришди. Сўнгги, бешинчи «Эркин мавзу» шартида ҳар бир оила ўзлари тайёрлаб келган саҳна кўринишини намойиш этди. Кимдир ҳаётда учраб турадиган турли хил иллатларни зўр маҳорат билан акс эттирган бўлса, яна кимдир ўз қобилиятини, иқтидорини амалда исботлади. Айниқса, Қуролли Кучлар хизматчиси, ҳарбий қисм тиббиёт бўлими ҳамшираси Ферузахон Исмоилованинг ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбийларнинг аёллари тимсолида айтган алласи йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Алла айтай жоним болам,
қулоқ солгин алла,
Отанг бўлди юртга қалқон,
ёдгор болам алла,
Юзларингга тушган намга,
ҳайрон бўлма алла,
Катта бўлиб юртингга сен,
посбон бўлгин алла.

Қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтган танловнинг якуний натижаларига кўра, офицер О.Нафитдиновнинг оиласи фахрли 1-ўринни эгаллаган бўлса, 2-ўринга офицер Толиб Мансуровнинг оиласи муносиб топилди. Кичик сержант Э.Эсоналиевнинг оиласига эса 3-ўрин насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга округ қўмондонлигининг Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Фарғона драма театри хонандаларининг дилрабо куй ва қўшиқлари тадбирга янада файз олиб кирди.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Суратда: Ф.ИСМОИЛОВА танлов жараёнида.
Оилавий фотоархивдан олинган.

ЕСТЬ ТАКОЙ ЦЕНТР

Рождение ребенка с задержкой психического развития в любой семье сопряжено с определенными трудностями – как материальными, так и психологическими. Именно об этих трудностях и рассказывают в своих письмах в редакцию родители таких детей. И просят совета, как их преодолеть.

Да, незнание родителями многих аспектов воспитания таких детей, их неподготовленность влекут за собой неграмотные действия, которые могут усугубить ситуацию и даже стать причиной распада семьи.

Чтобы такого не случилось, с семьями, где есть дети с нарушениями речи, слуха, зрения и интеллекта, работают специализированные центры. Один из них – Центр коррекционно-педагогической помощи детям с физическими и психическими нарушениями в развитии, созданный доктором педагогических наук, профессором, членом-корреспондентом Международной академии образования Лолой Муминовой при факультете дефектологии Ташкентского государственного педагогического университета.

– В цели и задачи Центра входят подготовка родителей, специалистов и общества к интеграции детей-инвалидов в среду здоровых сверстников. Для детей проводятся специальные консультации высококвалифицированными специалистами-дефектологами, психологами, психоневрологами, логопедами и сурдопедагогами. На сегодняшний день Центр является единственным в республике, который занимается обучением слепоглухонемых детей и детей с нарушениями речи, слуха, зрения, памяти, интеллекта, а также подготовкой этих детей к школе, обучением их грамоте. Сотрудниками Центра разрабатывается программно-методическое обеспечение обучения детей-инвалидов в экспериментальных детских садах и школах. Проводятся консультации с целью оказания квалифицированной научно-методической помощи, издается методическая литература для специалистов. В целях углубленного получения дополнительных знаний организуются семинары, «круглые столы», брифинги, в которых могут принять участие все желающие и заинтересованные лица. На подобных мероприятиях обсуждаются вопросы по проблемам дефектологии, проводятся ознакомительные беседы, дающие представление об опыте работы различных учебно-воспитательных учреждений для детей с нарушениями в развитии. Обратившись в Центр, можно получить любую интересную информацию, а также окунуться в атмосферу добродушия, сердечной теплоты и гостеприимства.

Основной метод воспитания детей с психическими нарушениями заключается в том, чтобы развить в них силу воли к преодолениям трудностей и преград, стоящих на пути к формированию здоровой личности. Ведь, согласитесь, стремление к совершенству возможно лишь через правильное осознание своих недостатков. Наивысшей ценностью в процессе формирования детей и подростков с особыми нуждами является неустанное желание борьбы за возможность проявления скрытых потенциалов, обретение силы своего «я», ибо один из главных принципов Центра гласит: «Каждому ребенку – своя программа».

В течение длительного времени мы тесно сотрудничали с зарубежными коллегами, изучая опыт центров по проведению обучения детей с нарушениями развития. И сравнивая свою работу с работой коллег, можно сказать, что у нас есть прекрасные талантливые преподаватели. И только благодаря их стремлениям и чаяниям дети с особыми нуждами получают необходимое им воспитание, образование, а их родители – понимание и поддержку.

Много было осуществлено различных проектов за годы существования Центра. Такой проект, как «Ранняя диагностика, изучение, преодоление и профилактика речевых дефектов у детей дошкольного и школьного возраста с нарушениями развития», включал в себя разработку программы комплексного логопедического изучения, обучение и коррекцию речевых дефектов у детей с нарушениями психофизического развития. В рамках проекта отделом дефектологии Центра был проведен семинар-тренинг, в котором приняли участие научные сотрудники. Результаты проведенного исследования используются в лекциях Педагогического университета, в Центре повышения квалификации и переподготовки руководителей дошкольных учреждений в виде консультаций, статей и методических пособий.

Записал Сергей БУДАЕВ.

Комолидин ТЎРАЕВ суратга олган.

● Барибир сутнинг мазаси бошқача...

Bolajonlar, sizlar uchun

SANOG‘IDAN ADASHMADI

Bir podshoh o‘ziga yangi qasr qurdirish uchun yer yuzidagi barcha ustalarni chaqirtiribdi. Saroy me‘mori ustalarga shunday debdi:

– Shunday qasr qurib beringki, shohimiz oy, yulduzlar bilan bemalol so‘zlashsinlar. Qasrning bir ming bir zinasi bo‘lsin. Zinapoyalari tilladan, ko‘shklari esa zumraddan bo‘lsin.

Ustalar bu muammoni hal qilish, oy, yulduzlarga yetadigan qasr qurish qiyin, degan xulosaga kelishibdi. Ustalardan biri saroy me‘moriga savol beribdi:

– Podshohi olamning xazinalarida qancha oltin-u, qancha zumrad bor? Axir ming bir zinapoyaga yetadigan oltin tog‘ bilan teng bo‘ladi. Zumrad esa tabiatdagi barglardan ham serob bo‘lishi kerak, – debdi.

Shunda me‘mor podshohning oldiga borib, ustaning gaplarini aytibdi. Podshoh o‘ylanib qolibdi va:

– Aqlli usta ekan. Men xazinadagi boyligimni ko‘rsataman, u chamalab ko‘rsin. Bir ming bir zinali qasrga yetadimi, yo‘qmi, hisoblasin, – debdi.

Usta xazinadagi boyliklarni hisoblab chiqibdi.

Dono podshoh o‘z oltin va zumrad toshlarini bir ming bir zinali qasrga yetishini avvaldan bilgan ekan. Ustaning hisobi ham to‘g‘ri chiqibdi.

– Balli, ishbilarmon usta ekan, sanog‘idan adashmabdi, – debdi podshoh vaziriga.

ОШҚОВОҚЛИ ДЎЛМА

Ошқовоқни олиб, банди томонидан 2-3 см қалинликда «қопқоқ» очасиз. Уруғини қошиқсимон қирғич ёрдамида олиб ташлайсиз. Ҳосил қилинган, «ошқовоқ мунди»га қийма тўлдирасиз.

Қийманинг тайёрланиши:

Гўштни қиймалагичдан ўтказиб, унга майда тўғралган пиёз, гуруч, туз ва мурч сепиб аралаштирасиз. Гуруч яхши пишиши учун қиймага озроқ сув қуясиз. Агар гўшт ёғсизроқ бўлса, қиймага бироз сариёғ қўшишингиз мумкин. Ошқовоқнинг ичини қиймага тўлдиргач, «қопқоғи»ни ёпасиз. Ошқовоқ дўлмани ликопчага солиб, қизитилган газ печининг патнисига қўясиз ва ўртача оловда 1,5–2 соат давомида пиширасиз. Буғ ҳосил қилиш учун вақти-вақти билан газ печи патнисига сув қуйиб туринг. Пишганлиги ошқовоқнинг юмшаганлиги билан аниқланади. Тайёр таомни катта лаганга солиб дастурхонга тортилади ва ейиш олдидан бўлакларга бўлинади.

Масаллиқ:

1 дона ўртача катталикдаги ошқовоқ, 500 г гўшт, 1 стакан гуруч, 100 г сариёғ, 3–4 бош пиёз, таъбга кўра туз ва мурч солинади.



МАЙДАЛАНГАН ҚАҲВА

Ўзининг хушбўй ҳидини ва сифатини йўқотмаслиги учун бурама қопқоқли идишга солиб, музлаткичнинг музхонасида сақлаш керак.

ЙОДЛАНГАН ТУЗНИНГ...

Сақланиш муддати нисбатан кам, бор-йўғи олти ой бўлади. Бу вақт ичида туз таркибидаги йод ионларининг каттагина қисми учиб кетади. Унинг сифатини билишнинг оддий усули бор: тузни ҳидлаб кўринг, агар йод ҳидини сезсангиз, сотиб олаверинг. Уйда эса уни қопқоғи зичлаб ёпиладиган идишга солиб қўйиш керак. Шунда у узоқ вақтгача сифатини йўқотмайди.

ЧАРМ ҚЎЛҚОПНИНГ...

Бармоқларидаги сўкилиб кетган чокларни тикиш учун керги (қолип) ўрнида санчқи ёки ошхона пичоғининг сопидан фойдаланиш мумкин. Шунда чоклар силлиқ ва текис чиқади.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Гул чеҳрали бу қизимизнинг исми айнан Гулчеҳра. Яъни исми жисмига монанд. Гулчеҳра Абдулқосимова ҳозирда Тошкент тиббиёт академиясининг IV-босқич талабаси. У дастлаб тиббиёт коллежини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Бундан кўриниб турибдики, иқтидорли қаҳрамонимизнинг ҳаётдаги шиори «Эл назаридаги шифокор» бўлиш.

Хўш, гўзал қизимиз бўш вақтини қандай ўтказади? Аввало талабаларда бўш вақтнинг ўзини топиш қийин. Шундай бўлсада, ижлаган имкон топар деганларидек Гулчеҳранинг тарихий адабиётларга қизиқишидан воқиф бўлдик. У имкон топилди дегунча кутубхонада шуғулланишни хуш кўради. Шунингдек, миллий рақс ижро этиш жону дили.

Рус ва немис тилларини мукаммал эгаллаган бўлажак шифокорнинг улкан мақсади эса ривожланган мамлакатлар тиббиёти билан яқиндан танишиш, мустақил юртимизнинг тиббиёт фани ривожига муносиб ҳисса қўшиш.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор. Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз). Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

БУХАРСКАЯ ЭКСПОЗИЦИЯ В ЛЕЙПЦИГЕ

В Лейпцигском этнографическом музее Германии открылась экспозиция произведений бухарского народно-прикладного искусства.

Бухарские ремесленники участвовали со своими изделиями в ряде международных выставок, проведенных в Германии. Они вызвали интерес у специалистов Лейпцигского этнографического музея. По их предложению с помощью Посольства нашей страны в Берлине и была устроена новая экспозиция.

Среди ее экспонатов находятся оригинальная керамическая посуда, изготовленная Алишером и Абдуллой Нарзуллаевыми, изумительные сувениры, расписанные Салимом Хусеновым, халаты, тюбетейки и обувь, сшитые продолжателями древней бухарской школы золотошвейного искусства Бахшуллой Джумаевым и Робией Юнусовой, сюзане, выполненные искусной вышивальщицей Зухрой Облоберdыевой.

Э.ЯДГАРОВ, (УзА).

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Юртимиз сарҳадларини мардона қўриқлаётган посбонларимиз, уларнинг машаққатли хизматлари шоирларга доим илҳом бағишлаши айни ҳақиқат. Шоир Усмон Бек ҳам «Ватанпарвар» шеъри орқали ёшларнинг, ҳарбийларнинг мустақил юртимиз, халқимиз тақдири, келажаги учун масъул эканликларини юракка яқин оҳангларда баён этишга интилади.

ВАТАНПАРВАР

Ғанимлар кўп эркимизни кўролмайди,
Бири қўрқитмоқчи бўлар, бири аврар.
Ўзлари-чи, ҳур жамият қуролмайди,
Озод юртни озод сақла, ватанпарвар.

Зиммангдадир юрт тинчлиги, эл тинчлиги,
Элдан ола чиққани энг қўрқинчлиги,
Бузилмаса бас, сен турган саф тинчлиги,
Тафаккуринг тиғда чархла, ватанпарвар.

Ёшлар онги ёзилмаган қоғоздек оқ,
Улар ҳар бир ишорангга турар муштоқ,
Отилажак сен агарда очсанг қучоқ,
Сен уларни қуч, қучоқла, ватанпарвар.

Ватан нима, бобонг қонлар ютган замин,
Байроғини боланг баланд тутган замин,
Шу тупроққа ҳамоҳангдир сенинг номинг,
Ушбу номни доим оқла, ватанпарвар!

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

ЗАКАЛЯЯ ДУХ И ТЕЛО

Предмет физической подготовки во всех сержантских школах является одним из профилирующих. Многие курсанты не только активно занимаются спортом в учебном заведении, но и успешно участвуют в состязаниях на первенство округа, в масштабе Вооруженных Сил.

Недавние контрольно-проверочные занятия красноречиво подтвердили возросший уровень физической готовности личного состава. Так, курсант Бахтиер Ортиков уверенно подтянулся 20 раз на перекладине, а курсант Ортикали Кадыров оказался быстрее всех на стометровке. Преподаватель цикла физической подготовки и спорта Низом Исматуллаев на занятии во взводе пограничников старшего лейтенанта Фахриддина Ойназарова обратил внимание на то, что будущие профессионалы довольно приличноосвоили методику обучения личного состава.

А за день до этого весь личный состав школы вышел на дистанцию марш-броска на 5 километров. Самым быстрым и выносливым оказался курсант Акмаль Мухаммадиев. Среди участников кросса на 3 километра наилучших результатов добились курсанты Муродали Кельдиев, Содикжон Олпайзиев и Мухаммад Джураев.

– Недавно в нашем округе прошло первенство по гиревому спорту, – рассказывает начальник цикла физической подготовки и спорта ШПС майор Одилжон Абдуллаев. – Участвовавший в нем курсант Шухрат Нурматов стал чемпионом округа в весовой категории до 80 килограммов. Он выполнил толчок двумя руками 30 раз, а в рывке показал еще лучший результат, вырвав снаряд 56 раз!

Отлично выступил и рядовой Фаррух Эшматов, призванный прошлой весной из Каракалпакстана и проходящий срочную службу в подразделении обеспечения учебного процесса. Воин занял второе место в весовой категории до 90 килограммов.

Активно участвовал личный состав и в прошедшем недавно первенстве школы по легкой атлетике, где военные спортсмены состязались в беге на 800 и 1500 метров. На первой дистанции победу праздновал рядовой Равшан Розиков, а на другой – победил курсант Нодир Ходжиев. Широко практикуя проведение спортивно-массовых мероприятий в выходные и праздничные дни, командование учебного заведения способствует не только росту физической закалки воинов, но и большему сплочению коллектива во время спортивных состязаний.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Армия спорти

БАРКАМОЛЛИККА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Ҳарбийларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш, ёшларимиз орасидан кўплаб спорт усталарини, янги-янги чемпионларни кашф этиб, уларни спортдаги ютуқлари билан Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга руҳлантириш устувор вазифалардан бири эканлигини яхши биламиз. Негаки, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги уларнинг жанговар тайёргарлигидаги муҳим бўғин ҳисобланади. Фақат яхши машқ қилган, ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган посбон барча қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиши, қўйилган вазифани ишончли ва сифатли бажариши, жанговар тайёргарликларда ютуқларга эришиши мумкин. Бугунги замонавий армиянинг асосий талабларидан бири ҳам шу.

Маълумки, бу устувор мақсаднинг ҳаётга татбиқ этилишида, Ватан ҳимоячиларининг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиши йўлида Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби томонидан кўплаб муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ҳарбий хизматчилар жисмоний тайёргарлиги даражасининг ҳар томонлама ошишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яхши биламиз, Тўмарису Барчинойлар издошлари бўлган лобар, гўзал қизларимиз, аёлларимиз ҳам эгнига ҳарбий либос кийишиб, юрт ҳимояси йўлида жавлон уришмоқда. Ўз-ўзидан савол туғилади. Хўш, ҳарбий хизматчи аёлларимизнинг жисмоний тайёргарлиги қай аҳволда, деган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирининг ҳарбий хизматчи аёлларнинг жисмоний тайёргарликларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги буйруғи мазкур йўналишдаги ишларни янада шакллантириш, жонлантиришга хизмат қилмоқда. Буйруқ моҳиятига назар ташлаб, аввало шуни англаш мумкин. Ҳарбий либосли қиз, аёл она ёки бўлғуси онадир. Демак, она соғлом бўлса, бола соғлом бўлади, миллат баркамол бўлади. Соғлом турмуш тарзи шаклланади. Қолаверса, мазкур буйруқ жойларда аёл ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарликларига бўлган эътиборни тубдан ўзгартириб, командир ва бошлиқларнинг уларни оммавий спорт тадбирларига, мусобақаларга жалб этиш йўналишидаги ишларини янада жонлантиришга хизмат қилади.

Азал-азалдан халқимиз аёлнинг, онанинг соғлом, баркамол бўлишига эътибор қаратиб келади. Ҳатто айрим анъаналаримизда, халқ ўйинларимизда қизларни, аёлларни жисмоний тайёргарликка жалб этиш кўзда тутилганини яхши биламиз. Бугун бундайин анъаналар миллий армиямизда ҳам ўзига хос шакллантирилаётгани қувонарли ҳол.

Спорт кишининг нафақат соғлом, балки янада кўркам, чиройли бўлишига хизмат қилади. Демак, аёл ҳарбий хизматчиларимиз спорт билан мунтазам шуғулланишар экан, аввало саломатликлари мустаҳкамланади, янада кўркам, чиройли бўлишади. Жисмонан шаклланишар экан, демакки жанговар тайёргарликлар даражаси ҳам ортади. Буларнинг бари ҳарбий хизматга бўлган муҳаббатни, ҳурматни янада шакллантиради.

Тилга олинаётган буйруқнинг яна бир муҳим томони шундаки, у асосида аёл ҳарбий хизматчиларнинг спорт билан, жисмоний тайёргарлик машғулотлари билан мунтазам шуғулланишлари, оммавий спорт тадбирларига қатнашишлари таъмин этилади. Аниқроғи кун тартибида белгиланган жисмоний тайёргарликларга боришади, тегишли равишда нормативлар топширишади.

Яқинда Мудофаа вазирлиги қўшинларида мазкур буйруқ асосида аёл ҳарбий хизматчиларимиз жисмоний тайёргарлик бўйича назорат-синов машғулотларини ўтказишди. Унда асосан учта машқ – 100 метрга югуриш, куч ёрдамида комплекс машқлар бажариш, 1000 метрга югуриш бўйича аёл ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмоний тайёргарликлари синовдан ўтди.

– Ёши тоифаси бўйича учинчи гуруҳда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Татьяна Хайрулина энг яхши кўрсаткичга эришди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу ҳарбий хизматчимиз спортдаги ютуқлари учун Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг эсдалик нишони билан ҳам тақдирланган. Шунингдек, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Татьяна Горошенко, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Зебинисо Қобуловалар машқларда юксак натижаларга эришиб, жисмоний тайёргарликлари, демакки, жанговар шайликлари юқори эканлигини исботлашди, – дейди биз билан суҳбатда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси ўқитувчиси майор Жаҳонгир Шокиров.

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округда шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари – Камола Бойматова, Нуржон Сатторовалар машқларда юқори натижаларга эришиб, том маънода ҳарбий либос маликалари эканликларини исботлашди.

Мудофаа вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, машқлар якуни бўйича шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Х.Муқимова, Д.Исомиддинова, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари – И.Тиллаева, Ю.Громоваялар энг яхши натижаларни қўлга киритишган.

Ишончимиз комилки, амалга оширилаётган бу муҳим ишлар аёл ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмонан тобланишларига, демакки, янада баркамол бўлишларига хизмат қилади.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

Футбол

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) маълум қилганидек, жорий йилги Осиё мамлакатлари чемпионлари лигаси мусобақалари 7 март куни бошланади. Ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини Тошкентнинг «Пахтакор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ҳимоя қилишади.

МУСОБАҚАДАН ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

Куни кеча ОФК қароргоҳидан олинган маълумотга кўра, «Пахтакор» билан бир гуруҳдан жой олган Эрон чемпиони «Истиқлол» жамоаси ушбу мусобақадан четлаштирилган. Бунга сабаб, жамоа раҳбарияти Чемпионлар лигасида иштирок этадиган ўйинчилар рўйхатини ОФК томонидан белгиланган сўнгги муддат – 11 февралгача мусобақа ташкилий қўмитасига юбормаган. Натижада «Истиқлол» турнирда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Энди пахтакорчиларга икки жамоа – Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» ва Қувайтнинг «СК-Қувайт» клублари рақиб бўлишади.

МУДДАТЛАР АНИҚЛАНДИ

Газетамизнинг аввалги сонида хабар берганимиздек, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчилари 2008 йилда Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш учун бошланган саралаш учрашувларининг биринчи босқичида муваффақиятга эришиб, навбатдаги босқичга йўл олишган эди. «F» гуруҳидан ўрин олган вакилларимиз Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ва Яман терма жамоаларига қарши баҳс олиб боришади. Вакилларимиз иштирок этадиган гуруҳ учрашувлари тақвими қуйидагича:

1 – тур, 28 февраль
Ўзбекистон – БАА, Ж.Корея – Яман

2 – тур, 14 март
Яман – Ўзбекистон, БАА – Ж.Корея

3 – тур, 28 март
Ж.Корея – Ўзбекистон, Яман – БАА

4 – тур, 18 апрель
Ўзбекистон – Ж.Корея, БАА – Яман

5 – тур, 16 май
БАА – Ўзбекистон, Яман – Ж.Корея

6 – тур, 6 июнь
Ўзбекистон – Яман, Ж.Корея – БАА

Иккинчи босқичнинг қолган беш гуруҳида эса қуйидаги олимпия терма жамоалари ўзаро куч синашадилар:

«А» гуруҳи: Баҳрайн, Қувайт, Қатар, Покистон.

«В» гуруҳи: Япония, Малайзия, Сурия, Сянган.

«С» гуруҳи: Уммон, Ливан, Вьетнам, Индонезия.

«Д» гуруҳи: Эрон, Саудия Арабистони, Иордания, Австралия.

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўринни эгаллаган терма жамоалар саралаш учрашувларининг ҳал қилувчи учинчи босқичига йўлланма олади.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Теннис

ҲОЗИРЧА – УЧИНЧИ КЎРСАТКИЧ

Халқаро теннис федерацияси (ITF) «Дэвис кубоги» мусобақасининг биринчи босқич натижаларини инобатга олган ҳолда дунё мамлакатлари терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мазкур нуфузли мусобақанинг дастлабки учрашувини Наманган шаҳрида ўтказиб, Ҳиндистон теннисчилари устидан 4:1 ҳисобида зафар қучган эди. Ушбу ғалаба умумий рейтингда терма жамоамизнинг 31-поғонани эгаллашини таъминлади.

Бу – теннисчиларимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида жаҳон рейтингида пешқадамлик қилаётган Россия ва 9-поғонада қайд этилган Беларусь терма жамоаларидан сўнг учинчи кўрсаткичдир.

Плавание

ГОТОВЯТСЯ К ПЕРВЕНСТВУ МИРА

В плавательном бассейне столичного спортивного комплекса «Узбекистан» завершилось первенство страны по плаванию среди юношей и девушек. В этих соревнованиях приняли участие спортсмены из всех областей и города Ташкента.

Эти состязания показали отличную подготовленность андижанцев, которые и завоевали большинство наград. А Мафтуна Тухтасинова из Андижанской области завоевала три «золота» на различных дистанциях.

Также лучшими были признаны Рано Аманова (Андижан), Анна Фомина, Ирина Шлемова (Навои) и Елена Лисицкая (Ташкент).

Среди юношей на первую ступень пьедестала почета поднялись Дмитрий Логинов, Адонис Ганиев, Сергей Паньков (Ташкент), Сабит Даминов, Шохрух Юнусов (Андижан), Ибрагим Назаров, Петр Ромашкин (Навои).

В эти дни узбекистанские спортсмены готовятся к первенству мира, которое состоится в марте в австралийском городе Мельбурне.

Вольная борьба

НА ПЬЕДЕСТАЛЕ – ЛУЧШИЕ

На первенстве Узбекистана по вольной борьбе, которое проходило в Республиканском колледже олимпийского резерва, за главные награды «спорили» атлеты в восьми весовых категориях из всех регионов страны и Республики Каракалпакстан.

В результате упорных и захватывающих поединков были выявлены победители. Ими в своих весовых категориях стали Азиз Хикматов, Артем Присяжнюк, Азим Раимжанов, Дилшод Базарбаев (Ташкентская область), Бахтиер Мирзаев (Андижан), Ихтиер Наврузов (Бухара), Шермухаммад Ходжаниязов и Рашид Утамбетов – оба из Каракалпакстана.

Теперь нашим борцам-«вольникам», ставшим победителями и призерами, предстоит серьезная подготовка к первенству мира.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

Кўнгилга ташриф

ХАЛҚҚА МУНОСИБ ҚЎШИҚЧИ БЎЛИШ ОРЗУИМ

Инсоннинг бирор соҳани танлашида атрофдаги муҳит катта роль ўйнайди. Айниқса, оилада бунинг ўрни янада салмоқли. Сайфиддин ака Одилов ҳамда унинг рафиқаси Гулчеҳра опалар санъаткор, тўғрироғи мусиқашунос бўлганлиги боис, бу ўз-ўзидан уларнинг фарзандларига ҳам таъсирини ўтказмай қўймади. Бу дастлаб, оиланинг тўнғич фарзанди Сарварада намоён бўлди. Иқтидори бўлсада хонанда бўлишни ўйлаб ҳам кўрмаган Сарвара аввало тикувчи, сўнгра эса ҳамшира бўлишни истади. Лекин ота-онасининг тарбияси уни санъат олами сари етаклади. Ҳа, оила бошлиқлари янглишмаганди. Улар қизини санъатга қизиқтириб тўғри қарор қабул қилишганди. Кўп ўтмай Сарвара гўзал бир хониш билан янги-янги қўшиқлар куйлай бошлади. Уларнинг оиласи Андижондан пойтахтга кўчиб келгач, Сарвара янги-янги имкониятлардан янада илҳомланиб, санъатга бўлган иштиёқи ортиб борарди. У биринчи қўшиғини яратиб, мухлисларга ҳавола қилиши билан «Олмача» ёшлар ўртасида оммалашиб кетди. «Муҳаббат сен чиройлисан» композициясини яратгач, хонанда энди мухлислар олдида ҳақиқий Сарварага айланди.

Янги-янги қўшиқчилар пайдо бўлаётган бир паллада кўпчиликка танилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун санъаткордан ниҳоятда катта куч талаб қилинади. Ўз кучига ишониб, истеъдодини кўрсата олган Сарвара эса илк қўшиғи билан мухлислар назарига тушди.

– Қўшиқларингиз анча таъсирчан. Янги қўшиқ яратишингизда сизга ғояни ким тавсия қилади?

– Тўғрисини айтсам, ғояни инсонларнинг ўзидан оламан. Гоҳида воқеалар тафсилотини, ҳатто қўшиқ матнигача мухлисларимнинг ўзлари ёзиб юборишади. Булардан эса имкон қадар унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Аслида ижодимда оддий ҳаётий воқеаларни акс эттириш менга ёқади. Шу боис қўшиқларимда оддий инсонлар дардини куйлашга ҳаракат қиламан.

– Демак, ашаддий мухлисларингиз кўп экан-да?

– Ҳа, шундай десак ҳам бўлади. Гоҳида улар мени хурсанд қилиб ҳам туришади. Бир марта янги йил арафасида Сурхондарёга гастроль сафарига борганимизда қашқадарёлик бир мухлис уйига таклиф қилди. Йўлда машинамизнинг ҳужжатларини ДАН ходимларига олдириб қўйиб, меҳмондорчиликка анча кеч бордик. Ҳаммаёқ оппоқ қор, ҳаво совуқ. Баҳром деган мухлисим ҳовлисида катта зиёфат уюштириб, бизни кўчада роса кутибди. Бир пайт унинг ҳовлисига келганимизда шунақанги катта қорбобога кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, Баҳром ака мени хурсанд қилиш учун атайин баҳайбат қорбобо ясаттирган экан.

– Сарвара турмушга чиқди, деб эшитдик...

–Бу ҳам санъаткорлар ҳақидаги оддий миш-миш хабар бўлса керак.

– Миш-мишларга муносабатингиз салбий шекилли?

– Тўғри, бизда журналистлар миш-мишлар орқали санъаткорлар орасига совуқчилик солишади. Менга умуман бунақа нарсалар ёқмайди. Имкон қадар турли хил миш-мишлардан ўзимни олиб қочишга ҳаракат қиламан.

– Қўшиқчининг янада танилишида рекламанинг ўрни қай даражада деб ўйлайсиз?

– Аслида яхши қўшиққа рекламанинг ҳожати йўқ, деб айтамиз. Лекин айни дамда биз ўсиб келаётган ёш хонанда сифатида рекламага муҳтожмиз. Менимча, хонанда халқ юрагидан жой олгандан сўнг ижодини реклама қилмаса ҳам бўлади.

– Ижодингизда ҳаётингиз билан боғлиқ воқеалар ҳам акс эттирилганми?

– Мен ҳозирга қадар ҳаётим билан боғлиқ бирон воқеани куйга солмаганман. Масалан «Айб мендами, айб сендами?», «Излаб қоласан» каби қатор қўшиқларимни олсам, буларнинг барчаси ҳаётда кўрган, эшитган воқеаларим асосида яратилган.

– Қандай санъаткор бўлишни истайсиз?

– Менинг назаримда айни дамда ўзбек қўшиқчилигида икки хил санъаткорлар гуруҳи мавжуд. Биринчи тоифа қўшиқчилари таниқли бўлади. Чунки, улар ҳар куни реклама қилиниб, кўпчиликка ёд бўлиб кетишган. Иккинчи тоифа қўшиқчилар эса севимли бўлишади. Уларнинг қўшиқларини мухлислар соғиниб, севиб тинглашади. Кейинги пайтда мухлис сифатида ўзбек қўшиқчилигини кузатадиган бўлсам, баъзи бир ёш санъаткорларни реклама қилишганда «Мега юлдуз» деб аташади. Тўғри, бундай жимжимадор рекламаларга гап йўқ. Лекин ўша «Мега юлдуз»нинг бирорта қўшиғини айтиб беринг дейишса, унинг қўшиқларини ҳатто эслолмайман. Менга эса унақа алфоздаги таниқлилик керакмас. Мен халқнинг кўнглидан жой оладиган севимли қўшиқчи бўлишни истайман.

– Баҳор келиши билан санъаткорлар гўёки пойга ўйнашаётгандек, муҳташам концерт залларида ўз дастурларини тақдим қилишга ошиқишади. Негадир бу «пойга»да сизнинг ҳаракатингиз сезилмаяпти...

– Менга баҳор эмас, куз фасли кўпроқ ёққани учун ушбу фаслда концерт беришни истардим. Шу боис ўтган йилнинг 17-18 ноябрь кунлари йиллик яккахон концерт дастуримни мухлисларга ҳавола қилдим.

– Ўзбек эстрадасида кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

– Санъаткорлардан менга ҳеч ким устозлик қилмаган. Лекин Санъат институтида ўқиб юрган кезларим устозларим анъанавий ижрочилик ва вокал йўналиши бўйича Шерзод Пирматов, мақом йўналишида эса Орифхон Ҳотамовлар ниҳоятда катта ёрдам беришган.

– 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни ҳам яқинлашиб қолди. Сизнингча, бу байрамда аёллар учун энг яхши совға нима бўлиши мумкин?

– Менимча, совғанинг қанақалиги эмас, унинг ким томонидан берилгани муҳим. Ўзингиз ёқтирган одамнинг сизга озгина қилган эътибори ҳам кўнглингизни тоғдек кўтаради.

– Ҳаётдаги омадли кунингиз?

– Талаба бўлган куним.

– Камчилигингиз...

– Бироз дангасалигим бўлса керак.

– Кинода омадингизни синаб кўрмайсизми?

– Бу борада менга жуда кўп таклифлар бўлган. Мусиқали драма ва актёрлик факультетини тугаллаган бўлсамда, ҳали бунга вақт бор деб ўйлайман. Балки, кейинчалик жиддий фильмларга таклиф бўлса, ўйлаб кўрарман.

– Айни пайтда баъзи хонандалар ўзларини реклама қилишининг янги усулини ўйлаб топишган. Масалан, турли хил кўнгилочар кўрсатувлар бошловчилиги дейсизми. Хуллас шунга ўхшаш нарсалар...

– Халқимизда чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган ажойиб нақл бор. Тўғриси телевидениеда кўнгилочар кўрсатувга бошчилик қилишим учун ҳам таклиф бўлди. Эплолмасам керак, дея бу таклифни ҳам рад қилганман.

– Ҳарбийларга тилакларингиз?

– Бизнинг тинч ва осуда ҳаёт кечиришимиз учун кеча-ю кундуз тиним билмай, ҳушёрликни қўлдан бой бермай келаётган юртимиз посбонларини ҳурмат қиламан. Бизнинг бахтимизга улар доимо соғ-омон бўлиб, хонадонларидан хурсандчилик аримасин.

Комилжон ҲАСАНОВ суҳбатлашди.

Киноанжуман

МИЛЛИЙ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги Қашқадарё ҳудудий бўлими ва жамоатчилик вакиллари ҳамкорликда округ ҳарбий қисм ва муассасаларида «Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда ўзбек миллий киносининг роли» мавзуида маърифий тадбир ўтказдилар. Тадбир давомида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги кинематографчилари томонидан суратга олинган «Давр солномаси», «Асрлар гувоҳи», «Фарзандлари фидойи Ватан», «Буюк Темур васиятлари» ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 15 йиллигига бағишланган фильмлар намойиш этилди. Шундан сўнг офицерлар, сержантлар, курсант ва аскарларнинг киноасарлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

– Менга фильмлар жуда маъқул бўлди. Айниқса командирлар образлари актёрлар томонидан маҳорат билан ўйналган, – дейди курсант Иқбол Темиров. – Аммо, фильмларда ҳарбий терминлар ва қуролларни ишлатишда баъзи нуқсонларга йўл қўйилганини ҳам айтиб ўтиш керак.

– «Фарзандлари фидойи Ватан» ҳужжатли фильмини томоша қилиб, биз Ватани ва халқининг тинчлиги йўлида ўз жонини ҳам аямайдиган фидойи инсонлар орамизда кўплигига яна бир бор амин бўлдик, – дейди оддий аскар Ш.Аминов.

Анжуманда ўз хизматини муносиб ўтаётган, ўқув-тарбия жараёнида фаол иштирок этаётган, касбий маҳоратини шакллантириб юқори натижаларга эришаётган ҳарбий хизматчилар жамоатчилик вакиллари томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ташкилотчилар келгусида бундай ҳамкорликдаги тадбирларни яна давом эттириб, ҳарбий қисмларда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан суратга олинган ҳужжатли, илмий-оммабоп ва бадиий фильмлар фильмотекаси ташкил қилишга келишиб олишди.

Майор Ҳ.УСКАНОВ,
Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи Офицерлар уйи бошлиғи.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

Машҳур саркардалар ҳаётидан

КАРФАГЕНЛИК ШУНҚОР

Ёшлигидан жангларда чиниққан, қўмондон ва давлат арбоби Гамилькар Барканинг кенжа ўғли Ганнибал римликларга қарши мустақил кураша олишини эрта исботлади. У 22 ёшида Испанияда карфагенликларнинг отлиқ қўшинларига қўмондонлик қилди. Римликлар унинг тимсолида хавфли рақибни кўрдилар. Тез орада Ганнибал Карфагеннинг Пириней ярим оролидаги барча қўшинларига қўмондонлик қила бошлади.

Милоддан аввалги 218–201 йилларда бўлиб ўтган иккинчи Пуник урушига тайёргарлик ва уни олиб бориш даврида унинг сиёсат ва ҳарбий қўмондонлик соҳаларидаги маҳорати яққол намоён бўлди. Яъни Ганнибал Рим-Карфаген битимини бузган ҳолда, бутун Пириней ярим оролини у ернинг бой кумуш конлари ва ҳосилдор ерлари билан бирга эгаллаб олди. Рим қўшинларини ярим оролдан сиқиб чиқарди.

Карфаген армиясининг қўмондони бўлганидан сўнг, Ганнибал урушга тайёрлана бошлади. Испания жанубида ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш учун база яратилди, Римга қарши бўлган қабилаларнинг иттифоқи тузилди, душман орти чуқур разведка қилинди, Карфаген қўшинининг юриш йўллари ўрганилди, йўл бошловчилар ёлланди.

Нодир ақл ва ихтирочилик қобилиятига эга бўлган Ганнибал мақсадга эришиш учун рақиб учун кутилмаган, ўзига хос чораларни кўрар эди. Иккинчи Пуник урушини бошлаш учун у ўша вақтдаги ташқи сиёсий вазиятдан фойдалана олди. 219 йилда Рим армиясининг бир қисми Иллирия ҳудудидаги урушда банд эди, Падус дарёси водийсида эса маҳаллий қабилаларнинг Римга қарши иттифоқи шаклланаётганди. Римда карфагенликларнинг жуда кўп хуфия (шпион)лари бўлиб, улар Ганнибалга рақиб тўғрисидаги маълумотларни етказиб турардилар.

218 йилнинг сентябрида 60 минглик қўшинга ва 40 та жанговар филларга бошчилик қилган Ганнибал ўзининг Испаниядан Италияга бўлган машҳур юришини амалга оширди (римликлар бундай «техникага» эга эмасдилар ва уларнинг кўпчилиги жанговар филларни умуман кўрмаган эди). Карфаген армияси мисли кўрилмаган ишни бажарди: 15 кун ичида қорли Альп тоғларидан ошиб ўтиб, По дарёси водийсига тушди ва кутилмаганда Шимолий Италия текисликларида пайдо бўлди. Бундан ташқари, юриш давомида, Ганнибал маҳаллий галларни ўзининг иттифоқчиларига айлантирди.

Яхши тайёргарлик кўрган ва интизомли Карфаген армияси римликлар устидан бир неча бор ғалаба қилди. Ана шундай жангларнинг бирида римликлар мустаҳкам лагерга ўрнашиб олиб, очиқ майдонга чиқмадилар. Ганнибал ҳарбий ҳийла ишлатди: катта бўлмаган отлиқлар қўшини дарёдан ўтиб, чалғитувчи ҳужум уюштирдилар ва чекиниш орқали римликларнинг отлиқ армиясини лагердан чиқардилар. Енгил ғалабадан руҳланган римликлар отлиқлар ортидан пиёдаларни ҳам лагердан чиқариб ҳужумга ўтдилар. Дарёдан кечиб ўтишда чарчаб, совуқ қотган римликлар устига кўп сонли карфагенликлар қўшини ҳужум бошлади ва уларни тор-мор этди.

Ганнибал Рим пиёдаларининг ташкилотчилигига ва қуролланишига, унинг жанговар тайёргарлигига юқори баҳо берди. У ўз пиёдаларини ҳам Рим намунаси бўйича шакллантиришга қарор қилди. Бу эса яхши натижаларни берди.

Канн атрофида 216 йили йирик тўқнашув бўлиб ўтди ва римликлар армияси бу жангда 50 мингдан ошиқ жангчини йўқотди. Бу ғалабадан сўнг Ганнибал Римга юриш қилиши мумкин эди, лекин у бу имкониятни қўлдан бой берди. Унинг қўшинлари Абадий шаҳар яқинида пайдо бўлганида эса кўп сонли армия шаклланиб бўлган эди.

Карфаген армиясининг Каннидаги ажойиб ғалабаси Рим республикасини синдира олмади, Рим-Италия иттифоқининг парчаланишига олиб келмади.

Карфагендан қўшимча куч олмаган Ганнибал укаси Гаструбалдан ёрдам сўради. Римликлар бундан хабар топдилар ва пистирма уюштириб, ёрдамга келаётган қўшинни тор-мор қилдилар. Ўз ғалабалари исботи сифатида Ганнибалга укасининг бошини юбордилар. Бироқ Ганнибал Италияни ташлаб кетишни хаёлига ҳам келтирмади ва жанговар ҳаракатларини давом эттирди. Бу вақтда Рим урушни чўзиш тактикасини қўллади. Бу эса юртидан олисда бўлган Карфаген армиясининг заифлашувига сабаб бўлди.

Аста-секин Рим республикаси ташаббусни ўз қўлига ола бошлади. Римликлар карфагенликлар ва уларнинг иттифоқчилари устидан Сицилияда, Испанияда ва Италиянинг ўзида қатор ғалабаларга эришдилар. Энди римликлар филларга қарши курашишни ҳам ўзлаштириб олдилар. Рим қўшинлари томонидан Сицилиянинг Сиракуза шаҳри олинаётганида Қадим дунёнинг буюк олими Архимед ўлдирилди.

201 йили Карфаген Рим республикаси билан тинчлик битимини тузишга мажбур бўлди. Иккинчи Пуник уруши Карфагеннинг тўлиқ мағлубияти билан тугади: у Римга ўзининг бутун флотини топширди ва 50 йил давомида бадал тўлаб туришга мажбур бўлди.

Ганнибал 196 йилгача Карфагенни бошқарди. Римга қарши қуролли курашиш фикри уни тарк этмасди. Лекин Римнинг бунга қарши туриши ва ўз халқининг ишончини йўқотганлиги Ганнибални Карфагендан қочишга мажбур этди. Ганнибал аввал Сурия шоҳи Антиох саройида, кейин Арманистонда ва ниҳоят, Фивонияда бошпана излади. Бу ерда Римга қайтариб берилишидан хавфсираб, 70 ёшлик қўмондон заҳар ичишга мажбур бўлди.

Ганнибал Қадим дунёнинг йирик саркардаларидан бири сифатида ҳарбий тарихга кирди. Ундаги қўмондонлик маҳорати давлат арбобига хос донишмандлик, йирик сиёсатчи ва дипломат сифатлари билан уйғунлашди. У кучли Карфаген армиясини тузишга муваффақ бўлди. Ўн беш йил давомида юртидан олисда, асосан ўз кучига таянган ҳолда қудратли Рим империясига қарши муваффақиятли уруш олиб борди.

Урушнинг барча қийинчиликлари ва хавф-хатарларини ўз жангчилари билан бирга бўлишди. Ҳатто римликларнинг ўзлари ёзишларича, Ганнибал «ўзи қила олмайдиган ёки қилишни хоҳламаган ишларни бошқаларга ҳеч қачон буюрмаган». Каннидаги жанглар қўмондонлик санъатининг юқори поғонаси бўлди. Кўп минг сонли Карфаген армиясининг жанговар филлар билан бирга Альп тоғларидан ўтиши эса ҳозирги кунда ҳам кўпчиликни ҳайрон қолдиради.

Подполковник
Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ.

УМИДЛИ ДУНЁ

(Давоми. Боши ўтган сонида).

– Ука мана шу жой сизники, – деб шофёр йигит сумкамни деразадан ташқарини кузатаётган аёл кишининг ёнидаги ўриндиққа қўйди. Шеригимга эътибор қилмай, костюмимни ечиб, секингина ўтирарканман, аёлнинг юзига кўзим тушиб, лол қолдим. Не кўз билан кўрайки, эрталаб қўшнимнинг уйида кўрган ўша кўҳликкина жувон ранги-рўйи бир аҳвол ёнимда ўтирарди. Афтидан жуда кўп йиғлаганидан бўлса керак, кўзлари қизариб кетган. Ҳозир ҳам автобус ойнасидан кўчага қараганча, ғижимланган рўмолчаси билан кўзларини артаётганди.

Узоқ йўлга кетаётганингда ёнингдаги шеригинг дилхуш, самимий бўлса, йўлнинг узоқлиги билинмайди. Бу аёл билан шунча йўлни қандай ўтказаман? Автобус юра бошлагач, кўнглимдан ўтган илк савол шу бўлди. Чўл манзараларини бир оз кузатиб, кўзим бирхилликдан чарчади. Кўзимни юмиб ўриндиқ суянчиғига бошимни қўйдим.

– Соат неча бўлди? – Жувон гаплашиб овунмоқчи бўлди шекилли, менга мурожаат қилди.

– Тўрт бўлибди.

– Кечирасиз, бугун эрталаб Нусрат бобонинг уйидаги йигит сиз эмасми?

– Ҳа, мен эдим. Жувонга савол назари билан юзландим. У эса бамайлихотир жавоб берди.

– Шунчаки, ўзим.

Сўнгра иккаламиз ҳам бараварига «Тўйда қолмабсиз», деб бир-биримизга мурожаат қилиб, бироз жилмайиб, кўнглимиз ёришгач, суҳбатимиз қовушди. Аввалига мен ўзимни таништирдим. Навбат шеригимга келганди, чуқур нафас олиб, дардчил ҳикоя бошлаётган ровийдек, хазин овоз билан ўзининг ўтмиши ҳақида сўз очди.

– Оилада икки қиз фарзанд эдик. Шўрлик ота-онам дилбандлари учун жонини бергудек бўлиб елиб-югуришарди. Албатта, буларнинг ҳаммаси бизнинг келажагимиз учун эди. Опам мактабни тугатиб, шаҳарга ўқишга кетиш нияти борлигини айтганида, дадам кескин қаршилик қилиб, рухсат бермади. Уларнинг наздида қиз боланинг ўқиши шарт эмас эди. Қиз бола уйида ўтириб, уй-рўзғор ва фарзанд тарбияси билан шуғулланмоғи лозим. Дадамнинг бу қароридан опамдан кўра, мен кўпроқ сиқилдим. Шаҳарда ўқиб, ишлаш менинг бирдан-бир орзуим эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, эшигимизни биринчи қоққан совчига опамни бериб юборишди. Чунки қишлоғимиз кексаларининг ўз ақидалари мавжуд. Эмишки, бўйи етган қиз боланинг эшигини илк бора фаришта-ю, малойиклар очармиш. Агар кимки шу анъанага содиқ ҳолда қизини остонадан қадам ташлаган биринчи совчиларга берса, ўша қиз ҳаётда бахтли яшаркан. Ҳамма вақт ҳам бу ақида ўз сўзини айтмасада, опамнинг ҳаётига мос келди. Поччамга кетма-кет икки ўғилни туғиб берган опам, ҳаётидан ҳеч нолимасди.

Мен ҳам мактабни якунлаш арафасида улкан орзуларим саробга айланиши мумкин, дея хавотирланган эдим, аксинча ундай бўлмади. Дугонам Нигора иккаламиз шаҳарга йўл олдик. Омадим чопиб, институтга ўқишга кирдим. Нигора эса қишлоққа қайтишига тўғри келди. Менинг ҳаётимдаги бурилиш, айнан шу дамдан бошланди. Уйда доимо кўзгунинг олдида ўзимнинг гўзаллигимдан ғурурланиб, соатлаб оролансам, ойим фақат «Гўзаллик аёлга ҳеч қачон дўст бўлмаган, бўлмайди ҳам», деган гапни такрорлардилар. Бу мен учун шунчаки айтилган гаплар эди.

Институтда ўқишни бошлаган кунимдан, аксарият курсдош йигитлар мендан нари кетолмай қолишди. Қизлар эса гўзаллигимга ҳавас қилишарди. Мени деб, йигитлар ўзаро жанжаллашсалар, олдинда мени қанақа кунлар кутаётганидан бехабар ҳолда, қувончдан сармаст бўлардим.

Аста-секин кино, театр ва кечки овқатларга «беминнат» таклифлар бўла бошлади. Албатта ўқишдан, айниқса сессиядан асаблар толиққан пайтда бундай таклифларни рад этиб бўлармиди?! Ахир айтишадику, «Яхши таклифлар ҳамиша ҳам бўлавермайди», деб. Менинг «паноҳим»да дугоналарим ҳам кўнгилли дам олишарди. Иккинчи курсни тугатишда якуний имтиҳонлар менга анча қийинчилик туғдирди. Ўшанда бир «оқ кўнгил» домлам «саховат» кўрсатиб, мени бу ноқулай вазиятдан муваффақиятли олиб чиқди. Унинг «шарофати» билан барча имтиҳонларни «4» ва «5»га топширдим. Бу таниш домлам кейинчалик менга меҳрибон бўлиб қолди. Мен оддий қишлоқнинг содда бир қизи бўлсам, унинг барча меҳрибончиликларини оддий инсоний бир фазилат, деб тушунардим.

Чамамда танишганимизга олти ой бўлганда, тасодифан бир кун кечки овқатга таклиф қилди. Танишим, қолаверса қадрдон домлам бўлгани учун йўқ, дея олмадим. Кечки овқат кўнгилдагидек ўтди. У менга нисбатан ҳеч қандай нотўғри хатти-ҳаракат ҳам қилмади. Шундан сўнг унга бўлган ишончим янада ортди. Бу орада яна кечки овқатга таклиф бўлди. Ўша кеча дугоналаримдан бири туғилган кунига, яна бир таниш ўртоғим дискотекага таклиф этган эди. Ҳаммасига қўл силтаб, домлам Шароф Алиевич билан кетадиган бўлдим. У ётоқхонамиз ёнида мени ўз машинасига миндириб, олиб кетди. Йўл-йўлакай ундан ароқ ҳиди анқиётганидан англадимки домлам яхшигина зиёфатдан келаяпти. Бунга эътибор бермай сўрадим:

– Бугун қаерга борамиз?

– Албатта, аввалги борган жойимизга.

Агнеш ҚУРБОНОВ.
(Давоми бор).

БИРИНЧИ ТОПШИРИҚ

ҳажвия

Қачон ишга келмай, қоровулимиз Болта бобо қўлида пиёла, чой ичиб ўтирган бўлади. Бугун ҳам шундай ҳолат, фақат ёнида яқинда ишга келган Шодивой ҳам бор.

– Ҳа, бобо, ёшларга чойхўрликни ўргатяпсизми?

– Чой яхши нарса, асабни тинчлантириб, руҳингни кўтаради. Кел, сен ҳам бир пиёла ич. Кейин ишингни қиласерасан.

Дастлаб, ишга келганимда мен ҳам бобонинг чойини кўп ичганман. Чой ҳақида кўпгина маълумотларни шу кишидан билиб олганман. Чойнинг ватани – Хитой. Шифобахш ичимлик. Чой атамаси хитойча «ча-ийе» деган сўзидан олинган бўлиб, «яшил барг» деган маънони англатар экан. Таъкидлашича, ароқ одамни эшакка миндирса, мириқиб чой ичиб юрган одам доимо отинг устида бўларкан. Ишингиз ўнгидан келармиш. Ҳойнаҳой, Шодивой ҳам чой ҳақида чолнинг маърузасини тинглаб ўтирган бўлса керак.

– Раҳмат, хотинининг чойини ичиб келяпман, – деб ичкарига кириб кетдим.

Ишхонамизга юқоридан текширувчилар келадиган бўлиб қолди. Икки-уч киши экан. Бошлиғимиз Ёрқул Ёржонович бесаранжом. Текширувчи деганлари ҳар куни келавермайди. Яхшилаб кутиб олиш керак. Чой ташкил қилиш зарур. Ёрқул Ёржонович ўйлаб-ўйлаб, бу юмушни сафимизга яқинда қўшилган ёш ходим муҳандис Шодивойга топширишга қарор қилибди. Котибани чақириб тайинлабди:

– Шодивойга айтинг, олдимга кирсин.

Ёш-ёшда, бошлиқ чақираётганини эшитибоқ оёғини қўлига олиб етиб келди.

– Эшитаман, хўжайин, – деди ичкарига кириши билан у.

– Гап бундай ука, – ўтирган жойида унга деди бошлиқ, – бизда бир яхши одат бор. Янги келган ходим ҳар соҳада ўзини кўрсатиши керак. Идорамизга юқоридан текширувчилар келишяпти. Уларни яхши кутиб олиш керак.

– Хавотир олманг, яхшилаб кутиб оламиз.

– Сиздан олдин бу юмушни ўринбосарим Саид Ваққосович, бош ҳисобчимиз Феруза опа, яна бошқалар жуда қойиллатишган. Сизга биринчи топшириқ бўлмаса, уларга бир чой ташкил қилсангиз. Чойни нима эканлигини яхши биласиз-а?

– Болта бобо айтдилар.

– Сиз бўлмаса тайёргарликни бошланг. Хоҳласангиз менинг машинамдан фойдаланишингиз мумкин.

– Машинангизни овора қилишнинг ҳожати йўқ. Ўзим эплайман.

«Ўсадиган бола кўринади», ўйлади бошлиқ.

– Бўлмаса боринг, сизга ишондик.

Ҳеч фурсат ўтмасдан идорамизга узун-қисқа бўлиб, бири узун, бири пакана, узуннинг қўлида қора папка, пакананинг қўлида катта портфель, текширувчилар келиб, тўғри бошлиқнинг хонасига кириб кетишди. Шодивой ҳам буни кўрди. Котибага:

– Мен топшириқни бажаргани кетдим, – деб идорадан чиқиб кетди.

Текширувчилар бошлиқнинг хонасида узоқ ўтиришди. Бу орада бошлиқ хонасидан чиқиб, икки-уч марта Шодивойни сўради.

Соат иккига яқинлашиб қолган эди. Тушлик ҳам ўтиб бораяпти. Бошлиқ яна хонасидан чиқиб Шодивойни сўради.

– Келдилар, – деди котиба.

– Хўш?

– Мен тушликка кетдим, деб манавини ташлаб кетди.

Котиба салафан халта узатди. Бошлиқ қўлига олиб унга қаради. Тепасидаги қоғозчага «Биринчи навли хитой кўк чойи» деб ёзилган эди.

Шундан сўнг қоровулимиз Болта бобо ҳам, Шодивой ҳам ишда кўринмай қолди. Афсус, энди ёш ходимларга ким чой ҳақида маълумот беради?

Абдураззоқ ОБРЎЙ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3360. **Адади** 28000.